

Нодир СУБҲОНОВ,
"Камолот" ЁИҲ МК Ахборот-таҳлил
ва методик ишлар бўлими мудири

КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ



Статистик маълумотларга қараганда мамлакатимиз аҳолисининг 14 миллионга яқинини 7 ёшдан 35 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ёшлар ижтимоий-демографик жиҳатдан жуда катта потенциал имкониятга эга бўлган кучдир. Шу нуқтаи назардан, 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши мамлакат тарихида муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлди. Бунинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, мустақиллик эълон қилинган йили туғилган бола бугун 17 ёшга кириб, умумтаълим мактабини битириш ва катта ҳаёт йўлида ўзига муносиб касбни, жойни танлаш арафасида турибди. Демак, Ўзбекистоннинг янги формациясидаги янги авлоди вояга етпти. Табиийки, бу авлодга янги асрнинг шиддаткорона технологик ривож, жамиятдаги маданий ўзгаришлар катта таъсир этмоқда.

Бугунги ёшни ўн-ўн беш йил ёки бўлмаса яқин уч-тўрт йил илгариги тенгдошлари билан солиштириб бўлмайди. Ҳозир оддий мактаб ўқувчисини интернет, уяли телефон ва бошқа технологик инқилоб ютуқлари билан ҳайратлантириб кўринг-чи? Бу эса ёшларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, уларнинг ақлий, маънавий камолотига катта таъсирини ўтказмоқда.

2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши нафақат ёшлар билан ишлайдиган "Камолот" ҳаракатига, балки ёшларимиз ва уларнинг келажаги учун масъул бўлган барча кишилар учун ҳам муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, "Ёшлар йили" деб ном берилишининг моҳияти ҳақида Президент И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган маросимда "Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир", — деб таъкидлади. Шунингдек, давлат раҳбари бугунги кунда мамлакат аҳолисининг 64 фоизини, яъни қарийб учдан икки қисмини ёшлар ташкил қилишига эътибор қаратди.

Демак, 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилинишининг замирида мамлакат аҳолисининг катта қисмининг ҳаётига бевосита дахлдор масалалар турганлагини кўриш мумкин. Иккинчидан, юртимиз ўз тараққиётининг янги босқичида мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш сингари улкан мақсадларни кўяр экан, бу кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши моҳиятан халқимиз манфаатларига тўла мос келадиган ва ўз вақтида қўйилган қадам бўлди, деб айтишимиз мумкин.

Президент қарори билан тасдиқланган "Ёшлар йили" Давлат дастури эса мамлакатда ёшлар масалаларига

бўлган эътиборнинг яна бир қарра ошишига хизмат қилади. Дастурда ёшларнинг барча қатламларининг тақлифлари, қизиқиши ва манфаатларини ифодалашга катта эътибор қаратилди. Ундаги йўналишларга, бўлим ва бандларга эътибор беринг.

Биринчи йўналишда ёш авлод манфаатларини тўлароқ таъминлашга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий базани мустақамлаш асосий вазифа сифатида олинган. Ушбу йўналишда асосий эътибор амалдаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш, қонунларда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлароқ ҳисобга олишга қаратилди.

Ундан кейинги йўналишлар.

Авалло, таълим жараёнини янада такомиллаштириш ва сифатини яхшилаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг бандлигини, кенг оммага юқори сифатли таълим кафолатини таъминлаш, ёшларнинг иқтидори ва истеъдодини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёш авлодни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва фуқаро сифатида шакллантирувчи тизимни яратишга эътибор қаратиш. Бунинг замирида, замонавий талабларга мос тарзда узлуксиз таълим тизими сифатини тубдан яхшилаш, ёшлар иқтидорини ривожлантириш ҳамда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини иш билан таъминлаш ва уларни меҳнат жамоаларида мослашувига кўмаклашиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш каби вазифалар ётибди.

Давлат дастуридаги яна бир аҳамиятга молик йўналиш бу болаларнинг ижодкорлик истеъдоди ва қобилиятларини эрта аниқлаш учун шароитлар ва ёшларнинг соғлом турмуш тарзига интилишини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш тизимини яратиш масаласидир.

Демак, давлат аввало интеллектуал салоҳиятга эга, келажак учун маънавий ва жисмоний соғлом бўлган ёшларни тарбиялашдан манфаатдор. Чунончи, ёшлар маънавий оламининг, дунёқарашининг юксалиши шубҳасиз, жамият ижтимоий тараққиётига катта таъсир этади. Ёшларнинг фикрлаш доираси қанчалик юксак бўлса жамият тараққиётининг замини ҳам шунча кенгайди, улар ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан шунчалик кенг фойдалана оладилар.

Ёшларнинг янгича фикр юритиши, дунёқарашининг ўзгариши, сиёсий ва ижтимоий онгининг ўсиши, бу — жамиятдаги ижобий ўзгаришлар демакдир.

Президент И. А. Каримовнинг таъбири билан айтганда, "Фуқаронинг фикрлаши ва дунёқарашини ўзгармоқда, сиёсий ва ижтимоий онги, унинг умумий савияси тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Бугун биз бундан беш йил бурунги кишилар эмасмиз. Ишончим комилки, бундай иймон-эътиқодли кишиларни танлаб олган йўлларида энди ортга қайтариб бўлмайди".

Шу боисдан, ёшлар дунёқарашининг шаклланишида эркин, хур фикрлай олиш қобилиятига эга бўлиш муҳим омил ҳисобланади. Эркин фикрлай олиш онгли равишда билимга эришишга йўл очади.

Дастурдан жой олган яна бир масала бу ёш оилаларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватланишидир. 2007 йилда ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш учун "Камолот" ҳаракати тавсияномалари билан 5 фоизлик кредитлар асосида тижорат банклари орқали 10 млрд. сўм маблағ ажратилган эди.

Бу йил иккиламчи бозор билан бир қаторда жойларда ёш оилалар учун янги уй-жойларни қуриб топшириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Муҳими бу уйларнинг катта қисмини ёшларнинг ўзи "Бунёдкор" меҳнат отрядлари орқали барпо этади.

Бугунги кунда "Камолот" тўла шаклланиб бўлди. Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманлари, ўқув юртлиари, корхона ва ташкилотларида фаолият юритаётган қарийб 17 минг бошланғич ташкилотлар беш миллиондан ортиқ ёшларни бирлаштирган. Бошланғич ташкилотлар ёшлар орасида фаол иш олиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ҳар қандай мамлакатда ёшларга оид сиёсатнинг муваффақиятли амалга оширилиши даражасига баҳо беришда нафақат ҳукумат томонидан ушбу масалага берилаётган эътибор, балки ёшлар томонидан унинг қандай қабул қилинаётганлиги ва уларнинг кундалик ҳаётида бу нарса қанчалик акс этаётганлиги билан ҳам баҳоланади. Шу ўринда, ёшларга берилаётган бундай эътиборнинг маҳсулини жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кўришимиз мумкин.

Бугун ёшларимизни мамлакатимизнинг етакчи муассасаларида, бошқарув идораларида раҳбар лавозимларда кўришимиз оддий ҳол бўлиб қолди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият юритаётган депутатлик корпусининг таркибида ҳам ёшларнинг улуши кўплигини кўришимиз мумкин. Юртимизда шундай масъулиятли вазифалар ёшларга юкланаётганлиги уларга билдирилаётган ишончдан далолат беради. Қолаверса, улар ҳам шу ишончга лойиқ бўлиш учун бор кучини сарфламоқдалар.

Иқтисодиётда хусусий секторнинг, қишлоқ хўжалигида фермерликнинг салмоғини ошириш борасида амалга оширилаётган сайй-ҳаракатлар ёшлар томондан қўллаб-қувватланаётганлигини қуйидаги далилларда ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда 470 мингга етган тадбиркорлик субъектларининг қарийб 37 фоизини, 220 мингдан ошиқ фермер хўжалиқларининг 28 фоизини 35 ёшгача бўлган ёшлар бошқармоқда. 15 фоизга яқин фермер хўжалиқларида ҳам 25-30 ёш ораллигидаги ёшлар раҳбарлик қилмоқда. Бугун тадбиркорлик субъектларини бошқаришининг, агротехника услубларининг янги турларини ўзлаштириб, уларни амалиётда қўллаётган бу ёшларимиз мамлакатимизда эртага вужудга келадиган тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчиларнинг мутлақо янги авлодини шакллантиришига ҳеч бир шубҳа қилмасак бўлади.

Жамият ҳаётининг турли жабҳаларида фаолият юритаётган, керак бўлса ҳеч қўрқмасдан масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган бу ёшларни кўрганда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг ҳақиқий давомчилари вояга етаётганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Мамлакат келажиги ҳам айнан ёшлар қўлида. Фарзандларимизнинг иродали, иймон-эътиқодли, мустақил ва эркин фикрли, ҳар қандай хуружларга дадил қарши бора олишга қодир инсон бўлиб етишишларида таълим муассасалари, оила, маҳалла ҳамкорлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган юксак турмуш тарзининг аҳамияти каттадир. Шу сабабли ёшларнинг ҳали ечилмаган муаммолари жамоатчилигимизнинг диққат марказида бўлиши табиийдир,



Ўтқир РАҲМАТ

Озодлик, эркинлик — қанотга имкон



БИР ҚУШ БОР...

Кушинг хонишидан
Маст эди боғ ҳам,
Гунчалар жилмайиб
Багрин очарди.
Чехраси ёришиб
Ҳатто субҳидам,
Уйғонган уфқдан
Нурлар ичарди.

Сеҳрли наводан
Ўртанди бағир,
Ҳаяжон шодланиб
Измига олди.
Мен ипсиз боғланиб
Шу қушга охир,
Тузоқлар қўйдиму
Сўнг тутуволдим.

Сув берсам бепарво,
Донга қарамас.
Тумшайиб қафасда
Бетобдай ётди.
Ёлвориб сўз айтсам
Жавоб ҳам қилмас
Бу ҳолат қалбимга
Тикондай ботди.

Қўл силкиб ўрнимдан
Турдим шу заҳот,
Тақдирда не бўлса
Кўрасан, дедим.
Яшашни истасанг
Мана дон — овқат,
Сен шунда сайрайсан,
Турасан, дедим.

Қарасам, бир куни
Ўша митти жон,

Аланглаб, ютоқиб
Сувни ичарди.
Қафасга бош уриб
Сўнг титкилаб дон,
Қанотин ёзганча
Сайраб учарди.

Қувончим яйради,
Хузур қилди жон.
Муроду мақсадга
Эришган эдим.
Ҳаттоки куйларкан
Яралса имкон,
Қафасда қуш боқиб
Мен шунда билдим.

Вақтнинг тизгини йўқ,
Ушолмайсан ҳеч,
Туну кун кетидан
Умр ҳам оқди.
Дон тутдим, сув бердим
Унга эрта-кеч,
Сайроқи қушчага
Парварии ёқди.

Учди,
Учаверди
Чарх уриб тинмай.
Дилимни ёшлади
Бир кун ноласи:
— Шу митти жонимга
Раҳм ҳам қилмай,
Тутқунда сақлайсан,
Одам боласи!..

Қафаснинг дарчасин
Очдимۇ шу чоғ:
— Қани, уч боғинга,
Савважон, дедим.

Энди сен озодсан,
Эркин қанот қоқ,
Сайрашга, яйрашга,
Кенг имкон, дедим.

Кўзлари ёшланди,
Титради ногоҳ,
Дарчадан аланглаб
Атрофга боқди.
Чугурлаб, чуғурлаб
Дилим ўртаб оҳ,
Сарҳадсиз боғ томон
Сўнг қанот қоқди.

Озодлик...
Эркинлик...
Қанотга имкон,
Дил истар орзуга
Қовуштираб бахт.
Қушча ҳам боғида
Сайраб беармон,
Кенгликдан тўймайин
Учарди фақат.

Ташвишлар қўйнида
Ўтди кунлар ҳам,
Унутдим қафасни,
Сайроқи жонни.





Воажаб,
Бир куни
Эрталаб турсам,
Уша қуш қафасда
Чўқирди донни!

У мандан чўчимас
Хотиржам эди,
Мунчоқ кўзларида
Ялтирарди нур.
Чугурлаб ўзича
Нимадир деди,
Сўнг боққа учди у
Айтиб минг узр.

Боғида яйрарди,
Сайрарди тинмай.
Ошенин бағрида
Тонгни қилар шом.
Билибми гоҳида,
Гоҳида билмай,
Қафасда ўтириб
Ўтказар оқишом.

Ажаб бу қандай ҳол,
Қандай сир эди?
Шу қушга худойим
Берсин тўзимни.
Куну тун ўйланиб
Йиғлагим келди,
Шу қушча ўрнида
Кўриб ўзимни!..

Тўртлик

Офтобга кўп қарайсан, майса,
Суйкалиб соч тарайсан, майса.
Шуни ҳам сен кўрмагин мандан,
Бир кун вужуд, тилгинанг куйса!

Кеча...

Кеча тунда чилдирма,
То тонгача тинмади.
Юлдузлар ухламади,
Уйқу кўзга инмади.

Ўроқдайин ярқираб,
Ўриб кетди нени ой.

Умрнинг бир оқишомин,
Олиб кетди ҳойнаҳой.

Омон чиқди оқишомдан,
Уфқ боғин безатди.
Офтобни қучоғидан
Кўкка секин узатди.

Борлиқ тўлди ифорга,
Жилдирар сув — сирли куй.
Гўё тундан тонгача
Бўлиб ўтди бунда тўй.

Юзи ёруғ хонадон —
Офтобидан кўнгли тўқ.
Адашмайди йўлидан.
Хиёнатга ўрин йўқ!

Тутқич бермайди шамол,
Қайтмайди ўз йўлидан.
Югуради бемалол,
Ушлатмай ўнг-сўлидан.

Дарахтларга урар бош,
Кўчаларда тентирар.
Тартибсиз у — бир бебош,
Доим ташвиш келтирар.

Тўзиб кетар дала-боғ,
Ғуборланар тўрт томон.
Булуғта бош тутиб тоғ,
Йиғлай бошлайди осмон.

ВАРДОБА

Кишнаётир гўёки отлар,
Соялайди ҳориган қарвон.
Ўйга чўмиб танишу ётлар,
Сирлашади орзую армон.

Йўловчининг йўли ҳам узоқ,
Нафас ростлаб эркаланар жон.
Бир томонда мизғиса чарчоқ,
Йўлга тушар бошқа бир томон.

Муқим бўлиб қолмаган бир кас,
Кимлар келиб, кимлар кетмаган.
Дил истаги — бу манзил эмас,
Биров етган, биров етмаган.

Йўловчи кўп ахир дунёда,
Кетаётир олдинма-кейин.
Бири отда, бири пиёда,
Елкалаб у ғам, ташвиш ўйин.

Чорасизга мадад бу маскан,
Даргоҳида ҳамма ҳам меҳмон.
Биздан аввал боболар ўтган,
Энди эса бизники бу он.
Эртага...

Шерман дея гулдирайди у,
Сўзларингни юлиб олади.
Зимдан қараб қўяди кулгу,
Сабр-тоқат чўкиб қолади.

Кўтармайди андиша ҳам бош,
Ғап қайтармай тинглайди ҳурмат.
Титраб туриб пинҳона бардош,
Ўз-ўзига тилайди шафқат.

Хаёлингга эргашасан жим,
Ўрмон бўлар шунда намоён.
Ҳозир буну билмайди ҳеч ким:
— Рўпарамда наҳотки ҳайвон?!

Шамол каби гардлар қўйнингда,
Гоҳи қордай нафасинг совуқ.
Гирдоб каби бу ўйинингда,
Дард чекмайин қолмаганлар йўқ.

Дуч келмасам сенга кошкийди,
Учиб кетсам айланиб қушга.
Нигоҳларинг тошга тушсайди,
Мандан олдин айлансанг тушга!

Йўлинг шундан ўтади, нетай,
Нигоҳингдан сачрайди оташ.
Бу заҳар-у зақумми, атай —
Балки дилни ёндириб ташлаш.

Рости, тушга кирмайсан ҳатто,
Хаёлларим жойи ҳам бермайди.
Сен бу ердан ўтганда ногоҳ,
Омадим ҳам сира юрмайди.

Бардошлар тишлаб кўча гунгалак,
Бефарқ ётар пойинг остида.
Умр — турфа,
Қисматлар ҳалак,
Ўтар экан унинг устидан.

Афсус сабрим емира бошлар,
Ўрмалайди томирларда қон.
Тош тишлаган кўча дил ғашлар,
Типирчилар умид чалажон.

Тизилишиб дарахтлар қатор,
Осмон боқар бепарво, беғам.
Қайрилиб ҳам ақалли бир бор,
Кўнгли сўраб қарамайди ҳам!

Бунга чидаб бўлмайди ахир,
Сиқа бошлар бўғзимни нафас.
Митти қушин сайратган бағир,
Метин каби яралган эмас.

Қийналади бош уриб юрак,
Кўксимдан йўл излар тинимсиз.
Айтгин, бундай яшаш не керак,
Бу не туйғу қийнар исмсиз?

Умр ўтар яшаркан ҳаёт,
Манзилинга бир кун етарсан.
Лекин дилим яралаб наҳот,
Бу оламда нима ютарсан?

* * *

Оҳиста тушади оппоқ лаҳзалар,
Ҳали топталмаган беғубор, шаффоф.
Оёғи остида аёз ўралар,
Оқариб боради дала-ю атроф.

Офтоб ҳам юзини кўрсатмас ахир.
Ой қайда?
Совуқдан қочиб ботгандир.
Оқ кўрпа ёпиниб ётган бу бағир,
Баҳорни туш кўриб йиғлаб ётгандир.

Чарчамас изиллаб чопган изғирин,
Чавандоз минган от олдга йўрғалар.
Қайдадир итлар ҳам увишлар ҳазин,
Кўзгалиб қўяди боғда қарғалар.

Бу қорли оқшомда ажиб бир ҳолат,
Борлиқ ҳам бепарво бунинг барига.
Осмондан ёғади оқликлар беҳад,
Сўнг ёриб киради туннинг қаърига!

* * *

Хайр, дедим,
Кўзим ёшланди,
Демак фироқ энди бошланди.
Соғинтириб тонглар отгайдир,
Толиққандан офтоб ботгайдир.



Вақт нима у,
Ўтар зувиллаб,
Ҳаёт қайнар ҳамон зувиллаб.
Қорачуғлар тортаркан хира,
Ўзинг билан қолар хотира!

ҚИЁФА

Нигоҳининг усти ялтироқ,
Қаърида-чи — сирли бир ўйин.
Ялтоқланиб жилмаяр, бироқ,
Ҳар дилга йўл топиши тайин.

У маккорнинг сеҳри жуда зўр,
Ўнса бўлди хузур қилар жон.
Иймонлига ташланган бир тўр,
Виждонсизга берилган имкон.

Илондайин аврайди жонни,
Ришталарда ўрмалар гўё.
Кўзин бойлаб виждон, иймонни,
Пуч ёнғоққа айлар маҳлиё.

Эркаланиб боради вужуд,
Кўпиради, тўлиб-тошади.
Қанотланиб учар гоҳ беҳуд,
Гоҳ манзил йўқ йўлга шошади.

Қанотсизу аммо қўнолмас,
Оёғлари тегмайди ерга.
Ёлғонларнинг қучоғида маст,
Кетаётир билмас қаерга!

Бу кўргулик,
Шунчаки тақдир,
Такрорланар миллионлаб даъфа.
Вужуд тағин ҳақирдан ҳақир,
Кундан кунга масрур қиёфа.

* * *

Ҳувиллар дил уйи.
Безовта туйғу —
Ўксиниб қўяди,
Бечора нурғам.
Ёлғизоёқ йўлдан кетиб борар у,
Мен излаган меҳр —
Унга тикилсам.

Беғубор тафтини жонидан истаб,
Чорасиз бу кўнгил хўрсинар зимдан.
Умр ҳам елади отини қистаб,
Нурларин яшириб бир-бир кўзимдан.

Кувончу дардларни кўтармоқ оғир,
Дилдираб яшар дил — митти сайёра.
Маломат тошидан қийналса тақдир,
Тунлар ҳам ухлмас, кунлар овора.



Начора,
Нелиги ўзимга аён,
Шовқинли шаҳарнинг кўндир ўйини.
Гоҳида адашиб юз бурар имкон,
Гоҳида дўстнинг ҳам бўлмас тайини.

Излайсан,
Қани у — нурли кулгиси,
Офтобдай нурафшон самимий туйғу.
Умрнинг йўллари узун бўлгиси,
Қалбингда чироғлар ёқиб турса у.

Ўртаниб кетар гоҳ юрагинг ахир,
Олис болаликка ташласа нигоҳ.
Эркалаб борлигинг айлайди асир,
Парқу булутларга ёнбошлаб ногоҳ.

Кечган у кўчалар беғубор чанги,
Минг бора авлодир ҳасад ва киндан.
Шабнамга юз ювган о, ёшлик тонги,
Бебаҳо неъматни ҳаётнинг чиндан.

Мисоли кўйлагин кийиб қизғалдоқ,
Шамолга суйкалиб эркалангандай.
Қиру адирларда сочиб ол бодроқ,
Уфқларга бориб тилкалангандай...

Нима ҳам дер эдим.
Билганларим шу —
Кўнглим ҳам чопмайди бирор сўз
десам.

Ёлғизоёқ йўлдан кетиб борар у,
Мен излаган туйғу —
Унга тикилсам.

Исҳоқ ИСМОИЛ



Рисом: Оловиддин Собир-ўзли

СОАТ ҚУТИСИДАГИ МУНЧОҚ

Қисса

Бахт сандиқда, калити—осмонда.

Нақл

БИРИНЧИ МАКТУБ

"Салом, Бекмурод!

Жавоби талаб қилинмайдиган ушбу мактублар таъбингизни тирриқ қилиб, кайфиятингизни бузса-да, ўтмиш ҳаётингиздаги сизга ҳануз сир бўлиб қолаётган баъзи бир саҳналарни ойдинроқ кўришингиз учун пардаларни очиб берса ажаб эмас.

Одатда киши ҳадеганда ўтмиш ҳаёлларига берилавермайди. Бунга вақти етишмайди. Кундалик икир-чикирлар, рўзгор ташвишлари, келаси кун режалари, умуман, тирикчилик инсонни ҳар доим соққадек у ёқдан бу ёққа думалатиб юради. Бу гаплар айниқса жисмонан соғлом кишиларга кўпроқ тегишли. Сиз сингари ногиронлар эса бундан қисман мустасно.

Биламан, иккинчи қаватдаги икки хонали кўримсиз уйингизда ҳамон ёлғиз яшайсиз. Қамоқдан чиқиб,

уйингизга қадам босганингизда унинг афтода ҳолга келиб қолганлигини кўрган эдингиз. Деворлар ўйилиб, гулқоғозлар кўчиб ётар, полтаҳталарнинг бўёғи ўчган, ёрилган, эшик-деразалар эскириб, синиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган, ошиқ-мошиқлари бўшаган, ёғингарчилик пайтларида таъмирланмаган томдан ўтган чакки хоналар шифтини захлатиб тепада қизғиш-сариқ тусдаги катта-кичик доғлар ҳосил қилган эди. Сиз "у ёқда" эканлигингизда уйга икки марта ўғри тушиб бўлга илинадиган нарсалар ўмариб кетилгач, қолган ююм-жиҳозларни укангиз қишлоқдан келиб уйига олиб кетган, хоналарга эса ижарачи талабалар қўйилганди. Бир юмшоққўнгил кўшингиз назорати остида талабалар бу ерда ўз билганларича яшадилар, давру-даврон сурдилар ҳамда хоналарни шу аҳволга келтирдилар.



Сиз келиб бу ерда қайта жойлашдингиз. Эшик-деразаларни наридан-бери тузатган бўлдингиз-у, уйни тўлиқ таъмирлашга ҳафсала қилмадингиз. Онангиз, укангиз қишлоққа кўчиб боришни таклиф қилишганларида унамадингиз. Шундан сўнг укангиз буюмларингизни олиб келиб ўзингизга ташлаб кетди.

Ногиронлик нафақасини олиб ёлғиз яшайдиган одамнинг кунни курсин.

Айтишларича, қамоқхонада махбуслар бир-бирлари билан жанжаллашиб қолишса ва ўзаро кимнидир жазоламоқчи бўлишса ҳар хил усуллар қўллашар экан. Шулардан бири, оёқ-қўлини қўшиб боғлаб, думбасини қаттиқ ерга тўғрилаган ҳолда юқоридан ташлаб юборишади. Жабрланувчи ерга зарб билан тушади ва ичи "тўкилиб" кетади. Бу жазо қўлланилган одам гарчи ўша чоғда ҳар қанча лат емагандек соғлом кўринса-да, аслида, кўпга бормасмиш. Тўрт-беш йилга етмасмиш. Янаям анигини билмадим-у, сизга ҳам шу жазо қўлланилган деб эшитдим. Илоҳи, бу хабар ёлғон бўлсин.

Сўнги пайтларда ҳовлига тушиб у ёқ-бу ёқларга айланиб келиш ҳам сизга малол келмоқда. Соғлигингиз ойдан-ойга, ҳафтадан-ҳафтага ёмонлашиб бораётир. Иккинчи қават зинасидан тушиб чиқишнинг ўзи бир азоб. Кечқурунлари то қоронғу тушгунча ҳовлидаги скамейкада дам олиб ўтиришни ҳуш кўрасиз. Бу пайтларда ҳаво салқин, тўйимли бўлади. Ўзингизни яхшироқ ҳис қиласиз. Баъзан кўни-қўшнилardan бири келиб ёнингизга келиб ўтиради. Сизга ҳамсуҳбат бўлгиси келади. Бироқ сиз ўзи табиатан одамовироқ одам, ҳаётингиз бузилиб, соғлигингизга ҳам кескин путур етгач яна ҳам ўзингизни бошқалардан олиб қочадиган бўлиб қолгансиз. Суҳбатдошни ёқтирмайсиз. Бошқалар ҳам буни сезишади албатта, кўпам сизни безовта қилгилари келмайди.

Кечқурунлари ҳовлида атрофни қузатиш айниқса ёлғиз кишига завқ беради. Бу ҳол менга ҳам нақадар таниш. Ён-верингда болалар қийқиришиб ўйнаб юришади. Катталар ишдан қайтадилар. Ҳовли, кўчалар гавжумлашади. Қоронғу туша бошлагач ҳар ким ўз боласини чақириб уй-уйларига равона бўладилар. Уларнинг гап-сўзларига, бебош боласини тергашларига зимдан қулоқ тутасан, ҳаракатларини қузатиб ўтирасан. Биласан, энди улар илиқ уйларига кириб кечки тамадди тадоригини кўрадилар. Оила жамулжам бўлади — ота, она, болалар. Юз-қўлларини ювиб, артиниб дастурхон атрофида тўпланишади. Овқат сузилади. Гурунглашиб ўтиришади. Вақтнинг ўтгани сезилмайди.

Сиз ҳам уйингизга йўналасиз. Тугқичдан ушлаб аста-секин зинадан юқорига чиқа бошлайсиз... Ҳар сафар

юқорилаганингиз сари ўша аянчли кун манзаралари кўз олдингизда қайта намоён бўлаётгандек туюлади. Гўё уйингиз эшиги ланг очилади-ю, ичкаридан ҳўрланиб, қаттиқ итариб юборилган Ирода отилиб чиқади. Ўзини ўнглаб ололмай тик зинапоядан пастга қулай бошлайди. Кўзларида даҳшат ва алам ифодалари қотиб қолган... Кимсасиз, совуқ уйга кириб боришингизни ўйлаб юрагингиз орқага тортиб кетади. Хоҳлайсизми, хоҳламайсизми сизнинг уйингиз, ватанингиз шу. Омонат эшикни гижирлатиб очганча ичкарига кириб келасиз. Дастурхон ёзиб тамадди қилган бўласиз.

Овқат масаласида сизда муаммо йўқ. Бу ерга келганингиздан бери мана, беш ойдирки бирор кун оч қолган эмассиз. Минг шукрлар бўлсинким, бу дунёда савобталаб одамлар ҳам бисёр. Гоҳида кун оралатиб, гоҳи кетма-кет ҳар кун эшигингиздан бош суқиб бир коса овқат узатишади. Худди қишлоқдагидек. "Дом"дагилар маърака қилишганида ё байрамларда ҳам алоҳида сизнинг насибангиз етиб келади. Нонга ёки кўнглингиз тусаган бошқа бирор таомга муҳтожлик сезганда пулини берсангиз исталган қўшнингиз дўкондан олиб келиб беради. Беминнат хизматини аямайди.

Тез орада кўпайишиб қолган китоблар, газета ва журналларни ҳам ўшалар олиб келиб беришган. Булар сизнинг энг яқин суҳбатдошларингиздир. Китоблардан бирининг орасида сиз эҳтиётлаб асраётган бир сурат ҳам бор. Қизингиз ва ўғлингизнинг биргаликда тушган сурати.

Қайнотангиз хонадонида вояга етаётган болаларингизни ўша машғум кундан бери ҳали кўргангиз йўқ. Кўрсатишмаган. Ироданинг уруллари бунга йўл қўйишмайди. Ҳозирда улар улғайиб қолишган. Энди сизни улар билан учраштиришган тақдирдаям юзларига қандай қарашни, не дейишни билолмай мулзам бўлиб туришингизни тасаввур қилиб афсуслар чекаман.

Қариндошларингиз, дўстларингиз, таниш-билишларингиз навбат-навбати билан келиб сизни кўриб кетишади. Айримлари ҳолингиздан хабар олгани ҳалиям келиб-келиб туришади. Яқинларингиз ўтмишингизнинг энг қора кунни шоҳиди бўлган бошпанангизни алмаштиришни маслаҳат беришди. Сиз унамадингиз. Сабаби, шу кулбангиз ҳаётингизнинг сизга қадрли бўлган бахтиёр кунларининг ҳам шоҳиди эди. Яна бир сабаби, сиз уйингизни алмаштиргангиз билан ҳаётингизни янгитдан бошлай олмаслигингизни, бунга имкониятингиз ҳам йўқлиги, ўтмиш хотиралари нафақат ҳаётингизни эгаллаб олгани, балки ҳам сувратингиз, ҳам сийратингизда-да тўлиқ акс этиб турганини тушуниб етганингиз эди чамамда.

Ўтказган бахтиёр кунларингиз аҳён-аҳён тушларингизга ҳам кириб турса ажаб эмас. Сулвгина турмуш ўртоғингиз, шириндан-ширин икки фарзандингиз, жамиятда ўзингизга яраша мавқеингиз, тўппа-тўғри издан кетаётган турмуш йўлингиз бор эди. Хатарли бурилишларга чалғимаслик, оилангизни фақат ҳалол луқма билан боқиш доимий эътиқодингиз бўлган. Аёлингизга ҳам қайта-қайта шуни уқтирдангиз. Сабр-бардошли, иродали бўлишга ундардингиз. Замон ўзгаргач сизга ўхшаган кўпгина олий маълумотлилар оладиган маошларига қаноат қилмай ишларини ташлаб кетдилар. Уларини бозорларга, тadbиркорликка урдилар. Сиз бу ишни қилмадингиз. Қаноатли бўлдингиз, арқонни узун ташладингиз, келажакка умид боғладингиз. Бироқ...

Менинг кимлигимни билолмай ҳайрон бўлаётгандирсиз. Бунга бош қотириб ўтирманг. Мен.. Яратганингиздан анча-мунча узоқ бир бандасман. Сиз тўғрингиздаги тафсилотларни эса сизга яқинроқ бир танишингиз орқали биламан. Узр, мен уни сизга ошкор қилмайман.

Сизга сабр-тоқат тилайман.
Салом билан..."

ИККИНЧИ МАКТУБ

"Бекмурод!

Хасталик офатдир. Буни мен ҳам ўз бошимдан кечирдим. Одатда бемор билан мулоқот қилинганда унга таскин берилди, сихат, шифо тиланади. Албатта, мен ҳам сизга соғлик-саломатликни раво кўраман. Кошкийди, шу кўрганларингиз туш бўлса-ю, бир тонг чўчиб уйгонсангиз-да...

Мактубимдан кўнглингизни кўтарадиган гаплар, жумлалар тополмаётганлигингиздан изтиробдаман. Нима қилай, кўргулик экан, хатларимни жўнатмасам бўлмасди. Бу мен учун ҳам, сиз учун ҳам жуда муҳим деб ўйладим.

Сиздан яна ўтмишга, ўша машғум кун хотираларига қайтишни илтимос қилардим...

Ишхонада сизга сим қоқишди. Телефон орқали эшитилган гаплардан ҳайратга тушдингиз: "Бекмурод, эшитяпсизми? Аёлингизнинг сизга қанчалик вафодорлигини уйингизга опкелинган арзон-гаров жиҳозлардан сўранг". Шу гапларни айтган аёл ўзини танитмади. Сиз бўшашиб жойингиздан жилолмай қолдингиз. Хонангизда узоқ ўтириб мулоҳаза қилдингиз: "Жиҳозлар, дейилдими? Қайси жиҳозлар?.." Бироқ бирма-бир эслай бошладингиз. Аввал диванни, кейинчалик иккита креслони сизсиз айнан хотинингизнинг ўзи сотиб олиб келган эди. Карнизлар, хонтахта, ёзув столи ва стулни ҳам Ирода сотиб олган. Сизни ҳол-жонингизга қўймай шу жиҳозларни олишга кўндирган. Маошдан қисиб, қариндошлардан озроқ қарз кўтариб ниятига етган. "Дўкондор яхши киши экан, нархини арзон тушириб берди" дерди ҳар сафар. Ҳа, айтгандай, шу жиҳозларнинг бариси битта дўкондан олинган эди шекилли...

Ишдан эрта қайтдингиз, бироқ уйга келмай шаҳар кўчаларида кечгача санқиб юрдингиз. Йўлингизда учраган мебел дўконларига кириб жиҳозларнинг нарх-навоси билан қизиқдингиз. Нархлар "осмонда" эди. Хотинингиз харид қилган анави матоҳларнинг баҳоси ҳақиқатан арзон эди. Тўғри, нарх-наво тез-тез ўзгариб турарди, бироқ уйингиздаги нарсалар олинганига унча-мунча вақт ўтган бўлса-да, барибир орада бунчалик катта фарқ бўлмаслиги керак-ку.

Эҳтиросларни жиловлаб ақл билан иш тутиш лозимлигини билардингиз. Ноҳақ тўхмат қурбони бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Бу дунёда сенга ҳасад қиладиганлар, тинч турмушингни кўролмайдиганлар оз эмас. Ибботсиз, далилсиз бир гапга ишониб қийин.

Хаёлингизга келган бир фикрдан бироз дадиллашдингиз. Бориб яқин танишингиздан пул қарз олдингиз.

Қоронғу тушганда уйга кириб келдингиз.

— Кеч қайтибсизми? — деб сўради Ирода.

— Ушланиб қолдим, — дедингиз совуққина.

Кайфиятингиз ёмонлигини, Иродани кўрарга кўзингиз чидамаётганини сездирмасликка ҳаракат қилдингиз. Ювиниб, артингач жимгина овқатлана бошладингиз. "Наҳотки шу гап рост бўлса", дея яна гумон ичида қолдингиз. Оғзингиздаги луқмани зўр-базўр ютдингиз. Иштаҳангиз бўғилди. Биринчида ўқийдиган қизингиз ҳали дарс қилиб ўтирар, ўғлингиз ухлаб қолган эди. Дастурхондаги таомни емай қўйганингизни кўриб хотинингиз ҳайрон бўлди:

— Овқатингизни емайсизми? — деб сўради.

— Қорним тўқ, — дедингиз қисқа қилиб, кейин ёстиққа ёнбошладингиз.

Кайфиятингиз йўқлигини аллақачон сезган хотинингиз буни чарчаганликка йўйди. Ортиқча гаплар гапириб сизни безовта қилгиси келмади. Сиз эса чалқанча ётганча кўзларингизни юмиб ўй ўйлаб кетдингиз. Телефон орқали эшитган гап ҳамон қулоғингиздан нари кетмасди. Кейин кўзларингизни хиёл очиб хонадаги

жиҳозларга нигоҳ ташладингиз. Манави одмигина хонтахта, ёзув столи, карнизлар, нариги хонада турган диван ҳамда икки кресло сиздан нималарнидир яшираётгандек, хотинингизнинг сизга нисбатан хиёнатидан сўз очишга шайланаётгандек туюлди.

Ҳа, Ирода шу жиҳозларнинг барисини битта дўкондан олаётганини айтган эди. Қайси дўкон эканлиги билан сиз қизимабсиз. "Дўкондор яхши киши экан", деса "яхши киши"ни негадир ёши улуг бир одам деб тасаввур қилибсиз. Наҳотки Ирода ўша дўкондор билан дон олишиб юрган бўлса...

Сиз яна кўзларингизни юмдингиз.

— Ваннахонада сув яна чиқмай қолди, — деди Ирода бир маҳал. — Ҳовлидаям йўқ. Кўчанинг нариги томонидан ташиямиз.

— Нима бўпти сувга?

— Билмасам. Ҳамма ўша ёққа боряпти. Ҳали-бери чиқмайди дейишяпти. Каттароқ иккита пақир олмасак бўлмайди.

Шунда сиз тузган режангиз ҳақида ўйлай бошладингиз. Мана, баҳона ҳам топилиб қолди. Шуни амалга оширсангиз баъзи бир нарсалар равшанлашармиди...

— Майли, — дедингиз, — пул берай, пақир олақол, Кейин, ҳалиги, қандил деётувдингми, ўшаниям олақол.

— Нима, ойлик олдингизми?

— Йўқ, мукофот чиқибди.

— Қандилини қўятурайлик, ундан бошқаям...

— Ол деган пайти олавермайсанми, осмондан тушгандек пул бўлса... Қолгани ойликдан.

Хотинингиз гапни кўпайтириб ўтирмади. Одатингизни биларди. Қандил олиш ҳам бир орзуга айланиб қолишини истамасди...

Бекмурод! Судда берган кўрсатмаларингиз асосида ёзилган ушбу мактубда зикр этилган воқеалар ҳақиқатга қанчалик узоқ-яқинлиги албатта ўзингизгагина аён, кечинмаларингиз ҳақидаги айрим тахминий мулоҳазаларим ҳам нисбийдир, эҳтимол. Бунинг учун узр.

Сизга сабр-тоқат тилаб, салом билан..."

УЧИНЧИ МАКТУБ

"Сиз ўша кеча ухлаёлмадингиз. Хаёлингиз минг кўчаларга кириб чиқди. Мижжа қоқмай тонг оттирддингиз. Эрталаб туриб ишга кетдингиз. Аммо ишга бормай бозор ёнидаги гавжум бекатда автобусдан тушдингиз. Бу сизнинг кеча тунда ўйлаб чиққан режангиз ижросининг аввали эди. Айнан шу жойдан хотинингизнинг орқасидан кузатишни мўлжаллагандингиз. Уйингиз ёнидан кузатса бўлмасди, чунки Ироданинг бозор қилгани уйдан қачон чиқишини билмасдингиз. Пойлаб ўтирганингизни кўриб қолишса таниш-билишлар ажабланишлари, саволга тутишлари мумкин. Билардингиз, Ирода фақат автобусга минади, сиз ҳам айнан шу автобусга минолмасдингиз, сизни кўриб қолади. Ҳозир тушган мана бу гавжум бекатда эса сизни ҳеч ким танимайди. Ирода ҳам автобусда шу ерга келади. Аввалоси у шу бекатда тушади, бозор ичидаги ёки атрофидаги мебел дўконларидан бирига боради. Агар бу ерда тушмаса такси миниб автобус ордидан кузатса бўлади.

Уйингиз томондан келадиган автобуслар, биринкетин бекатда тўхтар, йўловчилар тушиб чиқишарди. Сиз эса йўлак ёқасидаги дарахт панасидан туриб уларни диққат билан синчиклаб кузатардингиз.

Мана, ниҳоят, навбатдаги келиб тўхтаган автобус ичида Иродани кўрддингиз. У ҳам шу бекатда тушишга тарадудланиб эшик томон сурилиб келарди. Автобусдан тушди-да шоҳ кўчани кесиб ўтиб бозор дарвозаси томон йўналди. Сиз уни кўздан қочириб қўймасликка тиришиб орқасидан эргашдингиз.

Ирода бозорга кириб айланиб юрди. Иккита челак сотиб олди. Қатор расталар томонга ўтиб яна майда-



чуйда алланималар харид қилди. Сўнгра ортига қайтиб бозордан ташқарига чикди ва чапга бурилгач кенг йўлак бўйлаб тез-тез юриб кетди. Сиз масофа сақлаган ҳолда унинг ортидан кўз узмай борардингиз. Ирода йўл четида тикис жойлашган дўконларнинг бирортасига кирмай бозордан анча олислаб кетди. Муюлишдан чапга бурилди. Сиз ҳам қадамнингизни жадаллатдингиз. Муюлишга етиб бурилиб қараганингизда узун, камқатнов йўлакда Иродани йўқотиб қўйдингиз. Атрофга қараб шундоққина йўл ёқасида мебеллар дўкони борлигини кўрдингиз. Ироданинг шу дўконга киргани аниқ. Дўконнинг дарров кўзга ташланмайдиган овлоқроқ, камқатновроқ жойда жойлашганлиги кўнглингизга яна бир гулгула солди.

Нима қилишни билолмай қолдингиз. Шу дўконга сиз илгари келмаган, кирмаган эдингиз. Ирода уйдаги "арзон" жиҳозларни айнан шу дўкондан олганмикан ё бошқасиданми, ҳали буни ҳам билмасдингиз. Панароқдан хотинингизнинг қайтиб чиқишини кутиб турдингиз. Қайтиб чиқса, у кетгач, дўконга кирмоқчи, дўкондорни таниб олмоқчи эдингиз. Шунга қараб иш тутишни мўлжаллагандингиз.

Лекин Ирода ҳадеганда кўринавермади. Дўконга кейин кирган бир-икки харидорлар ҳам қайтиб чиқиб кетишди. Шунда сиз кўнглингизга келган ўта шубҳали тахминдан бирданга чўчиб тушдингиз. Тузиб турган режаларингиз бир зумда ёдингиздан кўтарилди. Ўзингизни бошқа идора қилолмай дўкон эшиги томон юрдингиз.

Кириб борганингизда ичкарида бир сотувчидан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

— Келинг, ака, — дея мулозамат қилди сотувчи.

Сиз сотувга қўйилган жиҳозларга бирров кўз югуртириб чиқдингиз. Ирода бу ерга кирмабди, деб ўйладингиз. Қайтиб чиқмоқчи бўлиб бурилганингизда эшик олдидаги бир-бирига мингаштириб қўйилган иккита челака кўзингиз туши-ю, тўхтаб қолдингиз. Ахир булар Ироданики-ку.

Шу пайт ичкаридаги хоналарнинг биридан шовқин эшитилгандек бўлди, сўнг қаттиқ-қаттиқ қадам товушлари эшитилди. Сиз қайрилиб қараб бошини эгган куйи куйлаги ёқаларни наридан-бери тузатганча ичкари хонадан шитоб билан чиқиб келаётган Иродани кўрдингиз.

Ирода қаршисида одам турганини илғаб бошини кўтарди ва сизга кўзи туши-ю, турган жойида тош қотди. Кейин қўлларини ёқасидан олиб қафтлари билан юзини бекитди. Унинг кетидан ўрта бўйли, қорача, тўладан келган бир йигит чиқди.

— Келинг, ака, — деди у сизни танитай. — Хизмат ака, нима оласиз?

Шунда Ирода жаҳл билан қафтларини юзидан олди, сизнинг юзингизга тик қаради-да:

— Бекмурод ака, кетдик бу ердан! — деди шиддатли оҳангда, у сизни ҳам кутиб ўтирмасдан челақларини кўлига илганча ташқарига интилганда сиз унинг кўлидан тутиб қолиб тўхтатдингиз.

— Ким бу! — дея ўшқирдингиз хотинингизга дўкондорни кўрсатиб.

— Юринг, кетдик бу ердан! — дея ялинди Ирода. — Кейин айтиб бераман, ўзим тушунтираман.

— Кимсан, ярамас! — деб бақирдингиз дўкондорга ташланишдан базўр ўзингизни тийиб.

— Ие, ака, нега бақирасиз? — деди дўкондор бамай-лихотир. — Биз ҳеч нарса қилмадик, ака. Дўконда шовқин кўтаришга ҳаққингиз йўқ.

— Ичкарида бу билан нима қилаётувдинг, ифлос! — деб дағдаға қилдингиз.

— Ўзингизни босиб олинг, ака, — ҳозиржавоблик билан жавоб берди дўкондор. — Ичкарида мол кўрсатдик, нима қилардик, ака. Сиз қизишмай, олдин бундоқ сўранг-да.

— Бир нарсани исботлаёлмай, кейин жавоб бериб юрманг, ака, — аралашди иккинчи сотувчи ҳам. — Чиқиб кетинг бу ердан, бўлмаса милиса чақираман.

Боядан бери ялиниб-ёлвораётган Ирода куч билан судраб сизни ташқарига олиб чиқди.

— Сиз ўзингизни босиб нималар бўлаётганини англаб етишга ҳаракат қилардингиз. Лекин юрагингиз дукиллаб урар, оёқ-қўлларингиз дағ-дағ қалтирарди. Ирода кўлингиздан тутиб уйга шошилар, сиз уни силтаб ташлаб имиллаб қадам босардингиз. Анча жойгача лом-мим демай бордингиз. Бир маҳал:

— Ким у? — деб сўрадингиз хотинингиздан.

— Бир сотувчи, — деди Ирода, — ўзи яхши танимаيمان уни. Сиз ўйлаган ҳеч нарса бўлгани йўқ. Уйга борайлик, бир бошдан ҳаммасини тушунтириб бераман.

— Ҳамиша шу дўконга қатнайсанми?

— Бу нима деганингиз? Уйда тушунтириб бераман дедим-ку.

Йўл-йўлакай хотинингизга нисбатан шаклланаётган нафратингиз кучайганидан кучая борарди. Сизни овутиш учун айтаётган гаплари, қилаётган саъй-ҳаракатлари маккорликдан бошқа нарса эмасди назарингизда. Сиз унга мутлақо ишонмаётгандингиз. "Шу пайтгача бир беномусни хотин қилиб юрган эканман-да, — деб ўйладингиз. — Ўзим ҳам гирт бефаҳм, аҳмоқ эканман. Хотинимнинг қилиб юрган ишларини аллақачон сезишим керак эди. Эҳтиёткорроқ бўлишим зарур экан. Энди бефойда, энди кеч. Мен унинг жавобини бераман. Хотинимнинг суяқоёқлигини бошқалар олдиндан биларкан. Кейин менинг ўзимга айтишди. Менга куюнадиган одамлар юзимга айтишдан истиҳола қилиб телефон орқали етказишган экан-да..."

"Бугуноқ уйига жўнатиб юбораман, — деб аҳдў қилдингиз автобусдан тушиб уйга яқинлашаётганди. — Бу билан бир кун ҳам яшамайман энди. Бировларга билдириб ўтирмай секингина, ими-жимида паттасини кўлига бераман. Ҳеч қандай ваз-қарсонлари ўтмайди".

Иккинчи қаватга кўтарилиб уйга кириб борганларингизда қизингиз ўғилчангизни ўйнатиб яхшигина ўтиришганди. Хотинингиз уларнинг кўлига бозордан олиб келган ширинликларни берди-да алдаб-сулдаб нариги хонага ўтказиб юборди. Эшикни ёпиб сизга юзланди.

— Қандил оламан деб кирувдим, — деди. — Ичкариги хонада яхшилари бор, ўзингиз танлаб олақолинг, деди.

— Кейин-чи?

— Кейин... ичкарига кирсам, қандиллар бор экан. Танлаётувдим...

— Нима бўлди?

— Иккинчи сотувчи ҳам бор эди, бир харидор ҳам бор эди... Бундай қилади деб ҳеч ҳаёлимга келмовди.

— Нима бўлди?

— ...

— Кейин нима бўлди деяпман?

— Кейин... Менга... кутилмаганда хужум қилмоқчи бўлди. Лекин мен бунга йўл қўймадим, ташқарига қочиб чиқдим. Чиқсам, сиз бор экансиз.

Сиз унга кинояли илжайиб, кўзларига тик қараганча индамай турдингиз.

— Ишонинг! — деб ялинди Ирода. — Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Сизни алдамаяпман.

— Алдамаяпсан-а! Шу гапларга ишонди деб ўйлаяпсанми? Ёқавайрон бўлиб чиққанингни кўрмадимми, қанжиқ! Бетларинг ҳам чала сўйилган сигирнинг гўштига ўхшаб қип-қизил бўп турувди-ку! Менга тўғриси айт, манави матоҳларни ҳам ўша дўкондан олганмидинг?

— Нимани айтяпсиз?

— Диванни айтяпман, креслони, хонтахтани айтяпман, қанжиқ!

— Олганман, — деди кутилмаганда хотиржам тортиб Ирода. — Яна бир нарсани айтмадингиз. Стол

билан стулни ҳам ўша дўкондан олганман. Ўзингиз фойдаланиб юрибсиз энди...

— Минг лаънат! Суюқоёқликдан келган столинггайм лаънат!

— Тухмат қилманг, хўжайин, нима олсам рўзгорингизни деб олганман. Ўзингизга қолса... ўша бетайин, пулсиз ишингиздан бошқа нарсани билмайсиз. Одамлар уйим-жойим деб, рўзгорим деб жон куйдиради. Сиз-чи?! Уйга биров келса номуздан ўласан киши. На шароитингизда, на еб-ичишингизда оҳор бор. Бошқаларни кўрмайсизми?! Борингизни ошириб, йўғингизни яшириб юрганамга жон демайсизми? Мен ҳам уйда ялпайиб ўтириб олсам кўлингиздан нима келарди? Шу нарсаларни сиз қилишингиз керак эмасми? Шу уйингизни деб ўлиб-тирилиб юрганамга раҳмат демай мени фоҳишага чиқаргани уялмадингизми?! Тухмат қилманг менга. Олдин исботланг!..

— Исбот керакми? Ўша дўкондан олган нарсаларингни арзонга олгансан. Бошқа дўконларга бориб сўра-чи, нархи қанча экан. Олган нарсаларингни арзимаган пул бериб қолганини баданингдан тўлагансан, билдингми. Мана исботи! Ўзим ҳам кўрмадимми? Кўрмадимми?

— Тухмат қилманг.

Нариги хонанинг ярим очиқ эшигидан қизингиз олазарак бош кўрсатиб турарди. Тўрт яшар ўғлингизнинг ҳам ғингиб йиллаётган товуши эшитилди.

Сиз аҳдингизда қатъий эдингиз. Иродага жавоб берганингизни айтдингиз. "Ҳоҳлаган нарсангни олиб ҳозирроқ уйдан чиқиб кет", дедингиз. Ирода ўзига кўйилган айб аниқ исботини топмагунча ҳеч қаёққа кетмаслигини айтганда сиз тутақиб кетдингиз. Ўзингизни идора қилолмай қолдингиз. Хотинингизни уриб-судраб солдингиз. Болаларингиз уй бурчагига қапишиб олганча чинқириб йиғлашарди. Шовқиндан кўшнларингиз ҳам безовта бўла бошлашди. Ўрта яшар бир кўшнингиз келиб сизларни тинчлантиромоқчи бўлди, фойдасиз. Кўп уриниб охири жанжални бостирди ҳам. У Иродани ҳозирча кета туришга кўндирди. Кейин бир гап бўлар, деди.

Хотинингиз юм-юм йиғлаганча бўғча тугди. Болаларни кийинтирди. Чиқиб кетаётган эшик ёнида беҳосдан тўхтади-да, сиз томонга ўтирилди. Қизариб кетган аламли кўзларини кўзларингизга қадади:

— Ношукур экансиз, — деди, — ҳали жазоингизни оласиз.

Сизга алам қилиб кетди: "Ўзи нима иш қилиб ўтирибди-ю, яна менга нималар деяпти бу калтафаҳм товукчи". Шундоқ ҳам ўзингизни базўр босиб кўпчиликнинг олдидаги бу шармандагарчиликдан мулзам бўлиб тургандингиз. Ироданинг шу гапидан сўнг яна беихтиёр қуюшқондан чиқдингиз. Ироданинг елкасидан тутдингиз-да, зарб билан ташқарига итариб юбордингиз...

Сиз илгари ҳеч қачон хотинингизга қўл кўтармаган эдингиз. Умуман, аёл кишини умрингизда чертмагансиз. Баъзан ўйлаб қоламан. Агар аёлингизни уриб турган бўлганингизда эди, шу машъум, кўнгилсиз воқеа содир бўлмасди, балки. Айтмоқчиманки, агар илгари ҳам бир-икки уриб кўрганнингизда аёл кишининг эркак олдида жисмонан қанчалик ожиз, ҳимоясиз эканлигини англаган бўлардингиз. Ўша чоғда, айни жанжал босилган пайти яна бир бор қуюшқондан чиқиб ўтирмасдингиз. Балки, бу гаплар энди ўринсиздир. Тақдир ҳукми, деган нарсалар ҳам бор-ку бу дунёда.

...Сиз Ироданинг елкасидан тутдингиз-да, зарб билан ташқарига итариб юбордингиз. Аёлингиз ичкаридан отилиб чиқиб ён девор бўйлаб сирғалиб кетди. Бу пайтда у зинапоёга етиб қолган эди. Ҳалиги ўрта яшар кўшнингиз "воҳ", дея ушлаб қолиш учун Иродага талпинди, лекин кечикди. Ирода тиззалари ярим бўкилган ҳолда зинапоё томонга юзтубан кулаб кетди...

Кўни-кўшнлар тезда машина топиб ҳушсиз, юз-қовоқлари кўкариб қонга беланган аёлингизни касалхонага жўнатишди. Бирга-бирга бордингиз.

Дўхтирларнинг ҳаракатлари эса зое кетди. Ироданинг миясига қон қуйилиб қаттиқ жароҳат олган эди. Икки кунгайм етмади...

Бекмурод! Ҳадеб ўтмишингизни эслатиб ярангизни янгилаётганим учун сиздан узр сўрайман. Бу нарса мен учун навбатдаги мактубимнинг мазмунини сизга яхшироқ англатиш учун зарур эди. Айтиб қўяқолай, келаси мактубим энди сиз тўғрингизда эмас, ўзим ҳақимда бўлади.

Сизга сабр-тоқат тилаб, салом билан..."

ТўРТИНЧИ МАКТУБ

"Бекмурод!

Эсласангиз, ўша Шоди дўкондор ҳам судда қатнашиб гувоҳлик берган. У Иродага ўйнаш бўлганини қатъий рад этган эди. Сиз унинг гапига ишонгансизми, йўқми, менга қоронғу. Сизга қандай таъсир қилишини билмадим-у, бир ҳақиқатни айтишимга тўғри келади: Ирода ҳақиқатан ҳам Шоди дўкондорга жазман бўлмаган.

Рости, дўкондорнинг барибирам бир ўйнаши бор эди. Бироқ, у Ирода эмас, асли, менман.

Мана, бир сир очилди, ушбу мактубларни сизга қандайдир бир аёл киши йўллаётгани маълум бўлди. Яна бироз сабр қилсангиз, исмиمنى ҳам билиб оласиз.

Ўша пайтларда Шоди ҳам бир жазман бўлган. У ишратпарастлик учун вақтини, пулини аямайдиغانлар хилидан эди. Боши очиқ қиз-жувонларга хушомад қилиб ўзига оғдириб олишга уста, агар ёқтириб қолса бошида эри бор аёлларни ҳам йўлдан уришдан тоймасди. Мен бир неча бор унинг пинҳона "меҳмони" бўлган, шунинг учун ҳам анча яхши таниш эдим.

Бир гал йўлим тушиб Шоди очган дўконга бордим. Сухбатлашиб ўтирганимизда дўконга хотинингиз Ирода кириб қолдию У бошқа харидорлар қатори жиҳозларни кўздан кечириб юрарди. Иродани зимдан кузатиб ўтириб миямга ярамас бир фикр келди. Шодига хотинингизни кўрсатиб:

— Мана бу жувон қалай экан, нима дейсан? — дедим. Шоди Иродани кўз қири билан аста кузатиб турди. Сўнг:

— Ёмон эмас, — деди. — Сен уни танийсанми?

— Танийман.

— Гаплашса бўладими?

— Нега бўлмас экан. Қаловини топсанг қор ҳам ёғади.

— Унда менга шуни гаплашиб берақол.

— Бўлмайди. Уни орқаваротдан танийман, холос.

Ўзингиз йўлини қилинг.

— Эри борми?

— Бор. Эриниям танийман. Бир маошхўр. Шундай жувонни иқтисоддан қийнаб хор қилиб юрибди.

Шоди харидорларга бирма-бир мулозамат қилиб Иродага яқинлашди.

— Нима оласиз, синглим, тортинмай сўрайверинг, — деди. — Диванми, кресломи, шифонерми, буфетми, сўраганга ҳақ олмаймиз. Сифати яхши, қаранг. Нархи паст. Ҳеч қаердан бунақа арзонини тополмайсиз. Шаҳар айланиб, кўриб юрибсиз-ку.

— Мана бу диван қанча туради? — деб сўради Ирода.

— Комплект бу, иккита креслосиям бор. Қаранг, қандай чиройли. Нархи олтмиш минг. Сизга тушиб бераман.

— Диваннинг ўзини сотмайсизми?

— Ҳа энди, комплектда бу, олаверинг, қиммат эмас-ку.

— Қиммат, — деди Ирода зардали оҳангда.

Шоди яна ёнимга келди. Менга секингина:



— Бунинг чақади-ку, — деди.
— Шоди ака! — дедим мен. — Диваннинг ўзини сотақолинг шунга. Яна, арзонга беринг. Шундай қилсангиз кейинчалик креслоларниям ўзи олиб кетади.
— Ҳў, жонидан, биз буёқда убиткага тушамизми?
— Убиткага тушадиган бўлсангиз, етмаганини мен тўлайман.

— Қандай?
— Қандай хоҳласангиз шундай.
Шоди башарамга тикилиб туриб:
— Гапингда турасанми? — деди.
— Тураман.

Шоди дўкондан энди чиқай деб турган Иродани тўхтатиб бояги диваннинг ўзини креслоларисиз сотишга рози эканлигини айтди. Савдолашиб Ирода таклиф қилган нархгаям кўнди. Аравакаш топиб керакли жойгаям етказиб беришни-да бўйнига олди. "Хўжайинингиз билан келишиб креслоларни ҳам ўзингиз олақолинг, — деди Шоди, — сизга ушлаб тураман, арзонга бераман".

Шоди Ироданинг ҳожатини чиқаргунча қараб турдим. Хотинингиз кетгач, савдолашиб сотилган диваннинг нархини қайтадан чиқардик. Ёнимдан пул олиб орадаги фарқни тўлаб қўяқолдим.

— Бу сенга нимага керак? — деб сўради Шоди.
— Керак-да, — дедим мен. — Креслоларни ҳам сўраб келса, бериб юборинг. Фарқини яна ўзим тўлайман. Сиз ҳаракатингизни қилаверинг-да энди.

— Бу дейман, шу жувонда қасдинг бор-ов.
— Сизга нима фарқи бор?

— Тўғри, — деди Шоди. — Менга нима фарқи бор.
Ҳақиқатан, ўйлаган ниятим ёмон бўлган. Мен шу режам орқали Иродани йўлдан урмоқчи эдим. Бу ишим тузуккина натижа беришига ишонардим.

Кунларни қувиб кунлар ўтарди, лекин Ирода хаёлимдан кетмасди. Ўша куни, дўконда, жиҳозларни бирма-бир ушлаб, силаб кўраётгани, сотувчидан нархини сўрашга ботинолмаётгани, худди омонатдек, чўчитсанг ҳозир пириллаб учиб кетадиган қушдек ўзини тутиши кўз олдимда гавдаланаверди. Қўлидан келганча ўзига оро берган бўлса-да, одмигина кийим-бош, ҳаракатлари унинг оддий бир оиладанлигини, уйим деб, жойим деб жонини жабборга бериб юрадиган жафокаш, ҳаёли аёллар хилидан эканлигини кўрсатиб турарди. Шундай бир жувонга қўллаётган бу ҳунарим ўта аянчли эканини ўйлаб ўзимдан-ўзим жирканиб кетдим. Ахир ахлоқсиз бир аёл бошқасиниям йўлдан тортаверса, ниятига етаверса оқибати нима бўлади? Том маънодаги аёл деган номнинг қадр қасда қолади. Мен нима қилияман ўзи. Бир бегуноҳ жиндошимга шунчалик жабр қилиш, бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдиришга тенг эмасмикан. Шахсий армонларим, ранжу аламларим туфайли ниш ураётган ёвузлик, шафқатсизлик илдизларини ўз вақтида қуритишим зарурлигини сезиб қолдим. Инсон эканлигимни батамом унутиб қўймаслигим, озгина бўлса-да диёнатим борлигини, ўзимнинг, яратганимнинг қаршисида исботлашим учун анчадан бери хаёлимни, вужудимни эгаллаб олган қасд олиш ниятимни юмшатгим келди.

Вақт топиб Шодининг дўконига бордим. Дўкондор мени кўриб қувониб кетди:

— Ўзи сен керак эдинг, келганинг яхши бўлди, — деди.
— Нима гап?
— Анави Ирода дегани кеча келиб креслоларни ҳам сотиб олиб кетди. Келишилган бўйича яна арзонга бериб юбордим.

Мен ноилж қолдим. Ваъдамга вафо қилиб креслоларнинг ҳақиқий нархи орасидаги фарқни тўлашимга тўғри келди.

— Энди бошқа нарса олса фарқини тўламайман, — дедим. — Менинг ортиқча пулим йўқ. Илтимос, ўша

Ироданинг бошини айлантириб юрманг энди. Менга шуёғиям етади.

— Хўп, хўп, гўзалим, — деди Шоди. — Лекин қарасам барибир зўр нарса экан.

Ўша куни елкамдан тоғ қўлагандек ўзимни енгил сездим. Сарфлаган пулларимга ҳам ачинмадим. Ҳаётим давмонида қилаётган хатоларимдан бирини ўз вақтида тузата билганимдан хурсанд бўлдим. Шу қилган тўғри ишим эвазига адоватимни ҳам унутишга рози эдим.

Бироқ ҳодисалар оқимини, тақдирни ҳеч қачон измингда тутиб туролмайсан. Ҳаёт китоби турмуш йўлида сенга ҳар доим сен ўқишни тахмин қилмаган янги-янги саҳифаларни оча боради. Унда ўқиган сатрларининг маъносини ҳали яхши тушуниб улгурмай навбатдаги вараққа ўтишга мажбурсан. Шунинг учун ҳам биз кундалик харажатларимизни, ўзимиз хоҳлагандай идора қилишга, тирикчилик шартларини рисоладагидек адо этишга қодир эмасмиз...

Баҳор кунларининг бирида бекатдан туриб Ироданинг бир аравакаш кўмағида хонтахта, карниз олиб ўтаётганини кўриб қолдим. Қасрдан олганини билмадим-у, бу жиҳозлар Шодининг дўконига ҳам борлигини эсладим. Мулоҳаза қилиб кўриб мени ваҳима босди. Бораётган манзилимдан қайтиб Шодининг дўконига йўл олдим.

Шоди дўкон ичида ҳисоб-китоб дафтарини титкилаб ўтирарди. Мени кўриб:

— Келинг энди, гўзалим, — деб қарши олди.
Сўрашгач, унга йўлда Иродани кўрганимни айтдим.
— Хонтахта олди бугун, — деди. — Карниз ҳам сотдим. Арзонга сотдим, — дея ҳиринглади Шоди.

— Арзонга дейсизми?
— Кўрқма, сулувим, фарқини сендан олмайман. Энди бу ёғини ўзимиз келишаверамиз.

Шодининг фирромликларини олдиндан ҳисобга олмаганимдан афсус чекдим. Сир бой бермай:

— Қалай, йўлга киряптими? — деб сўрадим.
— Анча-мунча қайсар экан лекин. Одамни нуқул убиткага туширяпти.

— Ундан воз кечинг дегандим-ку.
— Ёқиб қолганда, қурғур. Энди воз кечиб бўлмайди.
— Шоди, илтимос, — дедим. — Уни ўз ҳолига қўйинг.

Шоди қўлидаги дафтарни зарда билан бир тоқчага иргитди.

— Жоним, — деди менга юзланиб. — Буёғи энди бизнинг ишимиз. Убиткани ким тўлайди, убиткани. Сен тўламайсан-ку.

— Тўлайман, — дедим.
— Йўқ, энди анов жононнинг тўлови керак, билдингми..."

БЕШИНЧИ МАКТУБ

"Бекмурод! Мен ўшанда нима қиларимни билолмай қолдим. Шоди тутган жойини қўймайдиганлар тоифасидан эди. Иродани исноддан сақлаб қолиш чорасини кўп қидирдим. Ўзи билан учрашиб тушунтирсам бўлмасди. Ўзимни ошкор қилишни истамадим..."

Сиздан бир ўтинчим бор, Бекмурод. Марҳум хотинингизга маломат тошини олманг. Ирода ҳеч қачон хиёнат йўлига кирмаган. У эрига содиқ бир аёл сифатида нимани қилган бўлса сизнинг оилангиз ободлиги учун қилди. Сиз ён-верингизга алангламай ўзингиз амал қилган эътиқодингизда маҳкам турган ҳолда бир кун келиб келажакда етишингиз лозим бўлган фаровон, тўқис ҳаёт илинжида юрган кезингизда аёлингиз на кечиктириб, на инкор қилиб бўладиган бугунги кун ташвишлари билан яшади, заҳмат чекди. Чекига тушган мушкул вазифани сидқидилдан ҳалол бажарди.

Ҳолбуки, Ироданинг кечирган ҳаётини мен каби йўлдан адашганлар орзу қилади, холос. Менинг Иродада асло хусуматим йўқ эди, қасдим... сиздан, фақат сиздан эди.

...Мен ўшанда шундай йўлни танладим-ки, мақсадим, ҳам Иродани ўта хавfli йўлдан қайтариш, ҳам бир йўла... бир йўла сиздан қасд олиш эди.

Йўлини қилиб қўлга туширган телефон рақамини териб ишхонангизга сим қоқдим. Ўша сиз эшитган гапларни мен айтган эдим: "Бекмурод! Эшитяпсизми? Аёлингизни сизга қанчалик вафодорлигини уйингизга опкелинган арзон-гаров жиҳозлардан сўранг".

Шу гапни эшитиб сизнинг ёмон аҳволга тушишингизни истадим. Юрагингизга гўлгула оралаб ўзингизни қўярга жой тополмай қолишингизни хоҳладим. Бутун вужудингиздан даҳшатли кечинмаларни ўтказишингизни, бир кун, ақалли бир кун бўлса ҳам ўз ёғингизда ўзингиз қоврилишингизни ихтиёр этдим.

Менинг ўйлаган ўйим бўйича сиз уйга бориб Иродани қийноқ-қистовга олишингиз, суриштиришингиз, бир кун, бир кунгина азиат чекишингиз лозим эди. Эртаси куни эса мен яна ишхонангизга, сизга сим қоқиб, бор гапни тушунтириб, ўзимни ҳам танитмоқчи бўлгандим. Иродани оқлаб бермоқчи эдим.

Афсус, минг афсуслар бўлсинки...

Эртаси куни ишхонангизга телефон қилсам, ишда йўқлигингизни, негадир бугун келмаганингизни айтишди. Шунда мени ваҳима босди. Миямга минг ўйлар келиб хавотирим кучайгандан кучайди. Кўпам ўйлаб ўтирмай уйингизга жўнадим.

Йўлда калламга яна бир фикр келди: "Бекмурод Шодининг дўконига борармикан?" Ортимга қайтиб дўконга шошилдим. Кириб борсам Шодининг ўзи бор экан. Мени кўриб еб қўйгудек ўқрайиб қаради.

— Нима гап? — деб сўрадим ўзимни хотиржам тутишга уриниб.

— Ирода келувди, — деди Шоди пинагини бузмай.

— Ирода?

— Ҳа, Ирода. Орқасидан эркагини сен юборувдингми? Акасимиди, эримиди у. Ё тоғасимиди?

— Мен ҳеч кимни юбормадим.

— Сен юбормаган бўлсанг, тузук, — деди Шоди, энди у ёқ-бу ёққа аланглаб. — Ирода келувди. Сен айнитиб қўймай бир ҳаққимни олай деб алдаб ичкариги хонага олиб кирган эдим. Бир кучоқлашга улгурдим, холос. Кийикдек хуркак экан зангар, сугурилиб қочди. Ташқарига бир эркак таниши бор экан палакат, сезиб қолди.

— Кейин-чи?

— Кейин-чи эмиш. Кейин эркаги менга ўшқириб капалагимни учирди, ғажиб ташлай деди. Бир амаллаб чиқариб юбордим. Шеригим мелиса чақираман деб пўписа қилувди, шундан пасайди-ёв...

Шоди гапириб турган чоғда мен ташқарига отилдим. Автобуста ўтириб тўппа-тўғри уйингизга жўнадим. "Нима бўлсам мен бўлай", — деб ўйладим. — Эртароқ бир фалокатнинг олдини олай".

Зарур бекатга етган, автобусдан тушдим-да йўлак бўйлаб жадал юриб кетдим. Яқинлашганимда хонадонингиз жойлашган икки қаватли уй эшиги ёнида бир тўда одамларни, енгил машинани кўрдим. Хавотирланиб қадамимни тезлатдим. Етиб борганимча енгил машина жойидан жилиб тўдадан узоқлашди. Ҳали тарқаммай, гап-сўз қилиб турган кишиларнинг биридани нима гаплигини сўрадим.

— Бир қўшни аёл зинадан йиқилибди, — деди у.

— Оти нима?

— Ирода..."

ОЛТИНЧИ МАКТУБ

"Мақтабни битириш даврларингизни эслайсизми? Буни унутиб бўлармиди. Шунга йигирма йилдан ошиб кетибди.

Синфдаги энг мағрур, энг олифта бола эдингиз. Ўзингиз мулақо ажралиб турардингиз. Бошқа болларга ўхшаб чучмал гаплар гапириш, бачкана қилиқлар қилиш сизга бегона эди. Бежирим кийинишингиз, ўзингизни тутишингиз, гап-сўзларингиз, фикрларингиз сизни тенгдошлар орасида ёши улугдек қўрсатарди. Синфдошларингиз ҳам ўзлари сезмаган ҳолда сизга буйсунишар, ортингиздан эргашардилар. Тўғриси, сиз уларни унчалик менсимасдингиз ҳам. Боллар, қизлар буни сезишмасида, ўрганиб кетишган, гўё шундай билиши керакдек эди. Ёлғиз Ўролга бироз хайрихоҳлик билдирадирингиз чамамда, у билан яқин дўстлик ришталарини унчамунча боғлагандек эдингиз, бирга юрардингиз.

Агар билсангиз, синфдаги ҳамма қизлар билан сизни ёқтиришса-да, лекин ажабо, севиб қолишдан қўрқишарди. Бунга ҳақлари йўқдек, муносиб эмасдек билишарди ўзларини.

Бекмурод! Энди айнан кимлигимни, исмимни ошкор қилиш вақти келди деб ҳисоблайман. Мен ўша синфдош қизларингизнинг бириман. Мен Ноиламан.

Балки унчалик эслаёлмасиз ҳам, чунки мен сиз билан икки йилгина синфдош бўлганман холос.

Кичик қишлоғимиздаги саккиз йиллик мактабни битириб юқори синфларда ўқиш учун сизларнинг қишлоғингизга келган эдим. Холаманкида турардим. Аттестат олиб институтга киришни орзу қилардим. Ўқишларим яхши бўлганлиги учун ота-онам катта ўқишларга боришимга қарши эмас эдилар. Лекин келажак режаларим, умидларим қанчалик улкан бўлмасин, бу ерда сизни учратгач қалбимга ҳали нотаниш, ёввойи, илиқ бир туйғунинг ҳам сизиб кира бошлаганини ҳис этардим. Сизни ёқтиришадиган бошқа синфдош қизлар сингари ҳисларимни жиловлаб юришга қурбим етмас, ростки, сизни севиб қолишга ўзимни нолойиқ деб ҳисобламасдим.

Атайлаб орқа партада ўтириб кўзларимни сиздан узмасдим. Оқ юзингизга, дудоқларингизга, кўзларингизга соатлаб қараб ўтиришга рози эдим. Дид билан таралган қоп-қора сочларингизни бориб силагим келарди. Сиз эса парво қилмасдингиз. Ўзгалар аллақачон сезган нарсани сиз сезмасдингиз, сезсангиз-да, сезмаганга олардингиз.

Айни ўша чоғларда, холамининг уйидаги мўъжаз хонамда, яшириб юрадиган хотира дафтаримнинг орасида яқин ўртоғингиз Ўрол ёзган хатлар ҳам йиғилиб борарди. Ўрол ўзининг менга бўлган муҳаббати шунчаки ҳавас эмаслиги тўғрисида ёзарди. Ўзига ром қилиш иштиёқида севги шеърлари битарди. Менинг унга хайрихоҳлик билдиришимни сўрарди, агар уни рад этмасам бир умр мени авайлаб-асрашини, эъозлашини, ҳурмат қилишини айтарди, ваъдалар берарди. Аммо мен Ўролнинг дил изҳорларига жавоб ёзмасдим. Хатларини эса ёшлик йилларимдан бир хотира сифатида сақлаб қўйгим келарди, холос.

Мен сизга хатлар ёзмасдим, севишимга ишора қилинган бирор сўз айтмасдим. Буларни сиздан кутардим. Интиқиб кутардим.

Нихоят, 10-синфда ўқишни тугаллаб давлат имтиҳонларини топширишга тайёрлана бошладик. Бир куни тайёрланиш чоғида синфда ўтириб бир синфдош дугонамининг янги сотиб олган нарсасини қизлар билан томоша қилдик. Бу аёллар соати эди. Қизил қутичасидан олиб бирма-бир тақиб кўрдик. Навбат менга келганда қўлимга тақиб олиб:

— Шуни менга бе-ер, — деб ялиндим эгасига ҳазиллашиб. — Шунақасини жуда хоҳлардим, берақо-ол.

— Ҳо-о, — деди дугонам ҳам қўлимга ёпишиб. — Керак бўлса ўзинг ол.

— Бўлмаса қутичасини ола-ай...

Қулишиб ўтирдик. Синфда ўғил болалар ҳам бор эди.

Бу суҳбатни ёдга солганим, сизга эслатганим ҳам бежиз эмас. Балки шу суҳбат содир бўлмаганида...



Сўнги имтиҳон куни сиз мени четга чақирдингиз-да, қўлимга қоғозга ўроғлик нарса узатдингиз.

— Бу нима? — деб сўрадим.

— Олавер, совга.

Сира кутилмаганда. Бироз каловланиб қолдим.

— Олавер, олавер. Сенга. Хатиниям ўқи!

Мен олдим, сиз бошқа ҳеч нарса демай қайрилиб кетдингиз.

Ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Овлоқроқ жой қидириб анча овора бўлдим. Қувончим ичимга сигмасди. Ҳозир портлаб кетадигандек эдим. Бир синфга кириб эшикни ёлдим-да, уни орқам билан тутиб турган ҳолда қоғоз ўрамини секинлик билан очдим. Ичида қизил рангли соат кутиси бор эди. Ҳалиги дугонамикидан. Энтикиб кетдим: "Нахотки, нахотки Бекмурод менга бирданига соат совга қилаётган бўлса". Кутини очиб қарасам ичидаги соат эмас, қатма-қат тахланган мунчоқ экан. Дур мунчоғи. Мунчоқни қўлимга олдим-да айлантириб томоша қилдим. Унинг соат эмаслигидан заррача ҳам хафа бўлганим йўқ. Бу нима эканлигидан қатъий назар Бекмуроднинг Ноилага қилган совғаси эди. Кейин хатни қидирдим. Бир энлик хат қутичанинг тубида экан. Очиб ўқидим: "Ноила! Кечга томон, бузоқ излаб тошқўрага кел. Сенга зарур гапларим бор".

Ўша куни уйга қайтгач, мунчоқни бўйнимга тақиб ўзимни шифонер ойнасига солдим. Аксимга боқиб дунёдаги энг чиройли, энг бахтли қиз ўзим эканлигимдан ғурурланиб кетдим.

Энди кеч бўлишини кутардим. Бекмуроднинг "зарур" гапларини тинглаш учун, ўзимнинг ҳам дил-изҳорларимни айтиш учун жон-жон деб тошқўрага бораман.

Холамларнинг уйлари қишлоқнинг четроғида, кунботиш томонда жойлашган бўлиб, яйлов бошидаги кўҳна, ташландиқ тошқўра у ерга яқин эди. Эрталаб подачи молларни яйлов ичкарасига ҳайдаб кетгач орқасидан бузоқларни бўшатардик. Подачи қайтишдан олдин ҳар куни бузоқ излагани чиқардик. Кўпинча уларни эски тошқўра атрофида топиб ҳайдаб келардик.

Ўша куни кечга томон ҳар кунгидек холамнинг қизчасини эргаштириб олмай "бузоқ излагани" ёлғиз чиқдим. Тўғри тошқўра томонга бордим. Ён-атрофда ўтлаб юрган бузоқлар ичида холамники йўқ экан. Бу менга айни мудоа эди. Бузоқ у ерда йўқ экан, деб қўяқоламан. Бошқалар келса бизни кўриб қолмасин деб ўтлаб юрган бузоқларни ҳайдаб бир жойга тўпладим-да, чу-чулаб қишлоқ томонга қувдим.

Аланглаб қидирдим, кўҳна тошқўранинг ён-бериди сиз кўринмадингиз. Шунда томи йўқ чўпон чайласи томондан заиф хўштак овози келди. Келмаганим, деб ўйловдим, сасингизни эшитиб кўнглим хотиржам тортиди. Кўз югуртириб атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач чайла томонга юрдим. Яқинлашиб эшик ўрнидан ичкарига қарадим. Кўринмадингиз. Кўнглимга бир хавотир оралади, лекин яна тинчландим.

Сизни ҳазиллашяпти, ичкарида яшириниб турибди, деб ўйладим.

— Бекмурод, ичкаридамисиз? Бекмурод! — деб чақирдим.

— Шу ерданман-ку, — деган паст, бўғиқ товуш эшитилди.

Бу сизнинг товушингиз эканлигига ишондим. Юрак ҳовучлаганча секин юриб ичкарига қадам қўйдим-у, девор панасида... девор панасида Муртозни кўрдим. Бу ўша, бир амаллаб ҳарбийни битириб келиб ишқмасликни касб қилиб олган бозорчи, ота-онасини шўрлагиб бир ҳафта қишлоқда, бир ҳафта шаҳарда изғиб юрадиган дайди, тўйларда маст бўлиб жанжал чиқарадиган бетайин, ўғирлик, гарлик қилиб қишлоқдагиларнинг жонига теккан худобезор Муртоз эди.

Мен уни кўрдим-у, кўрқувдан тош қотиб қолдим. У шартга қўлимдан тутиб мени ўзига тортиди.

— Қўйиб юборинг! — деб бақириб юбордим.

— Кўрқма, сенда гапим бор, менга кулоқ сол.

— Қўйиб юборинг, ҳозир яна бақираман.

— Бақирма, биров эшитса ўзинг шарманда бўласан.

Мен сени яхши кўраман. Сени оламан.

Мен жонимнинг борича қичқирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганимда у мени шартга кучоқлаб оғзимни бекитди. Қўйнидан ҳарчанд қутулишга чиранмай унга бас келолмай қолдим. У қобондек кучли ва шафқатсиз эди...

...Тошқўра атрофидан подачининг ҳайқириқлари, қорамолнинг туёқ товушлари келиб турарди. Куёш ботиб шом яқинлашаётган эди.

— Подачи ўтиб кетсин, кейин уйга кетасан, — деди Муртоз.

— Ифлос, сен энди қамаласан.

— Ундай дема, Худой сақласин, мен сенга уйланаман.

— Икки дунёдаям сенга тегмайман.

Подачи шиллоққа ёйилиб шом тушиб қолганида уйга кириб бордим. Холам сигир соғаётган экан. Мени кўриб:

— Қаёқда эдинг, Ноила, бузоқ ўзи келди-ку, — деди.

— Уни излаб юрувдим.

Йўғламсираб гапирганим, овозимдаги ўзгаришни сезиб холам ҳайрон бўлди. Сигир соғишдан тўхтаб, туриб ёнимга келди:

— Нима бўлди сенга, — деди афт-ангоримга, уст-бошимга қараб. — Йиқилдингми?

Мен ҳўнграб йўғлаб юбордим:

— Ҳа, йиқилдим, — дедим-у, холамни кучоқлаб олдим.

— Қаерда йиқилдинг, Ноила?

Мен ич-ичимдан бўзлаб йўғлаганча:

— Йиқилдим, холажон, йиқилдим, — дердим. —

Мен йиқилиб тушдим, холажон. Ёмон йиқилдим".

ЕТТИНЧИ МАКТУБ

Бекмурод! Ўшанда холам менинг номусим топталганини билиб ич-ичидан куйиб кетди. Мени уйига олиб келганидан минг пушаймон эди. Бироқ шармандагарчиликдан қутулиш учун бунга яширишдан ўзга иложимиз йўқ эди. Холам қанча зўрлагани билан Муртозни айтмадим. Мабодо, унга тегишимга тўғри келиб қолса, буни сираям хохламасдим.

Кечалари ўйлаб мишмаш қоқмай чиқардим. Нахотки Бекмурод мени алдаб Муртозга тўғрилаган бўлса. Йўқ, бўлиши мумкин эмас. У шунчалик паст кетадиган йигитлардан эмас. Унинг иши чиқиб боролмай қолган бўлса керак. Муртознинг у ерда пайдо бўлиб қолиши тасодифий. Орқамдан тушиб пойлаб борган, чунки тез-тез у ердан бузоқ ҳайдаб келишимни билган бўлиши мумкин. Тахмининг тўғри чиқиши учун сиз боролмаганингиз сабабини айтишингиз лозим эди. Лекин негадир бундай бўлмади. Сиз дом-дараксиз кетдингиз.

Қанчалар тушкун кайфиятда бўлмайин, ўша йили холам мени аввалдан ўзим хоҳлаган тиббиёт институтига ҳужжат топширишга қўндирди.

Биласизми, менинг изимдан бориб ўрол ҳам ўша институтга ҳужжат топширди. Ўрол ўтди, мен йиқилдим.

Ҳаёт давом этар экан, не бўлгандаям инсон тўхтаб қолмай яшаш учун курашаверади. Топталган умидлари ўрнини янгилари эгаллайди. Юракдаги доғларни губор қоплайди.

Энди мен ҳам қишлоққа қайтиб ғамларга кўмилиб ўтирмоқчи эмасдим. Шаҳарда тиббиёт техникумига ўқишга кирдим. Ҳаётимни яхшилашим, изга солиб кетишим учун саъй-ҳаракатлар қилишим даркор эди.

Орадан бир йилча вақт ўтиб мени излаб Муртоз техникумга борди. На ўқишда, на ётоқхонада ҳол-жонимга қўймай орқамдан эргашиб юрди. Гаплашсам, мақсади менга уйланиш эмиш. Агар ўзим рози бўлмасам

қишлоққа бориб жар солармиш. Ҳақиқатни, менинг уники эканлигимни айтармиш.

Муртоздан ҳамма нарсани кутса бўларди. Жиннилик қилиб қишлоққа лақиллаб қолса шаъним булганишини, холамнинг, ота-онамнинг ҳам ҳоли не кечишларини ўйлаб мени ваҳима босди. Бу тентак билан муроса қилишим керак эди.

— Сиз мени унутинг, — дедим унга. — Ҳолингизга қараб иш тутинг. Сиз уй қилиб бола боқолмайсиз.

— Нега энди боқолмас эканман, бошқалардан кам жойим борми?

— Бетайинсиз. Шу пайтгача бир ишнинг бошини тутмагансиз. Уйлансангиз, мени ҳам хор қиласиз.

— Йўғ-е, Худой сақласин. Ҳали ишга ўтиб бир одам бўлай... Машина ҳам оламан. Мана кўрасан. Сенга айтмадимми, қурилишга ишга ўтапман-ку. Уй олишга яма ёзиламан.

— Ишга ўтиб одам бўлсангиз кейин бир нарса дейман, — дедим мен. — Унгача хайр!

Шундан кейин Муртоз кўринмай қолди. Орадан бирор ҳафта ўтиб яна пайдо бўлди.

— Одам бўлдим, — деди у. — Қурилишда ишлаяпман. Бугун, эрта дам олиш. Шунга келдим, аванс ҳам олдим. Мана, — у дўппайиб турган кистасини кўрсатди. — Юр, сени айлантириб келаман.

— Айланишга ҳали эрта, — дедим мен. — Пулларингизни беҳудага совурмай, йиғинг, уй олинг, кейин тўй қилиб...

— Ҳаммаси бўлади, — деди Муртоз. — Йўқ дема энди, дарров ўзим олиб келиб қўяман.

Ялингираверишдан хижолат бўлиб, кўндим.

У шаҳар айлантирди. Кинога олиб тушди. Овқатландик. Кейин у мени ётоқхонага олиб келиб қўйди.

Муртоз мен ўйлагандан бошқача экан. Юзи хўм-райган, калласи катта, серсоч, гавдали, кўринишидан хурпайган бўрини эслатадиган кўримсиз бир йигит бўлса-да, аслида хушчақчақ, таваккалчи, тўпори, содда эди.

Биз энди ҳар ҳафта дам олиш кунлари айланишга чиқадиган бўлдик. Муртоз кўнглимга қараб айтганимни қилар, кулгили қилиқлари, гаплари билан димоғимни чоғларди. Бир якшанба куни биз яна айланишга чиқдик. Муртоз менга домдан бир бўш уй топганлигини, уни сотиб олмоқчи эканлигини айтди.

— Хоҳласанг ҳозир олиб бориб сенга кўрсатаман, — деди.

— Неча хонали?

— Бир хона, лекин тоза, зўр уй. Ҳамма шароити бор. Арзонга гаплашяпман.

— Мен бормаيمان, — дедим. — Ўзингизга ёқса олаверинг-да.

— Энди, сен ҳам кўргин, илтимос.

Мен ноилож рози бўлдим. Ўша уйга бориб учинчи қаватга кўтарилдик. Мен уй эшиги ёнида кутиб турдим, у тўртинчи қаватга кўтарилиб уй эгасидан калитни олиб келди. Мен ҳайрон бўлиб:

— Эгаси ўзи кўрсатмайдими? — дедим.

— Э-э, у бизнинг акахонда бўлади-ку. Қурилишда бирга ишлаймиз.

Уй эшигини очиб ичкарига кирдик. Хона ростдан ҳам яхши эди.

— Шу уйни оламан, — деди Муртоз. — Кейинчалик кўп хоналисига алмаштириб олаверамиз.

— Яхши, кетдикми энди?

— Кетамиз, кел ороққ ўтирайлик. Гаплашайлик мундай. Мени планларим катта. Сен менга тегсанг бўлди, фақат. Кейин бориб-бориб кўп хонали уйни ҳам сотиб коттеж-ҳовли оламиз. Ҳали миҳдай яшаб кетамиз...

Биз хонадан жуда кеч чиқдик.

Энди биз Муртоз сотиб олаётган уйда тез-тез

учрашиб турадиган бўлдик. Унга турмушга чиқишга розилик бердим.

Ўша учрашувларнинг бирида Муртоз менга бир сирни очди..."

САККИЗИНЧИ МАКТУБ

"Бекмурод! Ўша учрашувларнинг бирида Муртоз менга бир сирни очди.

Мақтабни тугаллаш арафасида синфда ўтириб бир синфдош дугонаминг қизил кутичадаги соатини тақиб кўрганимизни сизга эслатган эдим. Буни ўғил болалар, шаҳсан сиз ҳам кўрган эдингиз. Маҳалладошингиз Муртоз ўша кезларда сиз билан тез-тез ҳангома қилиб турарди. Бир куни у сизга дардини очишга жазм қилади:

— Ноила деган синфдошинг бор-а?

— Бор, нима эди?

— Тоза зўр қиз-да лекин, тўғрими?

— Билмасам.

— Сени яхши кўрар экан, эшитдим. Сен ҳам яхши кўрасанми?

— Э, кўйсангиз-чи. Мен яхши кўрмайман.

— Тўғри қиласан. Момо қилармидинг уни. Ноилани менга бер, мен яхши кўраман лекин.

Сиз кулиб кўйдингиз. Кейин:

— Майли, олаверинг, — дедингиз.

— Лекин, жўра, битта муаммо бор, у билан учрашай десам учрашмайди-да.

— Нега энди?

— Нега десанг, мен сенга ўхшаган келишган эмасман-да.

— Ким айтди буни, сиздай чиройли йигит борми.

— Тўғри айтасанку-я, буни ўзим ҳам биламан, бироқ қизлар билмайди-да.

— Унда нима қилиш керак? — деб сўрадингиз.

— Менга бир ёрдамнинг керак-да. Мени Ноила билан учраштираманг, — деди Муртоз.

— Қандай қилиб?

— Сен Ноилага бир жойга учрашишни таклиф қилсанг бўлди, кейин ўша жойга мен бораман.

— Э, йўғ-е, — дедингиз сиз. — Мен бундай қилолмайман. Ўзингиз йўлини қилиб учрашаверинг.

— Бир илтимос қилувдик-да энди, ука. Одамнинг одамга иши тушмайди. Мана, мактабни битиряпсан, ўқишга жўнаяпсан. Эрта-индин шаҳарга борасан. Қишлоқ боласига шаҳарда жойлашиш қийин. Шаҳарни мана биз яхши биламиз, ука. Ўша ёқларда бизнинг ҳам ёрдамимиз тегиб қолар. Кватира, ётоқжой дегандай, юриш-туриш дегандай... Қари билганни пари билмас...

Сиз бу гаплардан ўйланиб қолдингиз. Балки Муртоздан бироз чўчигандирсиз ҳам, чунки у шаҳарда сизга яхшилиқ қилишдан ташқари, асабига тегсангиз, ёмонлик ҳам соғиниши мумкин.

— Унда... — дедингиз тугилиб, — ўша Ноилага аввал совға бериш керак, ўшанда яхши чиқади.

— Ў-ў, баракалла, қандай совға берай, сен биласанми?

— Маслаҳатим, у ҳозир чиққан аёллар соатини яхши кўради. Ўшандан совға қилинг.

— Соат дейсанми? Соат қиммат-ку.

— Унда бошқа нарса совға қилинг.

— Майли, лекин ўшани сен ўзингнинг номингдан берасан, майлими?

Сизнинг энсангиз қотиб ўйланиб қолдингиз-да:

— Майли, — дедингиз.

Кечаси, аламаҳал уйингизга биров чақириб келди. Уйдагилар сизни Муртоз чақираётганини айтишди.

Муртоз сизни ёруғ жойга олиб бир мунчоқ кўрсатди:

— Пул кам эди жўра, — деди. — Шуни топдим.

— Яхши, ўзингиз беринг-да, энди.

— Йўғ-э, келишдик-ку, сен берасан. Ўша сен айтган

янги чиққан соатниям топдим. Лекин қутиси менга тегди. Мунчоқни шунинг ичига соламиз. Шунга эртагаёқ Ноилага олиб бориб бер. Ўзининг номиндан бер. Бўлмаса олмайди. Кейин, тошқўра бор-ку, ўша жойга кечқурунга таклиф қил. Бўлдимми?

— Нега энди тошқўрага

— Овлоқроқ-да, жўра.

— Нима қиласиз у ерда?

— Э-э, ҳеч нарса қилмайман, қўрқма, гаплашаман, бўлди. Оқшомга чақирмайман-ку.

Сиз яна ўйланиб қолдингиз. Муртозни шунча овора қилиб энди рад этишга росмана чўчий бошладингиз. Сўнгра рози бўлдингиз...

Муртоз шу сирни очганда сизга нисбатан менда нафрат ҳисси пайдо бўлган бўлса-да, кейинчалик сиздан қасд олишни кўнглимга тугмагандим. Сабаби, мен энди тақдирга тан бериб шу Муртоз билан ҳаётимни боғламоқчи эдим. Унга турмушга чиқсам исноддан қутуламан, яқинларимнинг юзини ерга қаратмайман, деб ўйлардим. Дунёда ҳамма аёллар қийналиб-қийналиб уй қилади. Мен ҳам Муртоздан бир йўлини тополмай юрган йигитни йўлга солсам, унга жуфт бўлиб кўп қатори оила курсам, зурёд ортгирсам армонларим ариб муродимга етишимга ишонардим...

Бекмурод! Менинг оддийгина турмуш қуришга интилган бир аёл сифатидаги сўнги умидларим ҳам чиппакка чиқиб тезда барҳам топди. Муртознинг қурилишда ишлаётгани-ю, пул тўплаётгани, одам бўлиш учун қилган саъй-ҳаракатлари-ю, берган ваъдалари бир чўпчак бўлиб чиқди. Сотиб олмоқчи бўлаётган уйи суюқоёқларни "меҳмон" қиладиган ишратхонагина экан, холос. Бир гал Муртоз ўша уйда олдимга бегона эркакни ташлаб кетди-ю, кейин бошқа кўзимга кўринмади.

Мени бешафқат, маккор тақдир аста-секин соғлом турмуш тарзи билан ёнма-ён мавжуд бўлган ифлос кечирмишлар уммонига ғарқ эта бошлади. Шаҳватпараст эркаклардан, бузуқ аёллардан танишлар ортгирдим. Уларнинг беандиша, бешарм дунёсига кириб бордим. Ўқишдан ҳайдалиб, у ер-бу ерда кун кечириб юрадиган бўлдим. Тоғу-тошда бир умр чўпонлик қилиб ўтаётган авом отам, қишлоқдан чиқмаган онам мени назорат қилолмасдилар. Улар мен ҳақимдаги миш-мишларни аллақачон эшитишиб, ноилоҳ тўнғич қизларидан кўнгил узиб, энди сингилларимга умид боғлаб ўтиришганини сезардим. Қишлоқдошларимдан бир нечтаси ота-онамнинг илтимоси билан шаҳарда мени топишдиам, аммо уларга бўйин эгмадим, насиҳатларига қулоқ тутмадим.

Мен шаҳарда фоҳишалар дунёсининг тартиб-қоидаларига бўйсуниб яшар, қўшмачилар назорати остида "фаолият" юритардим. Махсус турар-жойларимиз, ҳатто маошимиз ҳам бор эди. Юрагимнинг тубида бу жирканч, беҳаловат ҳаётга нисбатан кучли нафратимни асраб юрган бўлсам-да, ундан воз кечишга чорасиз эдим. Менинг ҳам бир оила бекаси бўлиб умр кечириш ҳақидаги орзуларим армонга айланиб бўлганлигидан азобланардим.

Ойлар, йиллар, хуллас, шошма-шошар вақт ҳар жабҳада, хусусан, фоҳишалар ҳаётида ҳам маълум хулосалар ясайди, ҳукмлар чиқарали. Ёшим ўтгиздан ўтиб энди "буюртмалар" кам тушадиган бўлиб бораётган кезларда кун кўришим учун қўшмачиликни ҳам касб тута

бошладим. Бу йўлда менга бир кекса қўшмачи аёл ҳомийлик қиларди. У мени ёшлиқда вафот этиб кетган қизига ўхшатгани, уни эслатишда туфайли яхши кўрар, ёрдами аямасди. Шаҳар чеккароғидаги эски уйини ҳам вақтинча менга бериб қўйганди.

Бир куни... бир куни бозорда сизни кўриб қолдим. Хотинингиз ва болаларингиз ҳам бор эди. Нарсалар харид қилиб юрардингиз. Сотувчиларга луқма отиб ҳазиллашар, гоёт хушчақчақ эдингиз. Юрган йўлингизда очиқ юз билан кўкрак кериб борардингиз. Илгаригидек мағрур, олифта эдингиз. Тоза ишда ишлаганингиз, оилангиз борлигидан мамнунлигингиз, ҳаётда хотиржамлигингиз шундоққина сезилиб, кўриниб турарди.

Шунда менинг қалбимда сизга бўлган нафратим яна қайта алангалади. Ҳасадим қулф урди. Ўзимнинг шу кунларга тушишимнинг, икки дунём хор бўлишининг асл сабабчисини сизда кўрдим. Эҳтиросларим мени ўраб юрагимда сиздан қачондир қасд олиш нияти туғилди. Кўп мулоҳаза қилиб ўтирмай бозордаги танишларимдан бирдан сизнинг манзилингизни билиб беришини сўрадим. У илтимосимни рад этмай кетингиздан одам кўйди...

Бекмурод! Мен танишларим орқали бир ҳафта ичида манзилингиздан ташқари оилангиз аъзолари, турмушингиз, ўзингизнинг ўтмишингиз, ҳозирги иш жойингиз ва кўпгина бошқа нарсалар тўғрисида билиб олдим. Ҳатто телефон рақамларингизга ҳам эга бўлдим. Энди нима қилишим мумкинлиги ҳақида бош қотириб юрган чоғларда Шодининг дўконида хотинингиз Иродани учратдим...

Қолган гаплар ўзингизга аён. Кўп вақт ўтмай Ироданинг уволи иккаламизнинг тутди дейишга асослар етарли. Аввалига мен бедаво касалликка гирифтор бўлдим. Кейинчалик сиз ҳам қамоқхонадан ногирон бўлиб қайтингиз.

Шунга имон келтирдимки, ҳаётимизда қилган хатоларимиз бир умр бизни таъқибда ушлайди. Кун келиб хун талаб қилади. Муқаррар жазога туртади. Яна олдинда қиёматдаги жазоси-да кутиб турибди.

Мен ҳам эски ҳовлида бир ўзим яшайман. Дардим сизникидан-да оғирроқ. Ҳалиги кекса аёл ҳолимдан хабар олиб туради, ё одам жўнатади. У бўлмаса нима қилардим. Биласизми, яқинда олдимга ўрол келди. Қандай топса топибди. Узоқ вақт суҳбатлашдик. У кетгач юм-юм йиғлаб олдим.

Бекмурод! Сўнги хат орқали учрашгунча хайр! Сизга сабр-қоғат тилайман. Салом билан, Ноила!.."

ҚУТИЧА ВА БЎНГИ МАКТУБ

"Бекмурод! Мен Сизга ўзимнинг манзилимни маълум қилолмайман. Биламан, бунинг сизга керагим йўқ. Шундай бўлса-да айтиб қўяқолай: мен шу шаҳардаям, бошқасидаям йўқман. Умуман, сиз биринчи мактубимни олган пайтингиздаёқ мен бу оламда йўқ эдим. Омонат дунёсини топшириш арафасида негадир ҳалигача асраб юрганам. Қутича ичидаги мана бу мунчоқни нима қилишимни билмай қолдим. Буни ўзим билан олиб кетолмайман-ку, ахир. Шунинг учун мунчоқли қутичани Сизга юбориб қўяқолдим. Ҳар қалай, унинг ягона вориси Сиз бўлсангиз керак, деб ўйладим..."



Дилдора МИНГЯШАРОВА

Бахтли уйнинг бекаси бўлдим

* * *

Кетдим сўзингизни тингламай бир бор,
Бир бор сизга ҳатто бермадим имкон.
Бугун ҳажрингизда ёнаман зор-зор,
Армонлар биз учун бўлдилар макон.

Кетдим дил розингиз тингламай бир бор,
Кетдим ишқингизни илмай назарга.
Бугун ҳовлимизда янграгай ёр-ёр,
Севгимизни сотдик аҳли бозорга.

Кетдим сизни ҳижрон ўтига ташлаб,
Бугун ўзга ёрга кўнглимни бердим.

Сизни армонларнинг қўйнига бошлаб,
Ўзим бахтли уйнинг бекаси бўлдим.

ОТАМГА

Ота, бугун ўтар қизингиз,
Шам мисоли сўниб боряпти.
Асли қонун ҳар бир сўзингиз,
Пойингизда бошим эгяпти.
Кулиб турган қора кўзларим,
Йиғлашини билмайсиз, ота.
Оғир олманг ушбу сўзларим,
Фарёдимни сезмайсиз, ота.

Қизингиз ўз орзуларини
Кўмди қора тупроқ қаърига.
Дилидаги қайгуларини
Асраб қўйди бугун қалбига.
Сиз ҳаётим мазмуни, ота,
Орзу асли устунмас сиздан.
Енгармидик қайғуни бирга,
Рози бўлинг, мен ўжар қиздан...
Майли, армон бўлсин орзуим,
Измингиздан чиқмайман беун.
Юракдаги бу дардларимни,
Ёзган шеърим айтади бугун.

БИРИНЧИ УЧРАШУВ



Акмал ТУРСУНОВ

Сендан кўз узмоққа ҳаққим йўқ

Андиша отлиққа келсин-е, киргин,
Журъатим қилар бу туйғу яримта.
Ийманиб ўтирма, тушимга киргин,
Паттасин тутаман уйқуларимга.

Кўзларим юзига нур ёпар,
Савдолашмай эркимни сотдим.
Тамом асир этди бу лобар,
Ҳеч бўлмаса билсайдим отин.

* * *

Агарчи парирўй қаршимда
Юрагим оёққа туради.
Тикилмоқ йигитлик қарзим-да
Ишланар кўзимда сурати.

Сендан кўз узмоққа ҳаққим йўқ, билсанг,
Юрак зуғумини айтишим шартмас.
Ўткир нигоҳ юмшоқ этимни тилган,
Бошқа дардлар бунинг олида дардмас.

* * *

ИСТЕЪФО БЕРАМАН ТУЙҒУЛАРИМГА

Пешонамга тошган терни юламан,
Кўрқма, қизармагин, эй, гул, шармдан.
Ҳеч нарса уйламай жим термуламан,
Истеъфо бераман туйғуларимга.

Дийдор бир лаҳзада гашитини суриб
Ҳижрон томоқ қириб қарибламоқда
Бир сафар жазм этдим севмасдан туриб,
Гўзал юзлигимни таърифламоққа.

Юз бурма, қалбимга расминг, қўй, чизай,
Дийдоринг — бу санъат асари дарси.
Сени мақтамоқдан бурун мўъжиза
Яратган Худого топинмоқ фарзим.

Афсунлар, кўзлари афсунгар,
Жодуси ақлимни кесади.
Қайданам термилдим мен, бир бор
Ҳижрони бағримни эзади.

Сендан кўз узмоққа ҳаққим йўқ, билсанг,
Чехрангдан нурланар қорачиқларим —
Менинг кўз тикканим ҳар ким йўқ, бир сан,
Салгина кўнглимга қара, сиқмагин.

"Билмайман, исминг не, эй, сулув,
Кетмоққа чоғланма бир зумга.
Музлаган кўксимдан юлқиниб
Юрагим кеп қолади бўғзимга".

Сендан кўз узмоққа ҳаққим йўқ билсанг,
Нигоҳим қоровул дил кўчасига.
Вужудим кўз бўлиб сенга тикилган,
Интизор боққандек қул хожасига...

Уйғун РЎЗИЕВ

УЗУН ЙЎЛЛАР

Ҳикоялар



ХИЛВАТДАГИ ФАРИШТА

Кўлимдаги пиёла беҳосдан тушиб кетиб, ичидаги чой тўкилди, дастурхон ҳўл бўлди. Ирим-сиримларга унчалик аҳамият беравермайман-у, аммо баъзан эрталабдан шундай ҳодиса бўлса, кўнглимнинг бир четида жиндаккина гулгула уйғониб қолади. Мана, бежизга эмас экан, ишхонамга келишим билан нохуш хабар битилган телеграмма олдим. "Фарҳод, Замон муаллим қазо қилди, эртага соат ўн бирда сўнги манзилга кузатамиз. Иложинг бўлса етиб кел", деб ёзилган эди қоғозда. Шу лаҳзада бирданига Замон муаллимнинг ҳар қандай одамни сергаклантирадиган ўткир нигоҳи, ҳамиша ўзгармайдиган тунд қиёфаси ва кексайганда ҳам эгилмаган алп қомати кўз ўнгимда гавдаланди.

Шу баробарида эса ҳаёлимнинг нариги ярим пардасида кўкракларидан оқаётган сутга қоришиб кўз ёшлари ҳам дув тўкилаётган яланғоч аёл пайдо бўлди.

Э-ҳа, бунга кўп йиллар бўлган. Қанча сувлар оқиб кетди. Лекин қачонки Замон муаллимни эсласам, у билан бирга ўша аёл ҳам ҳаёлимга келаверади. Бинобарин, у ҳаётимдаги унутиб бўлмайдиган воқеалардан бири эди. Ҳар гал эсимга тушиб қолса юрагим ачишиб, кўнглим беҳузур бўлар, қўйиб берса кўзимга ёш қалқиб чиқай дейди. Мана, ҳозир ҳам кутилмаганда қўлларим қалтираб, елкам ачишиб кетди. Ҳар гал ана шу хотира уйғонганда ич-ичимдан йиғлагим келиб, вужудим озорланади. Ачиниш, нафрат, куюнчаклик ҳислари билан бир қаторда юрагимнинг энг тубида алангага айланган мамнунлик учқуни ҳам намоён бўлади.

Эҳтимол мактабда ўқишларим кутилмаганда жадаллашиб, то ўқишни битиргунимча ҳамма синфдошларимдан ўзиб кетганим, кейин институтга кириб, яхши натижага эришганим ва ундан сўнг тез фурсатда диссертациямни ҳимоя қилиб, олимлик мақомига етишганим ҳамда эндиликда катгагина муассасанинг раҳбари бўлганим, умуман барча-барчасига ўша муаллим ва ўша аёл сабабчи бўлгандир, дея ўйлаб қоламан. Шу фикрим тўғри, деб ҳисоблайман ва бу албатта, адолатдан бўлур эди. Ана шу интилишларимга, фавқулодда пайдо бўлган гайрат-шижоатимга бошқа бирон сабабнинг туртки бўлганини эслай олмадим.

Аслида Замон муаллим мени мактабда ўқитмаган (лекин ҳаётда яхшигина дарс бериб қўйди). Мен биринчи синфга борганимда у киши нафақага чиқиб кетган экан. Лекин то умрининг охиригача ҳам ҳамма уни муаллим деб билди, муаллим деб чақиришар эди. Қаҳри қаттиқлиги, салобати, кўз ва сўзи ўткирлиги боис кўча-кўйда уни учратганлар ўзларича сергак тортиб қолишарди. Шунинг учун бўлса керак, мен тенги болалар ҳам Замон муаллимнинг салобати ҳақида кўп эшитавериб кўнглимизда аллақандай таассуротлар пайдо бўлган, кўча чангитиб ўйнаб юрганимизда у кишига дуч келиб қолсак қўрқа-писа салом бериб, тезда кўздан ғойиб бўлишга шошилардик... Худди ҳозир кўриб тургандек, аниқ-тиниқ мана, бор бўйи билан кўз олдимга келади: кўзларидан ёш, кўкракларидан сут оқаётган ўша яланғоч аёл. Мен кўрган бу манзарани агар бирорта рассом кўрганида, чизган сурати билан, албатта Леонардо да Винчидан ўзиб кетарди ва бу бир лаҳзалик хилқат шунчаки хотира сифатида биргина гувоҳнинг ўзи билан йўқ бўлиб кетмасдан, балки буюк асарга айланиб, башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолиши ҳам мумкин эди. Афсуски, мен рассом ҳам, шоир ёки адиб ҳам бўлмадим.

* * *

Бола кўтарган ёшгина аёл пайдо бўлиб қолганлиги бутун қишлоққа бир зумда тарқалди. Ўшанда мен эндигина еттинчи синфни тугатаётган эдим ва катталар орасида оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган бундай миш-мишлару олаговур гапларга унчалик эътибор бермасдим. Лекин бу галги дув-дув тарқалаётган гап эсини таниган одам борки, оғзига кўча бошлади. Бундай олганда, бола кўтарган дайди аёл қишлоқларга ҳадеганда келиб қолавермайди-да. Бунинг устига у анчагина чиройли ҳам экан.

Ҳаммадан олдин уни шаҳарга қатнайдиغان автобуслар тўхтаб ўтадиган бекат ёнидаги чойхонада майхўрлик қилиб, ўтган-кетганга гап отиб ўтирадиган бетайин кишилар кўришган. Аслида ҳар қандай миш-миш биринчи бўлиб ўшалардан тарқалади. (Улар ҳар қанақа гапга ўзлари бичган тўнни кийгизиб, кейин ҳаммага овоза қилишади). Аёл бир-икки кун ҳали

уникада, ҳали буникада қўним топиб юрди. Тез орада унинг кимлиги, қаердан келганлиги маълум бўлгач, у мутлақо кўчада қолди. Кимнинг остонасига бош уриб бормасин, эшиклар тақа-тақа ёпиларди.

Ўша пайтлар баҳор фасли бўлишига қарамасдан, саҳарларда шудринг ўрнига ерга ун элаган каби юпқагина қиров тўшаларди. Аёл гўдагини опичлаб, гоҳ бекат айвонидаги тош ўриндик устида, гоҳ дўкон омборхонасининг ёнида тонг оттирарди. Лекин ҳар куни албатта ухлаш жойини ўзгартирарди менимча, у кечалари одамлардан қочиб юрарди.

Мен уни биринчи марта Самад тоғамникада тўйда кўрдим. Кечкурун тўй бошланганда биз болалар билан тўйхона ташқарисиди қувлашмачоқ ўйнамоқда эдик. Аёл қаёқдандир келди-да, кўрқа-писа тўйхонага яқинлашди.

— Жўралар, қаранглар, ҳалиги аёл келибди, ана, қўлида чақалоғи ҳам бор, — деди болалардан бири бақириб.

Ҳамма у томонга қаради. Чироқнинг хира тушиб турган ёруғида кўрдимки, аёл ёшгина, ҳақиқатан ҳам чиройли эди. Шиерайф бўлиб олиб, қоронғида сигарета чекиб ўтирган бир неча бебош йигитлар уни кўришлари билан атрофини ўраб олишди ва тегажожлик қилиб қоронғиликка сурай бошлашди. Аёл уларга ёлвориб, йиғламоққа тушди. Аёлга раҳмим келганиданми, билмадим, ичим ачишиб, сал бўлмаса йиғлаб юборай дедим. Шу тобда ўртоқларимни ҳам унутиб, ичкарига қолиб кирдим-да, буни ҳаммамга айтдим. Тўрт-беш чоғли хотинлар шоша-пиша кўчага югуриб чиқиб: "Ҳой, беномуслар, нима қиляпсизлар, бир имонли одамнинг тўйини бузаяпсизлар-ку", — дея йигитларни қойиб, дайди аёлни уларнинг чангалидан ажратиб олишди. Кейин уни ўзлари билан бирга ичкарига олиб кириб кетишди.

Аёл чамаси эргалабгача шу ерда идиш-товоқ ювди, тўйхонани саранжомлаб, супуриб-сидирди. Мен ҳам ўша куни тўй соҳибларининг уйида ётиб қолдим. Нима учундир алламаҳалгача ўша аёлнинг ҳаракатларини, юриш-туришини кузатдим. Унга азбаройи раҳмим келди чамаси. У ошхона пойгагидаги исқирт шолча устига эскигина кўрпачани тўшаб, йиғлаётган чақалоғини ётқизди ва энгашиб уни эмизди. Гўдак ухлаб қолгач, у чаққонлик билан идишларни ювди.

Тонг маҳали ўрнимдан турганимда аёл хизмати эвазига олган тугунни кўтарганча ҳовлидан чиқиб кетаётган экан. У толиққанидан бўлса керак, оёғини зўрга судраб босарди.

Шундан сўнг анча вақтгача бу аёлни қайта учратмадим. Лекин у ҳақидаги бўлар-бўлмас гийбат гаплар тез-тез қулогимга чалинаверарди. Бир куни туз олиб келгани чойхонага борганимда (бунақа майда-чуйдаларни уйимизга яқин бўлгани учун чойхоначидан сотиб олардик) айнаи ўша гийбатнинг устидан чиқдим. Шу пайтда ўша аёл кўчанинг нариги томонидан ўтиб бораётган эди. Вино ичиб, қарта ўйнаб ўтирганлардан бири пихиллаб кулди:

— Қаранглар, анави сув париси ҳалиям дайдиб юрибди, — деди у бошқаларниям тилини қичитиш учун.

— Қанақасига сув париси бўлсин, ит теккан қовун-ку, — деди бошқаси афтини бужмайтириб.

— Ўзи нега бу ерларда тентираб юрибди? — деди яна бири ўзини гўлликка солиб.

— Ҳалиям хабаринг йўқмиди. Суриштириб билдик, у Бўронлидан экан-ку. Бўронлининг йигитлари уни алдаб, роса эрмак қилишган экан. Уни деб бир йигит ҳам ўлиб кетган эмиш. Қисқаси, у билан дон олишганлар кўп экан. Бўронлиликлар ҳам ўзимизга ўхшаб орига маҳкам одамлар. Отаси номусга чидаёлмай, қизини оқ қилибди. Қишлоқ аҳли ҳам шуни кутиб турган эканми,

шармисор қизни Бўронлидан бадарга қилишибди. Шунинг учун бизнинг қишлоққа келиб қолган экан. Сув парисининг достони мана шунақа, Боқивой. Дунёдан беҳабар юрган экансан-да шу пайтгача, ҳе омон бўлгур.

Уларнинг гийбатлари болалагандан-болалади. Бир пайт ҳалиги аёл тўғри чойхонага кириб келди. Чойхоначидан бир коса овқат сўраб, пойгакка яқин жойдаги стол ёнига ўтирди. Қарта ўйнаётганлар пичинг қилиб гап ота бошлашди. Аёл эса гўдагини бағрига маҳкам босланча, уларга эътибор ҳам бермасдан овқатини еяверди. Чамаси бундай қочирим гапларни эшитавериб аллақачон унинг дийдаси қотиб кетганга ўхшарди. Ногаҳон у менга термулиб қаради. Фалати бўлиб кетдим. Шунда қачондан бери ундан кўзимни узмай тикилиб қолганимни сезиб, ўз-ўзимдан уялиб кетдим. Аёл бамайлихотир овқатланиб бўлгач, эндигина ўрнимдан кўзгалган эди ҳамки, боядан бери унга гап отиб жағи оғримаётганлардан бири ниҳоят жойидан туриб, у томонга юрди ва тегажожлик қила бошлади. Аёл аввалаги мулойим гапирди. Эрмак унинг билагидан ушлаганда эса кўзларидан ўт чақнагандек бўлиб: "Ҳеч бўлмаса қўлимдаги гўдакка раҳминг келса бўларди, иймонсиз", — дея унинг юзига чунонам туфладики, эрмак бир зум қараб бўлиб қолди. Кейин муштини дўлайтириб аёлнинг устига бостириб бораётганида бошқалар уни ушлаб қолишди.

— Қўйиб юборинглар, ўлдираман фоҳишани, — деди ҳалиги одам ўшқириб.

— Фоҳиша бўлиб ҳеч бирингиз билан шакаргуфторлик қилганим йўқ. Ҳартугул сиздан кўра покизароқ бўлсам керак, — дея аёл кўзларига ёш қалқиб, чойхонадан чиқиб кетди.

Юзига туфланган одам бўкириб сўкинганча юлқинарди. Лекин шериклари то аёл кўздан ғойиб бўлгунча уни қўйиб юборишмади. "Шу фоҳиша билан тенглашиб ўтирасанми, ўзингни бос", — деб таскин беришди улар.

Бу воқеадан кейин аёл қишлоқда кўринмай қолди. У ҳақидаги гийбатлар ҳам аста-секин унутила бошлади. Бироқ ёзнинг ўрталарида унинг яна қишлоқда пайдо бўлиб қолганлиги ҳақида миш-мишлар тарқалди. Нима учундир ўша аёлни дабдурустан учратиб қолгим келарди. Ниҳоят бир куни биқиним оғриб, отам билан касалхонага борганимда уни учратдим. Докторнинг қабулида бемор борлиги сабабли биз йўлакда навбат кутиб турган эдик. Шунда ҳалиги аёл чинқириб йиғлаётган боласини кўтариб кириб келди. У ҳам йўлакда бироз навбат кутиб турди. У сочлари тўзғинан, қўйлаги унниқиб кетган, калиши йиртиқ, бутунлай абгор аҳволда гўдагини овутолмай дийдираб турарди. Унга яна узоқроқ тикилиб қолган эканман, отам тирсагимдан аста туртиб, томоқ қириб қўйганида чўчиб тушдим.

Қабулхонада турганларнинг гўдакка раҳмлари келди шекилли, аёлни бенавбат ичкарига киритиб юборишди. Қия очик, эшикдан аёлнинг йиғлаб-ёлворишлари эшитилар эди:

— Шу гўдақкинанинг ҳаётини сақлаб қолинг, доктор. Менинг бу ҳаётда бушқа умидим қолмаган. Фақат шу бола борлиги учун яшаб юрибман. Умрбод эшигингиз тагида хизматкор бўлай, ёрдам беринг.

— Эртароқ қаерда эдинг, қизим, — деди оппок, сочли, озгиндан келган кекса доктор. — Вақт ўтганидан кейин ялиниб-ёлворганинг нимаси. Тинчингни ўйлагандирсан-да.

— Болам бетоб бўлса, менда ҳаловат бўлармиди?! Табибларга ҳам бордим, докторларга ҳам учрашдим.

— Хўш, улар даволашолмадимиз?

— Табиблар, пулинг бўлса келарсан, дейишди. Докторлар ўзларини олиб қочишди.

— Афсус, қизим, вақтида келганимда эҳтимол ёрдамим тегиб қоларди. Сен ўзингни қўлга ол. Ҳар ким



Худо берган умрни яшайди. Шу лаҳзада мен мутлақо ожизман.

Аёл ўқиб-ўқиб йиглаб, гўдакни маҳкам кучоқлаб чиқиб кетди. Ҳамма унга қараб турарди. Лекин у ҳеч кимни кўрмади, ҳеч кимни кўришни истамасди ҳам чамамда.

— Ҳа, ўғлим, нега йиғлаяпсан? — деди отам кутилмаганда.

Оғриқни ҳам бутунлай унутиб, шу тобда фақат ўша аёлга диққатимни қадаган, унга қўшилиб юм-юм йиғлаётган эканман.

— Ичим оғриятми, — дедим сир бой бермаслик учун биқинимни ушлаб.

Ўшандан кейин ҳар куни ўша аёл тушимга кириб чиқадиган бўлди. Ҳар куни деярли бир хил туш: аёл сочларини юлиб, ёқасини йиртиб йиғлар, йўқолиб қолган гўдагини ахтарар эди.

Орадан бир ҳафталар ўтгач, бир куни сигиримиз яйловдан қайтмади.

Чўпондан сўраган эдим: "Хабарим йўқ, эҳтимол колхознинг даласига оралаб кетгандир. Жудаям қайсар, расво молларинг бор ўзи", — деди кўрслик билан. Кейин сигирни қидириб яйловга қараб кетдим. Куёш уфққа кираётган маҳал эди. Қоронғи тушмасдан топиб келиш учун тез-тез қадам ташлаб борардим. Қирдан ошиб ўтиб, баҳорги селлардан ҳосил бўлган куп-қуруқ сой ичидан юриб бораётган эдим, бир пайт кутилмаганда сой ичидан чўк тушиб ўтирган аёлга дуч келиб қолдим. У нима учундир инграб-инграб кўкракларини эзгилаётган эди. Мени кўриши билан бир зум анграйиб қолди. Бундай галати манзарани биринчи марта кўриб турганим боис оёқларим қалтираб, "шилқ" этиб қум устига ўтириб қолдим. У типратикан сингари гўжанак бўлиб тиззаларини кучоқлаб олган, қарашада алам, изтироб ва кўрқув аралаш ажабланиш мужассам эди. Балки у менинг кутилмаганда осмондан тушгандек пайдо бўлиб қолганим ва бениҳоя ҳайратдан чақчайиб кетган кўзларимдан кўрқиб талвасага тушгандир. Бинобарин, мен ўзимнинг ўша лаҳзадаги ҳолатимни тасвирлаб беролмайман. Бир-биримизга қанча вақт тикилишиб турдик, билмайман. Шу қарашда ҳар иккимиз ҳам "Нега бундай бўлди, нега бундай ўтирибмиз?" дея бир-биримизга унсиз савол берар ва унга нигоҳларимиздан жавоб ахтараётган эдик, чамамда.

Бир пайт аёл ўрнидан туриб, қоматини адл тутди. Шу кўйи ҳам мендан кўзини узмасди. Бир қадам олдга ёхуд орқага ташламади ҳам. У бутунлай яланғоч эди. У ана шу ҳолатида силлиқ оппоқ мрамрдан ўта маҳорат билан ишланган нафис ҳайкалга ўхшарди назаримда. Тўзиган қора сочлари унинг ноёб гўзаллигига нақадар ярашиб тушган эди. Тим қора кўзларидан тирқираб оқаётган ёшлар икки ирмоқ ҳосил қилиб, юзи ва бўйни узра оқиб тушиб, икки кўкрагидан сирқираб оқаётган сутга туташиб кетган ва бу ирмоқлар унинг бадани, оёқлари узра йўл солиб, қумга сингиб бораётган эди. Бу манзарани кўрганим заҳот юрагим қинидан чиққудек "дук-дук" уриб, қулоқларим шанғиллай бошлади. Назаримда, улкан мрамар тоғ қояларидан оппоқ сутга тўла икки дарё шовуллаб оқиб тушиб, ер қаърига сингиб кетаётганга ўхшарди.

— Нега менга бундай қараяпсан? — деди аёл ўрнидан жилмай. — Яланғоч аёлни кўрмаганмисан?

Мен ўнғайсизландим. Қаёққа ўгирилишимни билмасдим. Гапирай десам тилим лол, ўрнимдан турай десам, оёқларим ўзимга бўйсунмас эди. Лекин барибир кўзимни ундан уза олмасдим.

— Менинг мана шу танамдан бошқа ҳеч нарсам қолмади. Энди на бирор яқиним, на орзу-умидларим ва на ҳаётим бор, — деди аёл ҳамон унсиз йиглаб.

— Кўкрагимдан оқаётган сут боламнинг ҳаққи эди. У ҳозир тупроқ остида. Менинг эса ҳеч кимга керагим

йўқ, на ерга, на осмонга. Бу дунёда юришим фақатгина одамларнинг гийбатларига мавзу бўлишдан бошқага ярамай қолди. Улар гийбатдан хузур оладилар. Мен ҳақимда нималарни тўқиб-бичишмаяпти. Ҳеч нарсани билмай туриб, фоҳишага ҳам чиқариб бўлишган. Сен уларга ишонма. Мен нопок эмасман. Фақат севи дардига мубтало бўлганман. У йигит олисда эди, жуда ҳам олисда. Ёвузлар жонига қасд қилишди. Болам севилимдан ёдгорлик эди. Яратган эгам шунини ҳам кўп кўрди. Ўсмиргина экансан, севишга эҳтиёт бўл. Яхшиси, бу дардга мен каби мубтало бўлмаганинг маъқул. Бу гийбатларга тўла биёбонда севиб ҳам, севилиб ҳам бўлмас экан. Бу одамлар муҳаббатни ҳам гуноҳ санашади. Бу жуда ёмон дард, укажон.

Аёл ҳамон тик турган кўйи гапирарди-ю, куз ёшлари шовуллар, кўкракларидан сирқираб сут оқар, очофат қум эса уларни тамшаниб-тамшаниб ютиб кетмоқда эди.

Шу пайт қоқ тепамад кимнингдир қаҳрли йўталгани эшитилди. Илон чаққандек сесканиб юқорига қарадим. Замон муаллим кўлларини орқасига қилиб, кўзларини менга ўқдек қадаб турарди. Қаёқдан куч топдим, билмадим, қумларни тўзғитиб сакраб ўрнимдан турдим. Бир аёлга, бир муаллимга қарадим. Аёл яна боягидек гўжанак бўлиб олган, пешонасини тиззаларига қўйиб, хиқиллаб йиғламоқда эди.

— Буёққа чиқ, — деди муаллим важоҳат билан. Сакраб юқорига чиқдим.

Муаллим қулогим остига шундай тарсаки туширдик, бошим ғув айланиб, уч-тўрт қадам нарига йиқилиб тушдим.

— Мен... мен... — дедим зўрға ўзимни ўнглаб.

— Қолганини уйда отангдан оласан, — деди муаллим.

— Отамга айтманг... Мен ҳеч нарса қилганим йўқ. Тасодифан...

Аёл жулдур кўйлагига ўраниб, ҳамон инграб йиғламоқда эди. Аммо муаллим унга қарамади, эътибор ҳам бермади. У кўзлари вужудимни тешиб юборгудек бўлиб менга тикилиб турарди. Бир зум ўйланиб тургач, эшакка боғланган арава томон юрди. Арава устига бир фарам қуриган янтоқ ортилган эди.

— Яхши, — деди муаллим арава ёнида тўхтаб, — ундай бўлса сени ўзим жазолаб қўя қоламан. Агар шу жазога чидай олсанг, бу сир ўртамизда қолиши мумкин.

Шошганимдан йиқила-сурина унинг олдида бордим.

— Кўйлагингни менга бер, — деди у ҳамон важоҳатида тушмай. Дарров ечиниби кўйлагимни узатдим. — Энди энгашиб тур.

Мен унинг буйруғига итоат қилиб энгашиб турдим. Мақсадини эса жуда яхши тушунган эдим. У паншаха билан арава устидан каттакон бир даста янтоқни олдида, елкамга қўйди. Кўзларимдан ўт чиқиб кетай деди. Инграб юбордим.

— Ҳа, оғирлик қилдими? — деди муаллим бамайлихотир. — Шу пайтда бундан кўра енгилроқ жазони топиш мушкулроқ. Ҳечқиси йўқ, чидаганга чиқарган. Қани, энди олдимга тушгин-да, шу янтоқни уйимга элтиб бер. Агар йўлда елкангдан тушириб юборсанг, устига яна бир даста қўшаман. Хавотир олма, кеч кириб қолди, ҳеч ким кўрмайди.

Мен индамай йўлга тушдим. У эса эшагини етаклаб ортимдан келаверди.

Инқиллаб қадам ташлардим-у, тиканлар баданимга қадалиб, жонимни суғуриб олгудек бўларди. Шундай бўлса-да, янтоқнинг елкамдан тушиб кетишидан жуда-жуда хавотирланар эдим. Чунки Замон муаллим бир сўзли одам, айтганини қилади: елкамдаги янтоқни тушириб қўйсам, устига яна бир даста қўшиб, жазони икки ҳисса орттиради. Ўзи шундоғам елкамга баҳайбат дев миниб олиб, пичоқ санчиб кетаётгандек туюлмоқда. "Майли, шунисига ҳам шукр", — дер эдим барибир ўзимга далда

бериб. Ахир, бу жазо бориб отамга чақиб беришидан кўра минг қарра енгилроқ эди. Агар отамга айтиб берганида нима бўларди? Ҳаётимнинг у ёғини тасаввур қилолмайман. Аниқроғи, тасаввур қилишга кўрқаман. Ўзимни оқлашга қанчалик уринмай, барибир ҳеч ким менга ишонмас эди. Бинобарин, ҳеч иш қилмасам ҳам, ўша қип-яланғоч аёлга кўзимни лўқ қилиб тикилиб ўтирганимнинг ўзиёқ ҳар қандай жазога лойиқ улкан гуноҳ эди.

Ёшанларга қоқиниб-суриниб кетиб бораяпман. Тўхтаб ортимга қарамоқчи бўлсам, Замон муаллим таҳдидона томоқ кириб йўталиб қўяди. Инқиллаб, яна юришда давом этаман. Тиканлар орқамни илма-тешиқ қилиб ташлади. Оғриқ жон-жонимдан ўтиб кетди. Жиққа терга ботдим. Кўзларимга ёш куйилиб келаяпти. Эҳтимол елкамдан тер эмас, қон оқаётгандир. Нима бўлганда ҳам чидашни керак. Шу тобда қишлоқ ҳам миллион қақирим олисда қолгандек туюларди. Оқшом чўкаётганиданми ёки оғриқ азобиданми, кўз олдим қоронғилашиб бормоқда эди. Ҳатто нафас олишга ҳам қийналиб, ҳансирай бошладим. Энди кўзимга ҳеч нарса кўринмас, ҳеч нарсани ўйлагим ҳам келмасди. Лекин ўша қоронғи зулмат ичида кўз олдимга фақат ҳалиги аёл, унинг кўкракларидан икки ирмоқ бўлиб оппоқ сут оқаётган оппоқ мармардек тани бот-бот келмоқда эди. Ҳаммаси уни деб бўлди. Уни деб мана шу азобга дучор бўлиб

ўтирибман. Аммо шунда ҳам негадир ундан олисланиб бораётганим учун ўзимни қойиётган, қайтанга шундай нафис, покиза ҳилқатга шафқат қилмаган одамлардан тобора нафратланиб бораётган эдим.

— Тўхта, — деди муаллим, — елкангдагини шу ерга ташласанг бўлади.

Замон муаллимнинг ҳовлисига етиб қолган эканмиз. Янтоқни дарвоза олдига ташлаб, қаддимни ростладим. Суякларим сирқираб кетди. Елкам қаттиқ ачишди. Баданимга минглаб тиканлар санчилиб қолганини сезиб турардим.

— Баракалла, — деди муаллим мийиғида кулиб, — мана энди ўша воқеани унутсак ҳам бўлаверади. Лекин бутунлай унутиб юборади деб хомтама бўлма. Агар яна бирон ноҳужа иш қилгудек бўлсанг мендан ўпкалама.

Мен "ҳўп" дегандек бош қимирлатдим-да, уйга чопдим. Икки кун иситмалаб ётдим. Баданимдаги тиканларни тери олишди. Чуқурга йиқилиб тушдим, деб баҳона қилдим. Илма-тешиқ бўлиб кетган елкамга бир ҳафта малҳам суртиб ётдим. Ана шу бир ҳафта ичида ҳам кўз олдимга фақат ўша аёл келаверди. Ухласам, тушимда ҳам ўша манзара. Лекин шундан сўнг уни қайта учратмадим. Ўша яйловга боришга ҳали-ҳамон юрагим бетламайди. Замон муаллимни эслаганда эса елкам увишиб кетади. Бироқ барибир ундан миннатдорман. У бир сўзли одам эди, яхши одам эди.

БАХТИҚАРОЛАР

Олтой ўлкасига юбориладиган маҳбуслар рўйхати эълон қилинганда Султонмурод Бўрибоев ўз исм-шарифини эшитиб, аввалига унчалик эътибор бермади. Лекин одатдагидек бошини қафтлари устига қўйиб, шифтга термулганча хаёл суриб ётаркан, ўйланиб қолди: "Бу тагин нимаси бўлди? Қарийб ўн йилдан бу ён қамоқда бўлсам. Шундоғам ўзи ҳали у турмадан бу турмага ўтказавериб силламни қуритишди. Энди муҳлатимнинг кўпи кетиб, ози қолганда Олтойда бало борми. Ҳеч тинчлик беришмас экан-да. Муддаолари нима ўзи? Шунчалик кечириб бўлмас жиноят қилдимми? Ахир, одам ўлдирганлар ҳам яшаб юришибди-ку. Мен-ку, бор-йўғи колхознинг камомадига йўл қўйибман. Уни ҳам бўлса, еб-ютганлар кимлар-у, жавобгарлиги менинг гарданимга тушиб турибди. Қуруқ тухматга қолдим. Ҳали Олтой ҳам охири манзил эмасдир, эҳтимол. Яна ундан нарига, кейин ундан ҳам нарига ўтказишиб, охири Сибирга элтиб ташлашмасайди. Эҳ, тагин нималар ёзилган экан бу тош бошимга?"

Шундай хаёллар билан у кечаси деярли ухламай чиқди. Гоҳ хаёллар уни бутунлай исканжага олар, гоҳ "ҳаммаси бир гўр эмасми" дея қўл силтаб ўзини овуғмоқчи бўларди. Кейин юзини увадаси чиқиб кетган қўланса ёстиққа босиб, ўзини ухлашга мажбур қила бошлади. Лекин уйку келмади. Фақат тонгга яқин бирозгина кўзи илинди.

Эрталаб нима учундир қамоқхона катта нозири Олтой ўлкасига юбориладиган маҳбусларни бирма-бир суҳбатга чақира бошлади. Навбати келганда Бўрибоев кўзларини уқалаб, ҳорғин қиёфада нозирнинг торгина хонасига кираркан, беихтиёр унга меҳрибонлик билан қўл узатиб, жилмайиб турган, мўйлаби ўзига ярашиб турган, хушбичим ва навқирон нозирга кўзи тўқнашиб таажжубланди. Бўрибоев нозирларнинг кўпини кўрди. Уларнинг газабнок нигоҳларига дош берди, сўкиниш ва ҳақоратларини эшитди, аёвсиз калтакларини еди.

Аммо мана бу каби хушқиёфа нозирни биринчи бор кўриши, нафсиларини айтганда, айни дамда унинг жилмайишига ишонқирамай, бу такаллуф остида қандайдир гайирлик бор, дегандек синоат ахтармоқда эди. Нозир эса худди яқин қариндошини кўриб тургандек ростакамига самимий боқмоқда эди.

— Султон ака, сиз ўша "Победа" колхозиди ишлаган Султон акамисиз? — деди нозир вазиятни пайқаб.

— Ҳа, ўша колхозданман. Ўзингиз...

— Танимадингиз-а? — деди нозир янада чиройи очилиб. — Ҳа, қаёқдан ҳам танирдингиз. Мен у пайтларда ёш бола эдим. Ундан кейин кўришиб турмаган бўлсак. Лекин мана бундай алфозда учрашиб қоламиз, деб ҳеч ўйламаган эдим. Найлож, тақдир экан. Болалигимда жўраларим билан Тўсинсойга бориб чўмилишни яхши кўрардим. Сузишни яхши билмаганимиз учун биз ҳовузнинг саёзроқ жойида чўмилардик. Сиз ҳар куни мотоциклда ўша ҳовуз ёнидаги йўлдан идорага қатнар эдингиз. Бир куни жар лабидидаги дарахтга чиқиб, ўрик термоқчи бўлганимда беҳосдан ҳовузнинг энг чуқур жойига йиқилиб тушганимда чўкиб кетишимга бир баҳя қолган эди.

— Э, сиз ўша Абсалом тракторчининг ўғлимисиз? — деди Бўрибоев ниҳоят нозирнинг унга нега бунчалик иззат-икром кўрсатаётганлигининг мазмунини англаб.

— Ҳа, Каримман, Султон ака, ўша Каримман.

Султонмурод ҳаммасини аниқ-тиниқ эслади. Ўшанда у армиядан ҳарбий хизматни ўтаб келган, омади чопиб, ишлари ўз-ўзидан юришиб кетган, бригадир бўлиб ишлаётган, икки йил ўтар-ўтмас, яхши ишлагани учун райкомдан мотоцикл совға ундирган эди. Бир куни мотоциклда ҳовуз ёнидан ўтиб кетаётганида бир тўда болалар олдига югуриб чиқишиб, ўртоқларидан бири чўкаётганлигини айтишган эди. Султонмурод денгиз флотидида хизмат қилиб келган эмасми, кийимларини ечиб ҳам ўтирмасдан дарров ўзини сувга отган ва сув



остидан ҳалиги болакайни топиб чиққан эди. Ўша болакай, мана, энди куч-қувватга тўлиб, кўркам мундир кийиб қаршида турибди. У маҳбусларнинг бошлиғи, унинг ҳаётини сақлаб қолган одам эса маҳбус.

Улар у ёқ-бу ёқдан бироз гаплашиб ўтиришди. Қишлоқни, ўзлари таниган одамларни эслашди.

— Сизга Олтойга бормасликни маслаҳат бераман, — деди нозир жиддий қиёфада.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат, лекин ихтиёрим ўзимда эмас-ку, — деди Бўрибоев мийиғида кулиб.

— Афсуски, шундай. Биз аввалроқ бир гуруҳ маҳбусларни у ерга юборган эдик. Ҳозир уларнинг бирортаси ҳам тирик эмас. Айтишларича, бирваракайига газдан захарланиб ўлишган эмиш. Бунга ишониш қийин. Бу ерда қандайдир маҳфий сир борга ўхшайди. Шуниси аниқки, талабномага кўра у ерга юбориладиган маҳбусларнинг тирик қолиши даргумон.

— Лекин мен ҳар қандай қийинчиликка чидайдиган одамман. Қайси турмага борсам, ҳаммасида жонингиз қаттиқ экан, дейишган.

— Эҳтимол шундайдир. Лекин бир ўйлаб кўринг-а, ана шу жонингизнинг қаттиқлиги ҳамма жойда сизга панд бериб келаятган эмасмикан?

— Майли, буни қўятурайлик. Сиз қамоқхона бошлиқларидансиз, маҳбусларга дўст бўла олмайсиз. Модомики, одамгарчилик юзасидан десангиз, агарда сиз-у мен буни истаганимиз тақдирда ҳам, бу машъум рўйхатдан чиқишнинг имкони бор, деб ҳисоблайсизми?

Нозир оғир хўрсинди. Сигарета тутунини кетма-кет тортди-да, атрофга бир қур қараб олиб, деярли шивирлаган кўйи гапира бошлади.

— Султон ака, бошлиқми, хизматчими, кимлигимдан қатъи назар, мен аввало инсонман. Сиз мени ҳаётга қайтаргансиз. Энди улгайиб, одам бўлган бир давримда, ҳаётимни сақлаб қолган инсонни кўра-била туриб ўз ихтиёрим билан ўлимга боришини сира истамайман. Кейин мени виждон азобида қийналмайди, деб ўйлайсизми? Ундан кўра ўлганим минг марта афзал. Қутулишнинг чорасига келсак, бунинг яккаю-ягона йўли қочиш. Қонун йўли билан сизни ҳеч ким ҳимоя қилолмайди. Сизларни индинга кечқурунги поездда олиб кетишади. Вагонда ишончли йигитлар бўлади. Улар сизга ёрдам беришади. Сиз қочишингиз керак, Султон ака, илтимос.

Бўрибоев ҳеч нарса демади. Камерага хомуш қайтиб келди-да, ўйга толди. "Наҳотки шунча тўхмат ва маломатлардан, азоб-уқубатлардан абгор бўлган шу жисимимга энди ўлим соя ташлаб қолган бўлса? Анави йигит нега қочишимни истапти? Яхшилигим эвазига ҳаётимни сақлаб қолиб, қарзини узмоқчими? Хўп, қамоқдан-ку бир амаллаб қочиб кетарман, лекин ростакамига пешонамга битилган бўлса, ўлимдан қочиб қутулиб бўлармикан? Рўйхатдагиларнинг ҳаммаси ўлимга маҳкум бўлса-ю, ёлғиз мен тирик қолиб кета оламанми? Ахир, бу даҳшат-ку. Хўш, кейин қандай яшайман? Мени албатта изғиб ахтаришади. Бир умр каламушга ўхшаб пана-пасткамда, одамлар кўзидан узоқда яшашга тўғри келади. Бу ўлгандан ҳам баттар-ку. Агар тутиб олишса-чи? У ҳолда ўша заҳоти жонимни олишади. Демак, қочсам ҳам, қочмасам ҳам, ҳар икки томонда мени фақат ўлим даҳшати кутиб турибди. Нима қилмоқ керак? Аслида, ўлсам нимани йўқотаман? Ортимда армон бўлиб қоладиган нима бор? Фақат... Мунаввар, бечора Мунаввар. Ўлим ҳам забардаст йигит бўлиб қолгандир. Ҳар ҳолда мени бир кўришда танимаса ҳам керак. Ўн йил аввал у кичкина болакай эди. Мен-ку арбобларнинг атрофида ўралашиб, эҳтиётсизлик қурбони бўлган бир ландовур сифатида қайсидир ўрмонда чириб кетарман, бироқ Мунавварнинг гуноҳи нима? Нега энди мен туфайли унинг ҳам ҳаёти барбод бўлиши керак? Сўнгги бор уни кўришим ва ўз ихтиёрини ўзига қолдиришим учун барибир бу ердан қочишимга тўғри келади".

Султонмурод қамалгач, Мунаввар кўп куюнди. Тез-тез келиб унинг ҳолидан хабар олиб турди. Қайси қамоқхонага ўтказишди, ортиндан қидириб бораверди. Гулдай гўзал хотинининг қаёқдаги турма назоратчиларига ялиниб юриши эса унга алам қилди. "Энди бошқа келма, Мунав. Мендан хотиржам бўл. Ўғлимизни эҳтиётлаб тарбия қилсанг бас. Ориятли йигит бўлсин, ҳеч кимнинг олдида боши эгик юрмасин. Муддатимни ўтаб, уйга қайтишимни кут. Мана бу сассиқ, оти совуқ жойлар сенинг қадамингга арзимайди", — деди у бир куни хотинига.

Мунаввар унинг айтганларини бажарди. Бўрибоев эса жазо муддати тугагини кутиб кунларни, йилларни санар эди. Йиллар эса асрларга чўзилиб кетарди гўё. "Қаёқданам колхоз ишларига аралашиб қолдим?" дея афсусланиб қўярди у. Оддийгина ишчи бўлиб юрганида бу галвалар йўқ эди эҳтимол. Ота касбини қилиб дурадгорлик қилиб юрганида-ку, бу маломатлар яқинига ҳам йўламасди. Уни куч-ғайратига ҳавас қилиб, бригадир этиб тайинлашди. Кейин ҳисобчилар курсига ўқишга юборишди. Бир йил ўқиб келгач, орадан сал ўтмай ҳисобчиликка, сўнг бош ҳисобчиликка тайинлаб қўйишди. Колхоз ҳисоб-китобларининг олдиндан маламужур жойлари бор экан шекилли, тез орада ҳамма ёқ алғов-далғов бўлиб кетди. Москвадан келган текширувчилар ҳеч иккиликни ўтирмай, барча камомадни Султонмуроднинг бўйнига осиб қўя қолишди. У кўпи билан уч-тўрт йилда қайтиб келсам керак, деб ўйлаган эди. Лекин кўпроқ муддат бериб юборишларини, шу йиллар қатида ҳаёти издан чиқиб кетиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмаганди.

Маҳбуслар вагонга чиқишаётганида тун яримлаб қолган эди. Ивирсиб-имилаган маҳбусларни танбур ёнидаги соқчи, тезроқ бўл, дегандек бир-икки турткилаб сўқинди. Бўрибоевнинг эса қафтини сиқиб қўйди. Бу ҳамма нарсага тайёр тур, деган ишора эди. Бўрибоев буни дарров илғади ва қочиб кетишга қатъий ишонди. Сўнг поезд жойидан жилгач, у ўтирган кўйи ҳалиги қўлини сиққан соқчидан кўзини узмади. Чамаси ярим соатча юришгач, Бўрибоев ҳожагга чиқиш баҳонасида танбур томонга юрди. У вагондан чиқиши билан ҳалиги соқчи эшикни ёпди.

— Ҳозир ҳамма уйқусираб қолган пайт. Қочишга жуда қулай, шошилинг. Мана бу милтиқ билан бошимга урасиз-да, поезддан сакрайсиз. Тезроқ бўлинг, — деди соқчи милтигини унга бериб. — Атроф дарахтзор, айна мудао. Шалвирамай тезроқ урсангиз-чи.

Султонмурод довдираб қолди. Ўзига яхшилик қилаётганлиги учун уни уришга қўли бормади. Соқчи эса шошилмоқда эди. Кейин соқчи унинг қўлидан милтиқни олди-да, ўз пешонасига ўзи қаттиқ урди ва гандираклаб йиқилди. Пешонасидан қон сизиб чиқа бошлади. Бир одам уни деб шунча жон фидо қилса-ю, у сўппайиб тураверса ноинсофлик бўларди. Энди қочмасликнинг иложи йўқ эди. Султонмурод кўзини чирт юмиб, пастга сакради. Коптокдек юмалаб, ариқ ёқасидаги буталарга бориб урилди. Боши айланиб бироз ётгач, шошилиб ўрнидан турди ва қуюқ дарахтзор томон юриб, тун бағрига сингиб кетди.

* * *

"Победа" колхозида яшовчилар бу йиллар ичида Бўрибоевни деярли эсларидан чиқариб юборишган, айримлар уни ҳатто, ўлган бўлса керак, деб юришарди. Аммо деворлари нураб, бўёғи кўчганидан эшик-даразалари чирий бошлаган, печкаси ўтинга, тандири нонга ёлчимайдиган бир уйда гўзаллигига ҳамма суқ билан қараган, гулдай ёшлигини ёлғизликда ҳазон қилган, сочларига оқ оралаб, юзларига ажин ўрмалаб қолган бир аёл уни уззу-кун эслаб, кунларни санаб яшамоқда эди. У Султонмуроднинг ўнлаб манаман деган йигитлар орасидан ёриб чиқиб олган жуфти ҳалоли Мунаввар эди.

Бўрибоев бир неча кунлик йўл азобидан кейин кечга яқин қишлоққа кириб келди. Сўнг бир чуқурликда ётиб, қоронғу тушишни кутди. Қушларнинг чуғури, қўй-қўзиларнинг маъраши тиниб, итларнинг қўриқчилик вақти бошланганлигини билдирувчи саслари баралла янграётган, атрофга зим-зиё тун чўккан пайтда у эҳтиёткорлик билан уйи томон йўл олди. Қадрдон уйига тобора яқинлашиб бораркан, айна дамда димоғига турманинг зах ва тер ҳидлари қоришиб кетган сассиқ иси эмас, қишлоқнинг тоза ҳавоси урилаётганлиги гўё унга жаннат нафаси бўлиб туюлганидан беихтиёр энтикар, юраги кўксини ёриб чиққудек гурс-гурс урар эди.

Табиийки, бу лаҳзада эшик ичкарасидан тамбаланган, шунинг учун Султонмурод ҳовлига девордан ошиб тушди. Ҳеч ким уни пайқамаганлигига амин бўлиб, кўнгли таскин топди. Кейин секин бориб, деразани беозоргина чертди. Титраб турган парда кўтарилгач, аввал мойчирокнинг хира шуъласи, кейин Мунавварнинг сўлгин юзи кўринди. Шундоққина дераза тагида соч-соқол ўсган, афт-ангори ваҳимали одам унга бақрайиб турганлигини кўриб, Мунаввар қўрқиб кетди.

— Кимсиз, нима керак сизга? — деди у ортига чекиниб.

— Мен келдим, Мунав, бу менман, Султонман, — деди Бўрибоев шивирлаб. — Қўрқма, эшикни очақол.

Мунавварнинг вужуди қалтираб кетди. Кейин кўзларига ишонмай, деразага яқинроқ бориб унга тикилди-да, ранг-рўйи оқариб, эшикка югурди.

Султонмурод эшикдан кирган заҳоти Мунаввар унинг бағрига ўзини ташлаб, юм-юм йиғлади. Султонмурод эса уни юпатди. Сўнг улар аламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди.

— Бутунлай қутулиб келдингизми? — деди Мунаввар кўзлари жавдираб.

— Шундай деса ҳам бўлади, — деди Султонмурод талмовсираб.

— Бу нима деганингиз?

— Тўғриси айтсам... Улар рухсат беришгани йўқ. Мен қочиб келдим.

— Турмадан қочдингизми? Э, парвардигор, нима гуноҳимиз бор эдики, бизни бунча азоблайди. Энди нима бўлади?

— Энди... бошга тушганини кўз кўради.

— У ҳолда сизни қидириб бу ерга келишмайдими?

— Келишади, бутун қишлоқдан суриштиришади.

Шунинг учун менинг келганимни ҳеч ким кўрмаслиги, билмаслиги ҳам керак. Энди яшириниб юришга мажбурман.

— Унда нега қочдингиз? Икки энлик хат ёзиб хабардор қилсангиз ўзим етиб борардим-ку.

— Етиб боролмасдинг, Мунав. Бизни жудаям олиста бадарга қилишаётган эди. Мен... — Бўрибоев чуқур уҳ тортди, пешонасини чангаллади, — бир гапни сенга айтиш учун қочдим. Яна беш кунлик умрим қолдими-йўқми, билмадим. Ажал ҳар томондан исқанжага олаяпти. Шу гапни айтмасдан кетсам нариги дунёда ҳам тинчгина ётолмасдим. Тақдирни қара, Мунав, айна ғайратимиз қайнаб-тошган, орзуларимиз гуллаб-яшнаган, бир-биримизга суянч бўлиб яшайдиган давримизда икковимизни икки қирғоққа айириб ташлашди. Мен давлатга керакман, мен ҳам давлатнинг одамиман, деб керилиб юрган эканман. Қаттиқ адашган эканман. Давлатнинг одамлари бошқалар экан. Менга ўхшаганлар эса бор-йўғи бир ҳовуч пуч ёнғоққа алданиб юрадиган қўғирчоқлар экан. Мен ҳаёти барбод бўлган бир одамман. Тақдирингни мен билан боғлаганинг учун сенинг ҳам ҳаётиг пароканда бўлиб кетишини ҳечам истаман. Мен сени бахтли қиламан деб ваъда берган эдим. Лекин, афсус, ўзим абгор бўлганим етмагандек, сени ҳам бахтсиз қилиб қўйдим. Агар ҳаётиггни бошқа биров билан боғлаганигда, эҳтимол бу азоблар бошингга

тушмас эди. Ҳозир гулдай очилиб, яйраб юрармидинг. Сен бахтли бўлишга, умрингнинг сўнгигача ҳаётдан завқланиб яшашга ҳақлисан. Сен шундай яралгансан, Мунав. Ҳали ҳам бўлса кеч эмас. Ўз тақдирингни ўзинг ҳал қил. Ҳаётиггни истаганча ўзгартиришинг мумкин. Қандай хоҳласанг, шундай яша. Мени норизо бўлар, деб асло ўйлама. Сен нимани хоҳласанг, мен бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ҳаммасига розиман. Фақат сен бахтли бўлсанг бўлгани, Мунав.

Мунаввар юм-юм йиғламоқда эди. Лекин севинчданми, аламданми, билиб бўлмасди. Бинобарин, қувончу изтироб бир лаҳзада қоришиб кетган эди.

— Мен фақат сиз билан бахтлиман. Бошқача ҳаётнинг менга кераги йўқ. Лекин... сиз нималар деяпсиз ўзи, худди олиста кетиб қоладигандек васият қиласиз. Нега мени бунча қўрқитасиз? — деди у.

— Замон қалтис, Мунав, одамнинг пашшачалик қадри йўқ. Ҳеч ким эртанги кунига ишонч билдиролмайди, айниқса маҳбусликда.

Бўрибоев бошини ҳам қилиб анчавақт жимиб қолди. Мунаввар эса ҳамон йиғлаб жаврарди.

— Толмас қаёқда? — деди Султонмурод ниҳоят бошини кўтариб.

— Бу йил мактабни битириб, институтга киролмади. Энди кундузи колхозда ишляпти. Кечқурунлари эса трактор паркида кунора қоровуллик қилаяпти. Бугун навбатчи эди, ўшанга кетди.

— Майли, ҳозирча унга менинг келганимни айтмай қўяқол. Бироз вақт ҳеч кимга кўринмай турай, кейин бирор йўлини топармиз.

Улар кечаси билан мижа қоқишмади. Тонгга яқин эса Султонмурод девор ошиб жўнаб кетди.

Эрталаб Толмас қоровулликдан келди-да, бир-икки пиёла чой ичиб, даласига отланди. Нонушта пайтида ҳам, ундан кейинги кунларда ҳам онасининг кўзига севинчли ҳам, саросимани ҳам сезмади. Тўғрироғи, нимадир сал ғалатироқ туюлса-да, аҳамият бермади.

Аммо кунларнинг бирида Толмас қоровулликка кетаётганида йўлда Довулни учратиб қолди-ю, унинг айтган киноомуз гапларидан сўнг онасининг ҳатти-ҳаракатларидаги ўзгаришларни ўйлаб кўрди. Бироқ ишонгиси келмас эди.

— Ўв, Толмасвой, буёққа кел, укам, — деди Довул ўшанда трактор паркига кетаётган Толмасни тўхтатиб. У йўл ёқасидаги чойхона ёнидаги чорпоёда ёлғиз ўзи чой ичиб ўтирарди.

Довулни қишлоқда ҳамма биледи, ўғрилиқда ном чиқарган. Толмас у билан бирга чой ичишни ҳаёлига ҳам келтирмас эди, аммо ҳозир у жиддий бир гапи бордек салмоқлаб чақирди. Пичингнамо гапларидан Толмаснинг тоқати-тоқ бўлаётганини кўргач, мақсадга ўтди:

— Укам, гашингга тегмасин-у, бир гапни айтиб қўйишим керак. Онанг оқила аёл эканлигини ҳамма биларди, лекин кейинги кунларда нима бўлаётганлигига ақл бовар қилмайди. Бир ҳафтадан бери сезиб юрибман, кунора ярим кечаси бир киши девор ошиб уйларингга киради, сахарга яқин чиқиб кетади. Ҳеч ким кўрмапти, деб ўйлайди шекилли. Лекин мен кўрдим. Ўзи тунда мен ҳаммани кўришим мумкин, мени эса ҳеч ким кўрмайди. Касбим шунақа. Аммо ўша кимсанинг кимлигини таниёлмадим. Ўғри десам, бунақасини кўрмаганман. Мана, мен ҳам ўғриман, лекин ўзимга яраша гурурим бор. Фақат эркаги бор, тўкин-сочин яшаётган хонадонларга кираман. Ёлғиз аёл яшаётган уйга кечаси тугул, кундузи ҳам қадам босмайман. Ҳушёр бўл, йигит. Отанг ориятли одам, ҳали қайтиб келса, ўзинг ҳам кўрасан. Агар ота ўғил бўлсанг, унинг шаънини ҳимоя қилишинг керак.

Толмаснинг бутун танаси музлаб қолгандек бўлди. Қўллари мушт бўлиб тугилди.

— Агар гапларингиз рост бўлса, ўша одамни, ёлғон бўлиб чиқса, сизни бир ёқлик қиламан. Менинг онамни



ҳақорат қилган одам бу ҳаётда яшамайди, — деди у ва ишига шошилди.

Шундан сўнг икки кун мобайнида қўли ишга бормай, хаёли паришон бўлиб юрди. Мунавварга синчковлик билан разм солиб кўрди. Лекин ундан айб топиш ўрнига қайтанга баттар раҳми келиб кетарди.

Якшанба кuni қоронгу туша бошлаганда овқатланиб олди-да, яна ишга отланди. Аммо кетиш олдидан ўзи ётадиган хонадаги деразанинг зулфини туширди-да, пардани тортиб қўйди. Қоровулхонада эса фурсат етишини кутиб асаб торлари узилай деди. Ҳовлида иш кунини тугатиб, сассиқ мой ҳиди анқиб ётган турли шакл-шамойилдаги тракторлар ҳам унинг устидан кулаётганга ўхшарди. Ҳозир у тракторларни гажиб ташлагудек бир аҳволда эди. Соатнинг чиқиллаши эса гўё хонани бузиб юборгудек туюларди. У тишларини қайраб, столни муштларди. Ниҳоят, имиллаб юраётган соат миллари тунги соат ўн бирни кўрсатди. Мўлжалда ҳали яна бир соатча вақт бор эди. Аммо Толмас тоқат қилолмади. Шу масалани тезроқ бир ёқлик қилиш истаги унга тинчлик бермасди. Қоровулхонани қулфлади-да, кўчага отланди. Йўл-йўлакай у: "Ишқилиб ёлгон бўлсин, онамнинг юзи ёруғ бўлиб қолсин", — дея илтижо қилиб борарди.

Чойхона ёнидан ўтаётганида бу ер ҳали ҳам одамлар билан гавжумлигини кўриб, хаёлига бир фикр келди. "Бир култур вино ичиб олсам, эҳтимол далда бўлар", — деб ўйлади у ва қадамини чойхонага бурди. Ёғ босиб, кирлаб ётган столлардан бир ёнида ўтирган Довул уни имлаб чақирди. Толмас унинг ёнига бориб ўтирди.

— Қалай, укам, бирор янгилик борми? — деди Довул мийигида кулиб.

— Айтирлик ҳеч гап йўқ, — деди Толмас ўзини бепарводек кўрсатиб.

— Чой олиб келайми? — сўради чойхоначи йигит уларнинг олдига келиб.

— Чой эмас, май олиб келинг, — деди Толмас. Бундай гапни аввал ҳеч қачон айтолмаганлиги учун эти жимирлаб қетди.

— Оқиданми ёки қизилидан?

— Қизилидан.

— Ўғил бола оқидан ичади, ароқ олиб кел, — деди Довул столга мушт уриб.

Чойхоначи йигит бир шиша ароқ ва газакка бодринг олиб келиб қўйди.

— Газаги тўғралмаган экан, пичоқ олиб келинг, — деди Толмас. Сопининг ярми синиқ пичоқни беришган эди, уни қайтарди. — Бунингиз сарёғниям кесмайди, ўткир пичоқ беринг.

Унга тиғи ўткир пичоқни келтириб беришди. Довул иккита пиёла тўлдириб ароқ қўйди.

— Мен биринчи марта ароқ ичаяпман, — деди Толмас пиёлага термулиб.

— Ҳечқиси йўқ, укам, менинг ҳам биринчи ичишим... бугуннинг ҳисобидан, албатта, — деди Довул кулиб, — қани, олдик.

Улар пиёлаларни қайта-қайта тўқиштириб, бир шиша ароқни ичиб бўлишгач, Толмас шахт билан ўрнидан турди.

— Менга қаранг, агар ҳалиги айтган гапингиз ёлгон бўлиб чиқса, бугун эрталабгача мана шу пичоқ томофингиз тагида бўлади, — деди у ва қўлидаги ялтираб турган пичоқни қўйнига солди-да, кўчага чиқди.

Зим-зиё кўчада боши айланиб тез-тез юриб бораркан: "Бугун албатта бир қотиллик рўй беради, ё ўша шарпа ўлади, ё Довул", — деб кўнглига қатъий тугиб

қўйди. Ҳовлига етганида тўхтаб, атрофга бироз разм солди, ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Девордан ошиб тушганда юраги дукиллаб уриб кетди. "Ёлгон бўлиб чиқсин-да", — дея илтижо қилди яна у. Кейин деразани оҳиста итарган эди, очилди. Секингина уйга кирди-да, уйдан даҳлизга ўтиб, Мунаввар ётган хона эшигига кулоқ тутди. Ичкаридан эркак кишининг паст овозда гапираётгани эшитиларди.

— Мунав, қандай ажойиб орзуларимиз бор эди. Энди ўша орзуларга мен етмаган тақдирда ҳам сен албатта етишинг керак, — деди Султонмурод. Шу пайт у "тиқ" этган товушдан сергак тортиди. — Биров келмадимикан, Мунав?

— Йўғ-е, ким ҳам келарди шу маҳалда. Ташқари эшикни қулфлаганман.

Толмас ўзини ортиқ идора қилиб туrolмади. Қони кўпирганидан юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Энди ҳар нима бўлганда ҳам интиқом алангасини ўчиришнинг имкони йўқ эди. У қўйнидаги пичоқни олди-да, эшикни шартта очиб, шишаси тутундан қорайиб кетган мойчиқроқ шўласидан хира ёришиб турган хонага бостириб кирди. Унинг қутилмаганда кириб келгани ва даҳшатли важоҳатидан Мунаввар бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Толмас эса газабини қўзгаган мана бу шармандаликка ўз вақтида нуқта қўйиш учун Султонмуроднинг ёқасидан маҳкам бўғиб ушлади-да, кўксига пичоқ урди. Султонмурод инграб йиқилди.

— Шошқалоқлик қилдинг, ўғлим, дийдорингга тўймаган эдим, — деди у инграб.

Толмаснинг ҳайрати ошди. "Турқи-таровати афтодаҳол бу одам қилмишидан уялиш ўрнига нега мени ўғлим деб, кўзини лўқ қилиб турибди?" — дея ўйлади. Мунаввар уввос солиб йиғлаб юборди:

— Нима қилиб қўйдинг, болам, ўз отангни пичоқлаб қўйдинг-ку.

Толмас бошидан бир челак муздек сув қуйгандак сесканиб кетди.

— Наҳотки? — дея жавдираб онасига қаради у.

— Мунав, шундоқ ҳам ўзи менинг куним битган эди. Бир ҳисобдан шуниси маъқулроқ бўлди дейман, ўз яқинларимнинг ёнига кўмиладиган бўлдим. Ҳартугил кимсабилмас юртларда ўлигим хор бўлиб қолиб кетишидан кўрққан эдим. Ўғлимни зинҳор айбдор қилишмасин. Ўзини ўзи пичоқлаб қўйди, деб қўя қолинглар. Ҳаммасига мен айбдорман. Бошларингга неки мусибат тушган бўлса, барига мен сабабчиман. Сизларни бахтли қилолмадим, кетар чоғим яна бахтсиз қилиб кетишдан худо сақласин, — деди Султонмурод инграб ва сўнг аста кўзларини юмди.

Эртаси кuni Султонмурод Бўрибоевни қабрга қўйдилар. Қабристондан қайтаётганда кексалар унинг фожиали ўлими ҳақида баҳслашиб келишарди.

— Ўзини ўзи пичоқлабди, дейишяптику ҳамма, — деди кимдир.

— Нега ўз жонига қасд қилибди, бирор сабаби бордир? — сўради яна кимдир қизқсиниб.

— Балки хотинидан гап қочгандир... Биронта ишқалнинг устидан чиқиб қолмадимикан ишқилиб? — гап қўшди яна бирови.

— Буёғи энди Худога аён, — қўл силтади бошқаси.

— Бўрибоевни ўғли пичоқлаб қўйган, — деди ҳаммадан орқада келаётган Довул ўғри сабри тугаб.

Ҳамма тўхтаб унга қаради.

— Нима учун пичоқлабди? — сўради кимдир.

— Орият учун.



ОЙДИННИСО



Кечирма, овулма, сен мени севгин!

* * *

Туннинг юзини юв,
оқарсин.
Юлдузларни
Тергин бир сафга.
Ҳисларингни
Жиловлаб олгин.
Ошиқавер, шу кўйи
Тонгга.

Кутариб кўй,
Куннинг қаддини.
Тинмаётган
ёмғирни терга.
Кукка бўя
хазон рангини.
Ошиқавер шу кўйи
Тунга.

Ярим қолаверса,
Тўлмаса.
Юрагинг
Кўзингдек юмилсин.
Куйдириб бўлмаса,
Чўктириб бўлмаса.
Муҳаббат
Тириклай кўмилсин.
Ошиқавер шу кўйи
Бахтга.

* * *

Менинг юзим қора,
изларим қора.
Юрагимда
хамон ўша ноҳақ доғ.
Келдим,
Кўзим юмиб яна бир бора,
Орттирмоққа ўзимга гуноҳ.

Кетиб —
Кетолмадим ўздан юксалиб,
Кечирма, овулма,
Сен мени севгин!
Келдим мингинчи бор —
дилга юк солиб —
сени ташлаб кетмоқлик учун.

* * *

Сени ўйламадим унинг бағрида,
Фақат хаёл сурдим тун бўйи,
Сени ўйламаётганим ҳақида.

* * *

Ҳаммасини айтдим юзингга,
Айтилмаган сўзим қолмади
Бироқ айтолмадим ҳеч нима.

КҮН ТАРТИБИ

Ғам бўйи анқиган нигоҳга,
Бахт иси таралган атирдан сепиб,
Ҳамма юрган йўлга шахдам чиқасан,
Улган кўз ёшларнинг устидан тепиб.

Кўзларингни қисиб қарайсан, қуёш —
Нигоҳингга сиғмай кўпчиган, тошган.
Жаранглаб кетади нур синиқлари —
Бахт иси томонга туртиниб шошган.

Осмон қароғингга кирар бостириб,
Ой, юлдуз
Гўёки кўзингга экилган.
Ёр чиқади нигоҳингга осилиб —
Кўйнидаги бутун лаш-луши билан.

Димоғ ва кўнгишлар очлиги
Сен томон бошлайди ҳамма-ҳаммани.
Бор будингни симириб битирадилар,
Тарк этмайди шахсий нигоҳинг сени.

Кўзларингни юмиб қайтиб келасан,
Кимса қадам босмас хонанга ҳолсиз.
Кўрпанга ўраниб симира бошлайсан.
Ғам бўйи анқиган кўз ёшни Елғиз.

* * *

Кетаётиб,
Туртиниб кетасан соянгга,
Соянгга суяниб қоласан
қайтаётиб.
Бошқа ҳеч не топмайсан,
Туртинишига, суянишига,
Ён-верингни кузатиб.

Қурашинг келаверади
қалбинг сингарини.
Ўзингни, ўзгани —
фарқи йўқ ким билан эканин.
Умринг бўйи
йўл оласан хўрланиш сари.
Қурашаверасан
мағлубият учун.

* * *

Кутқар,
ботаётган қуёшни,
Чўкаётган тунни

халос эт.
Артиб қўйгин
юлдуз — кўз ёшни,
Ой юзидан
доғларни арит.

Кўнгишни эт қайтадан бунёд —
Майли,
Бузма тақдир зайлини.
Нафас ола бошласин
Ҳаёт —
Елкангни тутиб кел,
майлими?

* * *

Ҳижронларнинг
гуноҳи соқит.
Бизни висол айирди
бу кеч.
Титкиладик дилни
тутоқиб.
Кутганимиз
Топилмади ҳеч.

Тулса ҳамки
ярим бағримиз,
Тугамади
соғинч, интиқлик.
Сен менимас,
мен сени эмас.
Биз йилларга
бой берганимиз —
Муҳаббатни қаттиқ соғиндик.

ТАСКИН

Нима бўлар,
бир кун баридан тониб.
Бир лаҳза
ўзингни соғиниб қолсанг.
Чалажон руҳингни
щартта кутариб.
Ўз ҳолингдан хабар олгани
борсанг.

Қараб
дилигдаги кемтик ерларга,
Кулгули эмасми,
мириқиб кулсанг.
Бу ҳам етмагандай,
Ужан тоғларда
биргина харсангни соғиниб
ўлсанг.



Нафосат ҲУРОҚОВА

АСЛ МАМЛАКАТ — «Кангул»

Бадий адабиётда соф лирик дostonлар хусусида сўз кетганда, профессор.Х.Каримов асар мундарижаси сифатида "...индивидуал шахснинг борлиқ оламдан таъсирланишидан бутун вужуднинг ҳаракати ифодаси, шунингдек руҳдаги ассоциатив ҳолат, бу туфайли юзага келадиган кечинмалар тасвири"ни кўрсатади. Бундай ўзига хос тенденция И.Отамурод дostonларини ҳам четлаб ўтмаган. Унинг "Харитага тушмаган жой" дostonи, айниқса бу борада характерлидир.

Авалло, дoston сарлавҳасининг ўзиёқ китобхон диққатини тортади: "Харитага тушмаган жой..."

Бу ном бадий диди юксак, сезимлардаги енгил тебранишларни тез илғайдиган, сўзни нозик ҳис этадиган китобхоннинг ҳайратига минг ҳайрат қўшади: харитага тушмаган жой бормикин? Бўлса-да, у қаер?

"... Боболардан қолган эски даҳлизнинг деворига илиғ кўҳна харита..." мисралари билан бошланувчи дoston китобхонни бир қадар олис ўтмишга етаклайди. Эски даҳлиз, деворга илиғ харита хаёлда манзаралашади. Демак, у — боболардан қолган... кўҳна... қадимий ... Дostonнинг сюжет линиялариаро шоир образи ҳаракатланади ва у қисмлараро муносабатни ҳам таъминлайди.

*...Харитани тузғувчи доно
очунни элларга,
юртларга бўлиб,
Белгиларга берибсан маъно,
жойлабсан рангларга тўлиқ.*

Дунё харитасини тузғувчи доно харитада тоғларни қорамтир, уммонларни кўкиш, ўрмонларни яшил тус, саҳроларни сариқ, қайсидир юртнинг келбатини бўлимли, қайсисини ингичка йўл каби ориқ қилиб кўрсатади. Ишора, белги, ниятларни рангларда жамлайди гўё. Шунда харита — "ранглардан иборат олам", рангларда яшовчи моҳият тарзида гавдаланади. Шоир Дунё харитасини тузувчи донога қарата дейди:

*Харитани тузғувчи доно,
сендан кичик битта илтимос,
рангларнингга бир ранг қўшигину яна
эллару
юртларнинг ўртасига мос,
кўринарли қилиб рангин, ҳойнаҳой,
ки, шунгача эсдан чиқиб келган бир —
харитага тушмаган жой —
кангулнинг тарзини тушир...*

Ҳа, кўриниб турганидек, шоирнинг бадий мақсади аста-секинлик билан сатрларда ўз ифодасини намоён этмоқда. Харитага тушмаган жой — кангул (нақадар ноёб топилма!) эканлигини, шоирнинг мана шу ҳодисани ҳаммадан илгари пайқаганлигини ҳис қилган ҳар қандай китобхон ҳайратдан ёқа ушлаши табиий. Чунки бу ҳолат, бундай сезги ҳаммада ҳам бўлавермайди, фақат чин истеъдод соҳибларигина, кўнгилга ошно қалбларгина бундай бахтга сазовор бўладилар.

Дунё — катта кўча.

*Катта кўчада
дарахтлардан тўкилган баргу хазон
эзилар чорчақлар пойи остида.*

Дунё — катта кўча.

*Катта кўчада
эски калавасин учин йўқотиб,
кўрчигинларни ечолмай, ҳолига
ҳайрон, ноиложу нодармон, сўнгсиз
ўйлар гирдобига фарқ бўлиб, мискин
имкон умидини излар одамзод.*

Шоир наздида дунё мисли катта кўча. Унда ҳар қандай ҳолат содир бўлиши мумкин, ундан ҳар нарсани кутиш мумкин. Дунё шундай шафқатсизки, баргу хазон "пой"лар остида эзилади, одамзод мискинликдан қутулиш имконининг умидида яшайди. Уммонлар, денгизлар, дарёларнинг гоҳ тошиб, гоҳ сокин тўлқинланиб оқиш ҳолати бу дунё қиёфасига қиёс. Дарёю денгиз ўпқонлари, гирдоблари каби раҳм-шафқат нелигини билмайдиган дунёнинг айланишию "тезобпарастлиги" ҳам ўхшаш. Тез содир бўлган воқеалар тез унутилади, битта воқе бор азалдан мерос — "ҳамиша ўзини бирдай сақлаган, эсгувчи, тингувчи шамолларга-да, қотишмай, олдига тушиб чопмайин, қадрини асраган берк воқе" бу — кангул. Оламда яна вақт аталмиш тушунча ҳам борки, у ҳеч нарсани тан олмайди, ҳеч назар солмайди, "белбоғини бар уриб" ўтаверади. Не-не тожу тахтларни, мустақкам, бақувват эҳромларни девордай нуратиб, ўз чиғиригидан ўтказаятган вақт фақатгина кангулнинг қаршисида дар қолади, фақатгина кангулга ён беради:

*Кўп нарсани истаб, қидирар одам,
майда-чуйдаларга хоҳишин бер,
қурбини сарф қилар англаб-англамай,
надамини йўндаб, эргашиб юрар*

*ишқибозликнинг тор йўлаклариди.
Қизиқ дейсан, ажаб дейсан, ё Раб дейсан,
нега одам кангун қидирмайди ҳеч?!
... Муҳими кангул, кангулни қидириш,
муҳими — кангудир, кангулни топиш...*

Шоир яна айтадики, муҳими — ўзлигингни англаш имкони кангулда бўлсин, йўлинггни имонинг чироғ каби ёруғ этсин, шунда ағёринг ҳабибингга айланади; туғилган тупроғингнинг иқболи сен билан кулсин; элу хешинг билан шундай яқин бўлки, соғиниб меҳри товласа, қайдасан, деб изларинггни қидирсин. Фақирларнинг бошини сила, ноилож қолганларнинг иложини топ, дуч келганга кам-кўстингни сўзлама, нокаслардан зинҳор ҳиммат тилама. Шуни билки, қандай ҳаракат қилсанг, шундай жавоб оласан: "ўзинг-ўзингга ёғий, ўзинг — ўзингни дўстинг."

Бепарволик, лоқайдлик, нафсга ошно бўлишлик вужуддаги руҳни беомон тилкалайди, тизгинсиз азобга солади. Нафс ҳар дамда вужудни, руҳни ямлашга тайёр, у "меvasига кўз тикиб, дарахтга отилган тош"га қиёс. Шоир бу дostonида ҳам қаршилантириш усулидан моҳирлик билан фойдаланиб, яшашнинг асл моҳияти, нафс ва кўнгил ўртасидаги кескин зиддиятни кўрсатади:

*Дунё озори — нафс, афғони — кангул,
Дунё висоли — нафс, ҳижрони — кангул.
...Нафс — давру давроннинг учар шамоли,
Ҳақни англаб етган бир они — кангул.*

Ҳашамат, дабдабозлик, ҳаддан ортиқ хурсандчилик, кечаю кундуз тарк этилмаган кулгу инсон иродасини заифлаштиради; хотирани, тафаккурни хиралаштиради; доимий лаззатга — нафсга кул қилади. Ғам, азоб-уқубат, қийинчилик эса иродани чиниқтиради, тоблайди; Ҳақни, Ҳақиқатни, "Кангул"ни англаш саодатига мушарраф қилади. Дostonнинг навбатдаги мисрасида эса субутга содиқлик хусусида шоир ижодининг бутун қўлами ўз қиёфасини намоён этади:

*Ваъдалар, ёлғонлар, қасамлардир — нафс,
Субутга содиқлик паймони — кангул.*

Биламизки, ғийбат инсоний иллатлар ичра энг ваҳшийсидир. Ислом дини ҳам ғийбатни қоралаб келади, унга нисбатан нафрат билан қарайди. Исломда ғийбатчини ўлган мусулмон биродарининг гўштини еган кишига тенглаштиришади.

*Ғап топиб рўзғорда бўлган таомдан
Мақтаб ер қўшинининг қолган
ёвғонин.*

*Янги кийим қолиб, эски-тускини,
синган теванада қирқ улоқ қилиб,*

*ўзига эп кўрар кийиб юришни.
Не тонг, ўз томирдош, жону жигарин,
қариндош-уруғу, бўла-бўлукни,
айланиб, сал кўздан йитди дегунча,
қолганин гиж-гижлар кетотганига.
Ётти пеш билади туғишганидан,
ўзининг уйида тургиси келмай,
афзал санар биров харобасини...*

Жамият, миллат тараққиёти илдизига кушанда ҳисобланувчи бу каби иллатлар шоир қалбида ўчмас муҳр қолдиради, руҳини ўтга солади. Кўнгли вайрон шоир китобхонни маънавий уйғоқликка чақиради, эзгу аъмоллар сари даъват қилади; ётти туғишганидан аъло кўрувчи, бировнинг харобасини ўзиникидан афзал билувчи, қариндош-уруғ, жону жигарни бир-бирига гиж-гижловчи кимсалар қаторида туришдан сақланишга чорлайди.

Қарашлар такомил кўрсатадики, ўз-ўзини, кўнглини сўроққа тутиш моҳият томон элтади. Саволлар туфайли ёлғоннинг пардаси йиртилади, жуссаси кичраяди; саволлар туфайли адолат тикланади, ноҳақ ҳақнинг қаршисида қалтирайди; саволлар туфайли сезимлар ҳаракатланади, руҳ уйғонади, ҳис орқали яфроғлар шивирини тинглаш, гуллар атрини тўйиб ҳидлаш мумкин бўлади:

*Саволлар қанчалик кўп бўлса,
негадир талпиниш, интилиш,
интизорлик, илҳақлик мавжуд,
қониқмаслик мавжуд недандир.
Саволлар қанчалик кўп бўлса,
англаш, англаниш ҳисси уйғониб,
соғинчи ортар муқаддасликнинг,
ортар кангулга қайтиш соғинчи.*

Дунёда энг ёмони ўз кўнглидан кечмоқликдир!

Руҳнинг талъати пора-пора бўлади, гурур чўқади, "етимга айланган бағир" ҳувиллайди, шундан нафснинг бозори-да авж олади, юрак — "хиёнатлар кўмилган қабр"га айланади, қалб қақшайди, ишқ — "букчайган сабр"га қиёфа беради.

*Нафснинг пойқори бўлганлар, зотан,
қалблари-да кўрдир,
кўзлари кўрдир.
Ҳурдир — кангунини етганлар Ватан,
кангунини топганлар — Ҳурдир.*

Шу жиҳатдан англашиладики, дунёдаги энг катта, кенг мамлакат кўнгулдир. Кўнгул мамлакатининг харитага тушмай қолиб кетаётганлиги унинг унутилганлигини, англаб етилмаганлиги, ва ёинки, йўқотиб қўйилганлигини англатади.



Баҳодир ХУДОЙБЕРГАН

Тоғдаги гуллар беғубор экан



ИЛМИ ДАРВИШ

Умид Бекмуҳаммадга

Асл Хоразмдан минг бир нишон йўқ,
Сенга таърифловчи ҳеч битта эгон йўқ.
Етаклаб боришига ҳеч бир имкон йўқ,
Илми дарвиш укам, Умиджон укам.

Вайрон қилган биров, йиғлаган Сенсан,
Мунчалар сиқилсанг? Дунё бир кенгсан.
Сен бир Хивадаги минорга тенгсан,
Менинг меҳрибоним, Умиджон укам.

Сенга керакмиди шунчалар ташвиш,
Мозийни титкилаш, қирғинли руш?
Қанча паҳлавонлар қўл уролмабмиш,
Елка дош беролмай қаламга тажанг.

Кимдир зар, дурларни гизлаб оввора,
Қимдир пасткашларни "Сиз!"лаб оввора.
Ўзга дардин айтиб торлар бечора,
Ўз дардин унутди, Умиджон укам.

Жайхун дарё бўлиб оқиб тургайсан,
Чилтиқ узоқларга боқиб тургайсан.

Пирим елкамизга қоқиб тургайсан,
Худо қувват бериб, Умиджон укам.

Кўрмасам, мен Сени излаб қоламан,
Айтган сўзларингни "Сиз"лаб қоламан.
"Айтинг! Айтинг!" дея, сўзлаб қоламан,
Илми дарвиш укам, Умиджон укам.

БЕН УЧУН

Мендан,
Ҳеч кимдан кўрмаган меҳрни топсанг,
Тунлари қўйнимда чирмашиб ётсанг.
Энг ноёб лаззатни Сен мендан топсанг,
Жаннат нима керак мен учун?

Агар,
Фалак имкон бериб тахтга ўтирсанг,
Энг биринчи душман,
хафли,
мен турсам.

Жаллод!
Бошин чопгин унинг! — деб буюрсанг,
Бу.....
Энг Олий Бахт Сен учун!

ФАРИШТАМ

Менга айтган сўзни унга айттарсан,
Шеър билан меҳр-ла, сеҳрлаб.
Унга бориб мени сўқиб қайтарсан,
Менга келиб уни қарғаб, шивирлаб.

Икки инсон юрар Сени опичлаб,
Икки кўр,
икки кар,
икки баҳодир.
Сенинг ҳар сўзингдан юрак ҳовучлаб,
Чунки, иўқотишдан кўрқишар ахир!

Тоғдаги гуллар бу беғубор экан!
Кўнглим бу дунёга сиғмай юрибди.
Инсонга МУҲАББАТ — бу бекор экан,
Худойим не учун берибди?

Унга айтган сўзни менга айттарсан,
Ноз билан сеҳрлаб, гўзалим.
Бир кун йиғлаб қолсанг...: қайтарсан?
"Маликам,

Фариштам,
Асалим!"

Зулхумор АЛИМАРДОНОВА

Ўйлимизда ажиб гулзорлар

БИР КУН

Бир кун ҳасратлардан ҳалок бўламан,
Ҳижрон-у аламлар ёндирар бир кун.
Қалбимни нилуфар гулга айтаман,
Қаршимда термулиб турар у беун.

Тақдирнинг бешафқат сўқмоқлариди
Сарбонсиз нортуйа каби бўзладим.
Саргашта саҳронинг тупроқлариди
Ўзимга энг яқин дардкаш изладим.

Баридан тўйиблар кетдим, бегижон,
Тутгин, ишқим оқар бармоқларимни,
Умидлар йиғлади менга кўшилиб,
Соғинчлар юпатди титроқларимни.

Эй Дунё, кўзлари ҳайратга тўлуғ
Гоҳида ситам-у, ҳасратга тўлуғ.

Менинг юрагимда бир армон яшар,
Уммонлар яшайди тўлқинга тўлуғ.

Беҳаловат қалбим тингланг, бегижон,
Унга ишқ ўйлимдан торлар битганман.
Гоҳида узилиб, гоҳ тизилиб эгон,
Бутун борлиғимни шунга айтганман.

Тингланг, туйғуларим сел бўлиб оқсин,
Оқизсин, қалбингиз зил тошларини
Хокисор капалак қанотлар қоқсин,
Суяб қулаётган бардошларимни

ЮПАНЧ

Юпунгина юрагим, юкингина,
Титраб-титраб йиғладинг секингина.
Нетай ахир, сени мендан бағри бутун,
Сўрамасдан сотиб олди текингина.



Иккимизни топганимиз бўлди кўз ёш,
Армонли ишқ азобидан битди бардош.
Ёнишимиз, хонишимиз айлар фиғон,
Шунчалар ҳам мағрурми у бағри тош.

Ундан ахир мол-у дунё сўрамовдик,
Эҳтиром-у, ҳам эътибор сўрамовдик.
Тилагимиз фақатгина қатра меҳр,
Муҳаббатда оташ қалбни сўрамовдик.

Қўйгин дилим, бизни ҳам бир севгувчи бор,
Энди ўзга кўнгли учун чертамиз тор.
У бевафо севгимизга бўлсин зор-зор,
Йўлимизда ҳали ажиб гулзорлар бор.

Гузалоӣ СОЛИҲ

ШАҲАРЛИК ҚИЗ


Ҳикоя

Пешин. Ҳали баҳорнинг бир неча кунлик ҳақи бўлишига қарамай ҳаводан ёз нафаси келади. Қайрағоч тагидаги сўрида онам кўрпа қавияпти. Уй биқинида олапар итимиз тил осилтириб мудрапти. Ўзи қоп-қораю, негадир унга отам олапар деб ном берган, биз ҳам шунга ўрганганмиз. Бир сафар дугонам Дилфуз "итингнинг номи олапар эмас қорахонми, қоравойми бўлиши керак" деганди ўзича билагонлик қилиб. Мен ҳам унинг гапига кириб қорахон, қорахон деб жаврайверганимдан отамдан дакки эшитганман. Аслини олганда ўзи ҳар доим шунақа, янгиликни Дилфуз топадию, ўрганиш эса мендан. Мана яқинда холасиникига меҳмонга бориб, "беш тош" деган ғалати ўйинни топиб келди. Шундан бери бедана тухумидеккина бешта сийқа тош қўлимиздан тушмайди. Ўрганиб қолганман-да. Дилфуз ҳам ҳовлимизга эрталаб келса кечкурун кетади. Ҳозир ҳам сўри ёнида қўлидаги тошларни ҳар замонда шақирлатиб мени кутапти. Ўзимга қолса аллақачон Дилфуз билан ўйнаётган бўлардим, аммо ноилож. Ипни учини тупуклаб тўғрилаб игнага ўтказарканман, қўшнимиз Зулхумор хола кириб келди. Бу гапдон холани ёқтирмасам ҳам, ҳозир жуда яхши кўриб кетдим.

— Ҳорманг-ов, овсин, — деди у биз тарафга семизлигидан ҳарсиллаб қадам ташлаб келаркан.

— Бор бўлинг-ов, келинг, кўшни, — дея онам ўрнидан туришга ҳозирланди.

— Сиқилиб кетдим, шунга бир олдингизга чиқай дегандим.

— Яхши қилибсиз, ўзимам зерикаётгандим, — онам жойидан кўзғалиб у билан кўришди. Зулхумор холани келганидан фойдаланиб секин ўрнимдан турдим-да, Дилфузга кетдик имосини қилдим. Онаминг кўзини шамғалат қилиб ҳовли этагидан боғнинг тўрига чопиб кетдик. Бизнинг ўйнайдиган жойимиз боғимизни тўридаги катта тут дарахтининг таги эди. Мевасининг ҳар донаси бошмолдоқдай келадиган тут шохларининг ярми бизнинг ҳовлимизда қолган бўлса, ярми Хадича холаларни ҳовлисига ўтиб кетганди. Дарах тагига борганимиздан кейин Дилфуз ерга таппа ўгирди. Унинг ёнига чўккаладим-да, юзи пўрсиб турган ерни қўлим билан супурдим. Кўтарилган қуюқ чангни ҳайдаш учун қўлимни бирикки боғиб-обкелиб, тошларни ёйдим. Дилфуз худди ҳеч қачон кўрмаган нарсасини кўраётгандай кўзларини катта-катта очиб:

— Айтганча, Хадича холаникига келган шаҳарлик қизни кўрдингми? Ойим роса мақтади, сочлари узунмиш-а! — деди менга саволомуз тикилиб.

Кўз олдимга пушти ранг кўйлак кийиб юрадиган, оппоқ қиз келди.

— Ҳа, — дедим мақтанганнамо, — мен уни ҳар куни кўраман.

— Ростданми!?

— Ҳа, рост.

— Ростдан ҳам сочлари узунми?

— Сочлари узу-ун, кўйлаги мана бу ерига келади, — ўрнимдан туриб тиззамдан пастроғини кўрсатдим, — иш қилса кўйлагининг устидан этакбанд боғлаб юради.

— У билан гаплашдингми? — ҳайратини яширолмай сўради Дилфуз.

— Гаплашмадиму...

— Нима қилдинг, бирга ўйнадингларми, — ичи қизиди унинг.

— Бирга ўйнамадиг-у, — чайналдим, — лекин уни ҳар куни кўраман.

— Қандай кўрасан?

— Кўришни хохлайсанми, юр уни кўрсатаман.

Ўрнимдан туриб тутга чиқа бошладим.

— Қаёққа? — ҳайрон бўлди Дилфуз.

Унга қарамасдан чиқ ишорасини қилдим. Дилфуз бир пас анграйиб турди-да, шохларга осилиб изимдан тирмашди. Йирик шохлар кесишган жойга ўрнашиб ўтириб олдим. Бу ердан Хадича холани, ҳовлиси кафтдек кўриниб турарди. Хадича хола ўзини елпигич билан елпиб ўтирар, шаҳарлик қиз ҳовли супурарди.

— Шуми шаҳарлик қиз? — сўради ёнимга келиб ўрнашган Дилфуз.

— Ҳа, — дедим секин шивирлаб, худди шаҳарлик қиз эшитиб қоладигандай.

Аммо шаҳарлик қиз ўз юмуши билан банд эди. У бошига янги келинчаклардай рўмол ўраб олган, рўмол тагидан қора, қуюқ сочлари чиқиб турарди. У ҳовлини супуриб бўлиб, бир чеккада турган пақирни олди. Ҳовли этагидан оқиб ўтадиган ариқдан сув олиб, супурилган жойга майдалаб сепа бошлади. Унинг қўллари тез ҳаракатланар, сув парчалари қуёш нурида жилоланиб бир текис ерга ёйиларди. Шаҳарлик қиз ҳовлининг ярмига борганида қаердандир мушук боласи келиб, унинг оёғига суйкалди. Шаҳарлик қиз пақирни ерга қўйди-да, мушук боласини кўлига олиб, унинг бошини меҳр билан силади. Кейин уни сўри устига қўйиб, ишини давом эттирди. У зумда ҳовлига сув сепиб бўлиб, қўлини этакбандига артганча, дорга ёйилган кийимлар томон юрди. Уларни йиғиштириб олиб, ҳафсала билан тахлай бошлади. Афтидан кийимларни ҳам унинг ўзи ювганди. Мен унинг чаққон ҳаракатларини кузатиб турарканман, Дилфуз енгимдан тортиди.

— Юр, тушайлик, зерикиб кетдим, яхшиси ўйнайлик.

Зумда ўзимизнинг майдонимизга қайтиб, ўйинимизни бошладик. Билмадим, орадан қанча вақт ўтди. Бир пайт онаминг "қизим-у" деган овози эшитилгандай бўлди.

— Онами? — Дилфузга савол назари билан қарадим. У бир зум атрофга қулоқ солиб турди-да, елкасини қисди. Парво қилмай ўйинга машғул бўлиб кетдик. Бир оздан кейин яна шу овоз эшитилди.



— Онам, — ўрнимдан сакраб туриб сўри тарафга югуриб кетдим.

— Қаерда юрибсан, яна тут тагидамисан? — жаҳли чиқди онамнинг.

Зулхумор холанинг ёнида уришаётгани учун ер тагидан онамга хўмрайдим.

Тумтайиб турганимни кўриб, онамнинг баттар зардаси қайнади.

— Хўмраймасдан ичишга сув олиб кел.

Индамасдан ошхона тарафга қараб юрдим. Шангилда сув обчиқар эканман, ҳовлининг эшиги очилиб Хадича холанинг қораси кўринди.

— Ҳали буюқдамидингиз, сизни қидириб чиқаётгандим,

— деди Зулхумор холага қараб.

— Келинг, шу ёқдаман, ҳашар қиляпман, — табассум қилди Зулхумор хола.

— Келинг сиз ҳам ҳашарга, мундоқ чиқай демасиз, — ўпкалаган бўлди онам.

— Мана, чиқаяпман-ку, қуллуқ бўлсин, кўрпа чиройли чиқаяпти, — деди Хадича хола сўрига келиб ўтираркан. Кейин қўлтиғидан янги тикилган атлас кўйлакни олиб ёйди. Атлас кўйлак офтобда ялтиллаб кетди.

— Вой, бунча чиройли тикибди, — ҳайратини яширолмади Зулхумор хола, — тўғриси, бунчалик яхши тикади деб ўйламагандим. Қўли дард кўрмасин.

— Ҳа, жуда чиройли чиқибди, менга ҳам тикиб берармикан, — деди онам кўйлакни у ёқ-бу ёғини айлантриб кўраркан.

— Вой, тикиб беради, қўшни, Раънохон бунақа ишлардан сираям қочмайди.

Гап шаҳарлик қиз тўғрисида кетаётганини дарров англадим.

— Мана, Зулхуморга тикиб берди, — давом этди Хадича хола, — қўшни маҳалладан иккита аёл келувди. Уларгаям тикиб берди. Менгаям тикиб берди, чиқсангиз кўрсатаман. Уям жуда чиройли чиқди. Зулхуморни кўйлагини эргалаб битказувди, энди ширинлик пишириб бермоқчи. Шунга сизникига элакка чиқувдим. Ўзимизникини ҳеч тополмаяпман, билмайман, нима қилганман.

— Нима қилмоқчи, тортми? — сўради Зулхумор хола.

— Билмадим, туркча пишириқ деди шекилли, номи қанақайди, — у пешонасини тириштириб менга юзланди, — нима деб аталарди, сен билмайсанми?

Кўйлақдан кўз узмай унга жавобан елка қисдим.

— Бу қаерданам билади, кунни ўйин ўйнаш билан ўтади, — мени ўрнимга жавоб берди онам, кейин менга ўтирилиб: — Кўрдингми, сен тенги қизни нима ишлар қилаётганини, бор элакни олиб чиқ, — деди жеркиб. Ошхонадан элакни олиб чиқиб, Хадича холага тутдим. Онамни улар билан андормон бўлаётганидан фойдаланиб яна тут тагига чопдим.

Эртаси кунни Хадича хола элакка қўшиб, салофан халтада пишириқ олиб чиқди. Онамдан улушимни олиб яна тут тагига югурдим. Ширинликни Дилфуз билан тақсимлаб едик. Устига ёнғоқ қадалган пишириқ оғзимда худди музқаймоқдек эриди.

Кечқурун Зулхумор холаникига меҳмонлар келди. Ҳамма бола-бақра Зулхумор холалар уйи олдида. Ҳамма ўз тенгилари билан қандайдир ўйин билан машғул. Ўғил болалар уруш-уруш ўйнаган, айримлар яшинмачоқ, биз ҳам қизлар билан айлана бўлиб ўтириб беш тош ўйнашга киришгандик. Бир маҳал ёнимда ўтирган Мадрим муаллимнинг қизи Иқбол биқинимга туртди.

— Қара, телевизорда кўрсатган, биологиядан биринчиликни олган қиз, — деди дарвозага суянганча ўйнаётганлари кузатаётган шаҳарлик қизни кўрсатиб.

— Йўғ-е, — дедим ишонқирамай, — ростданам телевизорда чиққанми?

— Ҳа, дадам айтдилар. Яна айтдиларки, бу қиз ўзбек

тилидан ташқари учта чет тилини биларкан.

Бир шаҳарлик қизга, бир унга қараб қўярканман, бу гапларни эшитиб шаҳарлик қизга ҳавасим келиб кетди. Шаҳарлик қиз бизнинг ўзи ҳақда гаплашаётганимизни сездим шекилли, ён-верига қараб ўнғайсизланди. Аммо лаҳза ўтмай ўзини тутиб олиб, биз тарафга қараб тураверди. Унинг боқишларида илнжга ўхшаган изтироб бор эди. Унинг биз билан ўйнагиси келаяпти деб ўйладим. "Бу ёққа кел" имосини қилиб унга қўл силкидим. Менинг қўл силкиганимни кўриб, қизлар ҳам уни чақира бошлашди. Шаҳарлик қиз нима қиларини билмай довдираб турди-да, иккиланиб биз тарафга кела бошлади.

— Кел, биз билан ўйнайсанми? — деди Дилфуз унга қараб. Шаҳарлик қиз "ҳа" маъносида бошини қимирлатди.

— Ўтир, ўйнашни биласанми?

— Йўқ, — деди шаҳарлик қиз кўзларини пирпиратиб, Дилфуз кўрсатган жойга ўтираркан.

— Мана, қара, — деди Дилфуз қўлидаги тошларни кўрсатиб, — шунақа бешта тош бўлади, шунинг учун ўйиннинг отиям беш тош. Ҳозир менинг олти очком бор, яна менинг галим, мен ўйнайман, қараб ўтирсанг ўрганасан. Галинг келганда бирликдан бошлаб ўйнасан.

Дилфуз шундай деб ўйинни давом эттирди. Гал шаҳарлик қизга келди. У қўлига тошларни олиб, ўйланиб қолди. Дилфуз бошқаттан тошни қўлига олиб бир бошдан кўрсатиб берди. Шаҳарлик қиз яна туриб қолди. Дилфуз унинг ҳолатини кўриб:

— Келинлар, яхшиси картчка-картчка ўйнаймиз, — деди. Кейин шаҳарлик қизга қаради: — Сен биласанми?

Шаҳарлик қиз бошини сарак-сарак қилиб "йўқ" ишорасини қилди.

— Оқ теракни-чи?

— Йўқ,

— Ўртага тушарни-чи?

— Йўқ,

— Ҳоз ва бўриларни?

— Йўқ.

— Нимани биласан ўзи? — Дилфузнинг аччиғи чиқди.

Шаҳарлик қиз қўлидаги тошга қараб жим қолди. Унинг туришини кўриб раҳмим келди. Яхшиси беш тошни ўйнайверайлик, шу яхши, ўрганиб кетади дедим Дилфузга қараб. Яна қизлар билан айлана бўлиб ўтириб олдик.

— Қара, — дедим шаҳарлик қизга. — Олдин бирларни ўйнайсан, кейин иккилик, кейин учлик, кейин тўртлик, кейин финал, кейин супер финал, унда тошларни осмонга отиб қўлингнинг орқаси билан тутиб олсан, қанча тутиб олсанг, шунча очко олган бўласан, тушундингми?

У менга худди партадошим Шарифга ўхшаб қараб турар, Шарифга математикадан қанча ўргатмай, тушундим дегандай бошини қимирлатиб қўяр, гал мисол ечишга келганда қандай эди деб сўрарди. Шаҳарлик қиз ҳам худди Шарифга ўхшаб бошини қимирлатди. Шундан кейин ўйинни бошладик. Гал айланиб унга келди. У қўлига тошни олди-да, туриб қолди. Уни тўхтаб қолганини кўриб, бошласанг-чи, дедим қистаб. У шоширганимдан кейин худди ўйинни бошламоқчидай тошларни ажратди, қўшди, яна ажратди. Кейин тошларни ҳаммасини бир қилиб қисимлади, қўл томирлари бўртиб кетди. Тошлардан шақирлаган овоз чиқди. У шу ҳолича бир пас турди-да, қандай эди дегандай яна менга қаради. Мен қолиб ўрнимга қизлар чувиллашиб кетишди.

— Шуниям билмайсанми... мана бунақа бўлади... қара, бунақа қиласан...осмонга бундай отасан...ҳалиям ўрганмадингми...ўзи ўйин ўйнаб кўрганмисан...

Шаҳарлик қиз ҳар тарафдан чувиллашаётган қизларга бир-бир аланглади-да, бирданига юзини берктиб йиғлаб юборди. Кейин ўрнидан турди ва ҳовлига чопиб кириб кетди. Шаҳарлик қизнинг изидан қараб қоларканмиз, унинг нима учун йиғлаганини билолмай, бир-биримизга қараб елка қисиб қўя қолдик.



Мадина
МУЗАФФАРОВА



Ҳийинининг ёнидан ўтпаятман

* * *

Кул рангли чойшабга ёнбошлади куз,
Шитирлаб ёпинди тилла ранг кўрна.
Ишқ дарди эшакни эшиди жуда тез,
Дарё оқар эди мисоли телба.

Оппоқ пар чойшабга ёнбошлади қиш,
Музларни устига ёпинди қалин.
Ишқ дарди тўнглади мисоли кумуш,
Дарёда эшаклар эшилмас, сокин.

Яшил ранг чойшабга чўзилди баҳор,
Ширин хаёл билан бурканди гулга,
Ишқ дарди эшакни эшиди интизор,
Севги дил розини етказди елга.

Қип-қизил чойшабга ёнбошлади ёз,
Саратон ҳарорат уфурди шамол,
Эшак юзди қайноқ тўлқинларда соз,
Ишқни элиб кўйди қирғоққа висол.

* * *

Кетавергин. Фақат вақт ҳакам,
Менга кўл чўзмоққа шошилма.
Бугун урф эмас яланғочликни,
Яланғочлик билан яширмоқ.

Хазон боғида синар новдалар,
Кўл бермасман соғинча фақат.
Тунаб қолар бўм-бўш ишйонда,
Илиқ шамол билан сукунат.

Барглари юлар-да яна,
Дарахтларни яланғочлар куз.
Севги боис ё фойда кўзлаб,
Қўлинг менга солади оғиз?

* * *

Уйинининг ёнидан ўтганда ҳар гал,
Уғринча қарайман дераза томон.
Кўҳна Рим шаҳрига боққанам мисол
Ёниқ нигоҳимни айларман эҳсон.

Унутмоғим мушкул: Сентябрь чоғи,
Салқин оқшомни қўлларингни ҳам.
Қисматимга сендинг бир ширин оғу,
Эй менинг ишонган азиз дўстгинам.

Оёқяланг юрдим, гул тиконзордан,
Бироқ санчилмади битта ҳам тикон.
Ўтдим фаришталар юрган қил дордан,
Шайтонларни мағлуб айладим шу он.

Амр ила фармону пайғом, башорат
Тақдирга ишора қилмаган зинҳор.
Менинг юрагимни тарк этди ҳайрат,
Ишқнинг чўрисига асли завқ даркор!.

Ҳис этмай кўйганман жон-тани бутқул,
Қўрқита олмайди тунги ваҳима.
Менинг торларимни чертди фақат
йўл,

Сокин ҳаётимни айлаб безовта.

Йўл бўйида турган уйингни ногоҳ
Унутсам, мутлақо йўқдир ташвишим.
Сенинг борлигиндан этади огоҳ
Хотирдан нураган ғишлар товуши.

Уйинининг ёнидан ўтпаятман яна,
Деразанга қиё боқмайман зинҳор.
Кўҳна Римни этган учун хароба,
Санамайман энди ҳеч кимни айбдор.

* * *

Чолғучилар, шам чироқлар, сукунат...
Биргина мусиқа янграйди фақат,
Бунда сохта наво тегади ғашга.
Қочиб кетгим келар узоққа, ташга.

У-чи полга илдиз отгандек турар,
Фақат дастурхону қизларни кўрар,
Атрофида ёллари оқ хотинлар,
Тўй чоҳини чуқур қазиб ётурлар.

Чолғучилар, шамчироқлар, равосиз...
Табассумлар, илтифотлар...

маъносиз...
Ортга назар солмоқ энди кеч, ваҳм —
Бегоналар кўзи боқар бераҳм.

Рус тилидан Рустам
МУСУРМОН таржимаси



Манзура ЭГАМБЕРДИЕВА

* * *

Ортимда тўкилди, барглар қолди,
У дамлар бир зум хаёлим олди.

Нетай, хотиралар дилга чўғ солди
Ишқ чаманида битта гул қолди.

Ерга сингиб кетган ўшал кўз ёшлар,
Чидади қисматга кучу бардошлар.
Тунлари термулар ойга кўз-қошлар,
Ишқ чаманида фақат мунг қолди.

Баҳорларим, қайларда қолдинг,
Эй ишқ, совуқдан музладинг, қотдинг.
Ўзингни нечун жарликка отдинг,
Ишқ тоғларида фақат сен қолдинг.

* * *

Бу гапларга кўникиб қолдим
Кейинчалик бироз куч олдим.
Юрагимга шундай чўғ солдим,
Ўчирмаслар, ўчиролмаслар.

Бу гапларга кўникиб қолдим,
Бирозгина эгилиб олдим.
Қаламимга шундай тус солдим,
Ўчирмаслар, ўчиролмаслар.

Бу гапларга кўникиб қолдим,
Бирозгина ёш тўкиб олдим.
Юрагимга шундай шарт солдим,
Ўчирмаслар, ўчиролмаслар.



Ўткир АЛИМОВ



Баҳодир БАҲРОМ



ВИЛОЯТ

ЖУДОЛИҒ ДАШТИ

Орзулар кўмилиб, сингди тупроққа,
Бир сўз демоқликка чидалмади лаб.
Қалбимни қўлтиглаб кетдинг йироққа,
Бир куни барибир келасан излаб.

Тошлар таскин берар тоғлар ғамига,
Орзулар қимтиниб, дилга чўкди шон.
Томчи ёш гувоҳдир кўзлар номига,
Қайданам ўзингга қилдинг мени ром.

Юлдузсиз осмоннинг аҳволи хароб,
Излайман изларинг, кўринмас ҳеч из.
Қайга борай десам манзилим сароб,
Жудолиғ даштида ёлғизман, ёлғиз.

ОЛИСДАГИ ОСМОНИМ

О, таниш изтироб,
Қадрдон ғусса,
Кўнмаганда кўнгиб
Кўрдим демасди.
Билмайсан,
Дунёда ҳеч қайси рухсор —
Қалбимни сенчалик
Олган эмасди.

Бир ғулу кўксимда
Тентирайди жим,
Ирода этишга беролмам нисбат,
Қалбимнинг қоясин
Кўзлаган эдим,
Қақраган саҳрони
Берди шўр қисмат,

Дардимни ололмас,
Битмас тожу тахт,
На шифо беради,
Замзам булог.
Қани мен излаган Асл муҳаббат.
Ҳаёт алдовлардан иборат чоғи.

Сувратим сокин-у,
Сийратим илдам,
Тоғларда эшитиб йиғлайди оҳу,
Айрилиқ ёшига
Тўлди бу дийдам,
Ёлғизлик қасрида мангуман ёҳу...

Охудай йўқолди оҳу зорларим,
Мен яна қайтдим, теракзорларим.
Сирожиддин САЙИД

Олис болаликнинг хотирасига,
Етармикан чексиз юракзорларим.
Бошингни силаган шуғалар қани,
Бағрингга қайтдим мен, теракзорларим.

Новдаларинг ўсиб войиш бўлибди,
Шўхликлар йил ўтиб ташвиш бўлибди.
Бошингдан кўп савдо ўтибди менсиз,
Кўшиғинг энг маҳзун хониш бўлибди.

Дарё қирғоқлари пойингни ўпиб,
Илдинг қирқмоққа шайланибди заб.
Сен ўсгин, кўрқма ҳеч томиларингни,
Асрайман юрагим тубига жойлаб.

Бағрингга қайтдим мен, теракзорларим,
Шеър ёзмоқ истадим япроқларингга.
Кел энди, бир лаҳза мизғиб олайн,
Бошимни кўйганча оёқларингга.

Йўқ! Сенсиз йироқда ўн йил ухладим,
Уйғонмоқлик пайти келди, дилбарим.
Вақтни ўн йил ортага сурганча келдим,
Бағрингга қайтдим мен, теракзорларим.

ТАРАДДУА

Бу кеч Бухородан жўнайди поезд,
Соғинчинг гуллайди адирларида.
Ярим кун судралиб юргандай гўё,
Поезд юрагимнинг томилларида.

Вужудим чулғайди ажиб бир ҳолат,
Учаман севгининг самовотида.
Қора ниятини силаган бидъат,
Киролмас юрагим хаёлотига.

Ойнамни синдириб учади умид,
Ғийбатлар чангали — қирқ биринчи ин.
Бухоро томондан эса бир поезд,
Туйғуларим узра келар ҳапқириб.

Тонг отар. Эшигим ғимирлаб мудроқ.
"Бухородан олдим совға — муҳаббат"
Дейман, қара (у сенинг аксинг)
Кўзларимга совғам буюк садоқат.

Бу кеч Бухородан жўнайди поезд...

Мушфиқкинам**АЙБСИЗ АЙБДОРМАН**

Шунчалар камситиб кўйдингиз,
Қалбимни яралаб кўйдингиз,
Бу қисмат, бу тақдир,
Наҳот, шу учун
Мени давраларга тортмай кўйдингиз.
Нима гуноҳим бор?
Айтинг ўзингиз!
Айбсиз айбдорман, наҳот билмайсиз.
Майли суйманг мени, Гулоийм,
Бошқалар суйсинлар илоийм.

ОНАЖОН

Сиз билан ҳамшиша баҳор ёз эди.
Тунларим тонгдайин мусаффо эди,
Сиз билан қариндош-қондош бор эди,
Сиз билан ҳамшиша файз бор эди.

Сизсиз ҳовлимиз ҳам ҳувиллаб қолди,
Қуриб қолди ҳатто ёнғоқ, беҳи ҳам,
Сизсиз қўшниллар ҳам сузилиб қолди,
Қизларингиз йиғлаб, эгилиб қолди.

Бу тақдир, бу қисмат, нима қиламиз,
Энди ҳаққингизга дуо қиламиз,
Суратингиз қараб уйга толаман,
Мен ҳам ёнингизга бир кун бораман.

ЎШАЛ ЗАМОН

Ҳаёт шодон, дастурхон тўкин,
Ҳовлимиз ҳам чаман, боғ эди.
Ҳамма бирдек меҳрибон эди,
Ўшал замон онам бор эди.

Нокас келиб сўзламас эди,
Номахрам ҳам бўзламас эди.
Ҳамма яхши, ёмон йўқ эди.
Ўшал замон онам бор эди.

Майли, ғамдан эгилсин бошинг,
Оқиб турсин кўздаги ёшинг,
Сен йиғлагин, кулсин душманинг,
Фақат онанг ўлмасин экан.

Рустам МАННОПОВ

Оромкурси фожеаси

Таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ўзининг "Оромкурси" қиссаси билан ўзбек адабиётини ўзига хос асари билан бойитди. Қиссада фикрлар олишуви ва диалоглар орқали, асар қаҳрамони Кўкламали Тонготаров образида мансаб, лавозим, ҳою-ҳаваслар инсон зотини тубсиз жар ёқасига олиб келиши кўрсатиб берилади. Охир-оқибат "Оромкурси"даги Кўкламали бу касалликдан қутулолмай ҳалок бўлади. Асар фожеали яқунланади.

Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад Кўкламали Тонготаров образи орқали инсон ички дунёси унинг фикрлаши, унинг эврилишларини моҳирона ифодалаб беради. Қиссанинг бош қаҳрамони "Оромкурси"га ҳирс қўяди. Шаҳарга келиб ўқишга кирганида, Кўклам гайринсоний майлини унутишни ўйлаб қувонган эди. Аввалига ўзи ўйлаганидек бўлди, уйдан, қишлоғидан, туғишганларидан узоқлашди-ю, ҳаммасидан қутулганга ўхшади. Лекин Кўклам онасидан эшитган "отангнинг фикри-хаёли идорасидаги оромкурсисиди эди", деб айтганлари Кўкламга таъсир қилиб, ўйланиб қоларди. Онаси яна қизил суянчиқли оромкурсиларни ҳаммадан ортиқ кўришини айтганида Кўклам эзилиб кетарди. Балки отамдан мерос касалликмикан деган фикр унинг миёсиди тинчлик бермасди. Шаҳар унинг касаллигини зўрайтиради. Охирги марта домласи Ниёзовичникидаги оромкурсига ишқи тушади. Баланд суянчиғи қизболанинг белидек нозик, андак эгик, ўтирган киши ястанадияу хаёлан арши аълога парвоз қилади!..

Фақат оромкурсининг оёқлари кўздан пинҳонлиги Кўкламнинг қизиқишига чўғ солади. "Оёқларини этагига ўраб олгани нимаси!.."

Асар якунида Кўклам она номасини ўқий бошлайди ва ўз-ўзига мен табиғга бораман, даволанаман дейди. Ҳамма дори-дармонларни олиб эрта субҳидам кучоғингизга етиб бораман, онажон, деб аҳд қилади. Шу пайт у хонасидаги стол устида аралаш-қуралаш сочилиб ётган китоб-дафтарларни тахлайди, латта билан стол устини арта бошлайди. Сўнг юзини тескари бураб оромкурсининг елкасини, ён суянчиқларини обдон артади. Шунда бирдан ҳўрлиги келиб латта қўлидан тушиб кетади. Алла-паллагача оромкурсини силаб-сийпалайди. Кўзлари юмилиб узоқ тин олади. Сўнг оромкурсини даст кўтаради, кўтариб бориб айвонга чиқади. Шу пайтда эшик асабий ва қаттиқ тақиллайди. Кўклам оз фурсат тўхтайдди. Боши узра азот кўтарган оромкурсини оёғининг

остиға оҳиста қўяди, ҳолсизланиб унга маъносиз тикилади, оромкурсининг устиға чиқади-да айвончанинг темир панжараси устидан ошиб ўтиб, ўзини пастга ташлайди. Фожеа юз беради.

Шундай бўлиши асар ибтидосидаёқ сезилганди. Кўклам Тонготаров бу курашда енгиллади. Нима учун десангиз инсонни инсонлигидан чиқарадиган ҳирс тугилаётганди. Бу ҳирс оромкурсига қаратилганди. Қисса азалдан эскирмайдиган мавзу, яъни мансаб, амал инсонни муқаррар одамгарчиликдан чиқариб, уни ҳалокатга етаклаши ҳақида катта фалсафий мушоҳадага етаклайди. Кўклам Тонготаров ҳали бу оромкурсига етишмаёқ руҳий қийноқларга дуч келади. Кўкламнинг психологик нуқтаи-назардан азобга тушиши китобхонни ларзага солади. Бу ҳақиқий маънода офат ёки касаллик авлоддан-авлодга ўтиши мумкинлигини ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ёрқин бўёқларда тасвирлаб беради. Бу мавзу умумбашарий бўлиб, у вабо мисоли тарқалиши мумкинлигини бу асарни ўқиган китобхон англаб етади. Қисса ўқувчини жиддий ва умумбашарий фикрлашга ундайди. Асарда бир образ, яъни Кўклам Тонготаровнинг ички изтироблари, кечинмалари жуда ишонарли очиб берилган. Асарни ўқиган китобхон ундаги асар ўқ-томирини билиб фикр юритади. Асар китобхонни фикрлашга ундайди. Қисса шуниси билан қадрлидир. Жаҳон адабиётида Эрнст Хемингуэйнинг "Чол ва денгиз" қиссаси, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Оромкурси" асарига сюжет йўналиши бўйича жуда ўхшайди. "Чол ва денгиз" асарида инсоннинг табиат олдидаги унинг иродаси, матонати енгилмаслиги кўрсатилса, "Оромкурси"да Кўкламали Тонготаровнинг мансаб ва лавозим ҳою-ҳаваси нималарга, қай аҳволга солиб қўйиши моҳирона тасвирлаб берилади. "Чол ва денгиз"да инсоннинг қатъияти кўрсатилса, "Оромкурси"да унинг ожизлиги тасвирлаб берилади. Хемингуэйнинг "Чол ва денгиз"ида бош қаҳрамон чол образи бўлса, Хуршид Дўстмуҳаммад асарида ёш йигит образи ҳаракат қилади. Бу икки асарни таққослашдан мақсад бу асарлар бутунлай қарама-қарши мавзуда ёзилган. Ўхшашлиги шуки, бирида инсон иродаси, матонати куйланса, иккинчисиди ёш инсон фожеаси кўрсатилади. Бу икки асарда образлар кўп эмас. Хулоса қилиб айтганда, бу асар долзарб мавзуни ёритиб берган. Қиссани ўқиган китобхон ногаҳон турли ўйлар гирдобига тушиши табиий. Асарнинг ютуғи ҳам шундадир.





Ёдгора КЕЛДИБОЕВА

Майса орзуси

ХУР ЎЗБЕКИСТОН

Бешик остонамдан бошланган туйғу,
Сенга шеър ёзарман минг бериб урғу,
Сен юрагимдасан умрбод манғу,
Она ватанимсан, хур Ўзбекистон.

Туғилган диёрим, юртимсан ҳамон,
Юрагимиз йўли фақат сен томон,
Қадрингга етмаган барчаси нодон,
Она ватанимсан, хур Ўзбекистон.

Булоқларда шилдираган зилол сувларинг,
Меҳрга ташна доим ўғил-қизларинг,
Меҳмондўст халқинг бор, қаро кўзларинг,
Она ватанимсан, хур Ўзбекистоним.

МАЙСА ОРЗУСИ

Тонгда адирларни майсалар безар,
Дилларда қувонч бор, буларни билар.
Наврўзингга етдим шукрона минг бор,
Хаёл суришимни кўриб, майса устимдан кулар.



Дарахтлар гуллайди гулларин тўкиб,
Гўё куртакларда орзу мужассам.
Мусаффо осмонга боқишим кўриб,
Неларнидир орзу қилар майса ҳам.



Нафосат СОДИҚОВА

Кел, бир хониши айла

ҚАЛДИРҒОЧ

Қанотлари қошларимдай гўзал қушим,
Кел, бир хониши айла, бўлсин дардга даво.
Шу кичкина вужудингда не яширин,
Илҳомимга қўшиб имкон бергин садо!

Қалдирғочим, қанотларинг қайрилмасин,
Сен ошиён қурган айвон, тинч, фаровон.
Деразамни очиб қўйдим, сайраб учгин,
Хонадоним сен бирла файзли, чароғон.

Чугур-чугур тилларингда пур маънолар,
Тонг саҳарда садойингдан уйғонурман.
Турли хил уй, бисёр гулдор хоналар бор,
Лекин сени мен улардан қизғонаман.

Қанотлари қиз қошидай гўзал қушим,
Асло менинг хонадоним тарк этмагин.
Эрта тонгда сўйлаб берай кўрган тушим,
Бизниқидан, қалдирғочим, ҳеч кетмагин.

ҚАСАМ

Аччиқ хотиралар бўлди-ку тилак,
Оғир айрилиққа кўнди бу юрак,
Нима бўлса ҳамки тан олиш керак,
Севдим, севаяпман, севаман сени.

Ўткинчи ҳавасга берилдик гоҳо,
Бошга синовларни солди бу Дунё.
Дилим тўла нафрат бўлса ҳам аммо,
Севдим, севаяпман, севаман сени.

Ҳар он хаёлингиз ўтмайди вақтим,
Сени ўйласам, бас, ортади завқим.
Билмам, армонимми ва ёки бахтим,
Севдим, севаяпман, севаман сени.

Бу қандай туйғуки, сени ўйласам,
Пинҳона ўртаниб номинг куйласам.
Кечам ҳам бугуним, эртандан қасам,
Севдим, севаяпман, севаман сени.

ТУШЛАРИНГГА КИРАМАНМИ ҲЕЧ

Тушларингга кираманми ҳеч?
Ҳар кечада шуни ўйлайман.
Сени кўпроқ яхши кўрсин деб,
Кўзларимни тарбиялайман.

Сенга мафтун гўзаллар бисёр,
Менда эса девона юрак,
Айтгин, сендан ўзга кимим бор,
Бахт, иқболинг — ягона тилак.



Муҳаббатнинг таширфи бугун,
Аччиқ соғинч солди вужудга.
Юрагимдан ўрлайди тутун,
Асир бўлдим ишқ номли юртга.

Сен кашф этиб дилим дунёсин,
Ва сўнг дилга пайвандладинг, жон.
Тушларимнинг сўраб рўёсин,
Сени ўйлаб юмаман мужгон.

Гоҳо тунлар тушларимда сен,
Сени ўйлаб бедорман гоҳ кеч.
Сўйла, ухлаб қолганингда мен
Тушларингга кираманми ҳеч?..



Шухрат СИРОЖИДИНОВ,
профессор

ДИН ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Учинчи мақола

Ўзбекистонда дин мамлакатдаги маданий-маънавий анъаналарнинг ажралмас қисми ва аҳоли маънавий камолотининг асоси сифатида қаралади. Дин ўз олдига ҳеч қандай сиёсий мақсад қўйиши мумкин эмас. Бу меъёр давлатнинг дунёвий бўлиши ва мамлакатдаги барча динларга нисбатан тенгҳуқуқлилик ва ўзаро тотувликни таъминлаб беришнинг гарови бўлди.

Ҳозирги кунда республикада 16 та диний конфессия қайд этилган. Уларнинг бир қисми Ўзбекистон учун ноанъанавийдир. Давлат улар билан ўзаро муносабатда, ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллариини излаш зарурияти;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

12 диний таълим муассасаси қаторида 1 православ ва 1 христиан протестант семинарийси давлат рўйхатидан ўтган.

Мамлакатимизда ислом динига қандай шароитлар яратилган бўлса, бошқа динларга ҳам худди шундай эмин-эркин ибодат ва озод фаолият учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Чунинчи, Ўзбекистонда 2119 диний ташкилот эркин фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг энг катталари сифатида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Евангелъ христиан-баптистлари черкови, Рим-католик черкови, Тўла Евангелъ христианлари черкови, Ўзбекистон Инжил жамиятини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, 168 христиан черкови, 7 яҳудий синагогаси, 7 баҳоийлар уюшмаси, 2 Кришна жамияти, 1 будда ибодатгоҳи мавжуд. Ҳар йили мазкур диний ташкилотларнинг 120 дан ортиқ вакили Исроил, Греция ва Россиядаги диний зиёратгоҳларга сафар уюштирадilar, хорижга эътиқодий зиёратга йўл олувчилар учун бериладиган имкониятлардан фойдаланишади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон диний бағрикенгликнинг, конструктив конфессиялараро мулоқотнинг, давлат институтлари ва диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намунаси.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида исломни эркинлаштириш жараёнида ҳаддан ташқари кўп масжид ва мадрасалар очилган эди. Уларнинг кўпчилигида диний билимлари саёз ва илмий салоҳияти талаб даражасида бўлмаган имомлар ёки хориждан келган даъватчилар ислом дини асосларидан таълим бердилар. Таълим жараёнида араб мамлакатларида, Туркия ва Эронда чоп этилган дарсликлардан фойдаланилди. Натижада 1990 йилларнинг ўрталарига келиб, ёшлар орасида ислом асосларини мутаассибларча талқин қиладиган баъзи гуруҳлар пайдо бўлди. Улар ислом давлати куриш, “кофир” ватандошларига уруш эълон қилиш гоъларини кўтариб чиқа бошладилар. Ҳатто исломни сиёсийлаштириш, баъзи оддий фуқаролар онгига турли радикал сиёсий гоъларни сингдириш ва бу билан замонавий демократик фуқаролик жамияти куриш йўлидаги давлат ислохотлари жараёнига тўсқинлик қилишга уринишлар бошланди.

И.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид ва барқарорлик кафолатлари” китобида Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализмининг таҳдиди қуйидагиларда намоён бўлаётганини таъкидлайди:

1. Биринчидан. Ақидапарастликни ёйиш орқали диндор мусулмонларнинг ислохотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришда кўринмоқда. Яхшилик йўлидаги ўзгаришларнинг устувор шартлари бўлган барқарорликни, миллий, фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни бузиш йўлидаги уринишларда намоён бўлмоқда. Ақидапарастларнинг мақсади демократияни, дунёвий давлатни, кўпмиллатли ва кўп динли жамиятни обрўсизлантиришдан иборатдир.

2. Иккинчидан. Фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оломонбоп, жозибатор, аммо бақирок ва асоссиз даъватларига кўр-кўрона эргашувчилар ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим. Бу даъватлар охир-оқибатда бундай одамларнинг ақлигагина эмас, балки тақдирига ҳам ҳукмрон бўлиб олишини яққол англашимиз, айниқса, ёшларимиз бунинг аниқ тасаввур қилиши лозим. Бундай нуфузли одамларга бўйсунмай қўйиш шахсий фожеага айланиб кетиши мумкин. Қулларча мутелик, шахснинг эрксизлик асоратига тушиб қолиши, фикрлаш, саъй-ҳаракат ва ташаббус кўрсатиш эркинлигининг мутлақо чекланиши бунинг энг оғир оқибатларидир. Бизнинг тараққийёт сари интилишимизни эса фикрлаш, ҳаракат қилиш ва ташаббус кўрсатишсиз тасаввур қилишимиз қийин.

3. Учинчидан. Мамлакат минтақалари аҳолиси ва ижтимоий қатламлар орасида “ҳақиқий” ва “сохта”



диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилиқ келтириб чиқаришда кўринмоқда. Бундай ҳол Жазоирда, Афғонистонда миллатларнинг парчаланиб кетишига олиб келди.

4. Тўртинчидан Ўзбекистоннинг жанубий чегараларидаги қўшни мамлакатлардаги фуқаролар уруши тўхтамай, давом этиб келаётганлигида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ўзларини чин мусулмон, дин учун курашувчилар деб ҳисоблайдиган, мудҳиш тасаввурларини халқимизга зўрлаб қабул қилдиришни истайдиган террорчилар, жангариларнинг янгидан-янги авлодларини вужудга келтирмоқда.

5. Мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида ҳам Ўзбекистон ҳақида кўнглини совутадиغان фикр туғдиришга уринишларда намоён бўлмоқда. Уларга бизни гоҳ даҳрий қилиб, гоҳ эса давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари қилиб кўрсатишни истайдилар.

6. Ислом цивилизацияси билан исломий бўлмаган

цивилизация ўртасида ялпи қарама-қаршилиқни шакллантиришда намоён бўлмоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёналарига гоҳ салбий таъсир кўрсатмоқда. Янги мустақил давлатларнинг қолоқлигини тургун бир ҳолатга айлантирмоқда. Ундан ҳам даҳшатлиси шуки, одамларни диний заминда "цивилизациялар тўқнашуви"ни кутишга мажбур қилмоқда.

7. Омманнинг онгида дин барча иқтисодий, сиёсий ва халқаро муаммолар ҳамда зиддиятларни ҳал қилишнинг универсал воситаси деган фикрни қарор топтиришда кўринмоқда.

2004 йил январ ойидан Тошкентда Шанхай Ҳамкорлиги Давлатлари Минтақавий Ақсилтеррор Тузилмаси (ШҲД МАТ) ижроия қўмитасининг иш бошлаши яна бир бор Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ортиб бораётганлигини, жаҳон сиёсатининг фаол иштирокчисига айланганлигини, у танлаган сиёсий йўлнинг тўғрилигини ҳамда ўз халқ манфаатларидан келиб чиқиб саъй-ҳаракатлар олиб бораётганлигининг ёрқин далили бўлди.



БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Хуришда НИШОНОВА

Тақдир зулфимдек чигал



* * *
Тош шаҳар,
Тор хона,
Эски анжомлар.
Хира фонус ёритар тошли йўлакни.
Тун яримлаб қолган,
Гуноҳкорлигим,
Сим-сим оғригади хаста юракни.

Совуб қолган қаҳва,
Суви қочган нон.
Қоғознинг устида туради кўқиб.
Шу лаҳза Худойим
Ғариб бошимга,
Юлдузли осмонни юборар тўқиб.

* * *
Оёғости қилдим ўзимни,
Тентак дилнинг сўзига кириб.
Тундек қора этдим юзимни,
Манманликнинг измига кириб.

Сокин дилга бағрини бериб,
Ўкраб-ўкраб йиғлайди орим.
Мен дўстимга хор бўлдим букун,
Душманимга бир дунё зорим.

Ўз қадримнинг оёқ остида,
Топталишин қилдим томоша.
Тўмарисга айланмай қолдим,
Ҳислар оша, туйғулар оша.

Мен на қадар ночорман рости,
Мажнунликни ўргандим гулдан.
Ҳисларимни калтаклаб осдим,
Сўнг айрилдим,
Айрилдим дилдан.

Оёқости қилдим ўзимни,
Тентак дилни изига кириб.
Осмон қилиб қўйдим ўзимни,
Бевафонинг сўзига кириб.

* * *
Дунё — даллол,
Ёнидан ўтар бозорчи йиллар,
Қариндошинг уқубат,
Бегона омад тилар.

Бахт дегани ўзини,
Бозорга солар бунча.
Муҳаббат — сўқир кампир,
Ҳавас — танноз хонимча.

Умр — девона сабо,
Дайдиб-дайдиб боради.
Воз кечади баридан,
Яна қайтиб боради.

Қўлимга юзин босиб,
Лола жон таслим этар.
Мени само сирғаси,
Ўлимга ҳукм этар.

Дунё — сархуш бир дайди,
Оҳуни атайди бол.
Орзу — улғаймас бола,
Армон — ажал етмас чол.

Тақдир зулфимдек чигал,
Бу ҳам Ҳақ иродаси.
Танимдаги телба руҳ —
У дунёнинг пардаси.

Замон — саҳро, мен унда,
Кўрғошин тупроқ — қумман.
Сўз бодасин симириб,
Маст бўлмоққа маҳқумман.



Гавҳар РАСУЛОВА,
талаба

БАДИИЙ УСЛУБ ҲАҚИДА СЎЗ

Ҳар қандай бадиий асарда - хоҳ у назмда, хоҳ насрий ёки драматик кўринишда бўлсин - талқин учун танлаб олинган манба, мавзу, муаммо ёзувчининг бадиий услуби орқали ёритилади. Даврлар оша адабиёт майдонига янги-янги ижодкорлар келиб қўшилмоқда, турфа хил жанрдаги бадиий асарлар дунё юзини кўрмоқда. Адабий жараён фаоллашган сайин асарларнинг бадиийлиги, ёзувчининг услуб ва маҳорати хусусидаги баҳс ва мунозаралар ҳам қизгин тус олмақда.

Рус мунаққиди В.Г.Белинский "услуб - бу иқтидорнинг ўзи... услуб бу фикрнинг ойдинлиги, сезиларлиги. Услуб мудом шахсият, характер каби оригинал. Шу сабабли ҳар қандай улкан ёзувчи ўз услубига эга", деган таърифи ёзувчи бадиий услубининг ўзига хослигини, индивидуаллигини тасдиқлайди.

Ҳар бир ёзувчи ўз бадиий услубига эга экан, жаҳон романчилигида бу компонент қандай амалга оширилади? XX асрда юз берган сиёсий ихтилофлар ва бухронлар оқибатида дунёда жуда кескин ўзгаришлар юз берди, ижтимоий-сиёсий давлат бошқарилиши дунё бўйича икки катта бир-бирига қарама-қарши йўналишда олиб борилди. Шунга кўра ҳар бир жамиятнинг бадиий-эстетик тафаккури ҳосиласи бўлмиш роман жанри ҳам ҳар бир жамият ўзига хослигини эътироф этган ҳолда ривожланди.

XX аср тараққиёти шу қадар кескин ва зиддиятлиги, бу ҳол албатта инсон онгида, тафаккурида акс этмай қолмади. Инсон ҳаётида кечаётган иқтисодий қийинчиликлар унинг тафаккурида норозилик кайфиятини янада кучайтирди.

Моддион дунё бирламчи, онг иккиламчи дея бутун олам узвийлигини инкор этган, сўнг эса ҳаёт қонуни-

ятини англаб етган инсон бир-бирига монанд дунё мангигидан тўғри хулоса чиқара бошлади. Зиддиятлар тобора кучайган жамият табиий эстетик тафаккури ҳосиласи сифатида янги романлар юзага келди. Онг талқини, онгда кечаётган эврилишларни англаш осон кечмади. Бундай эврилишлар XIX асрда аввало психологик роман (М.Ю.Лермонтов, В.Гоголь), сўнг эса полифоник роман (Ф.М.Достоевский) жанрида намоён бўлган бўлса, XIX аср охирилари - XX аср бошларида янги тафаккур талқини - модерн юзага келди. Модерн романларининг яратилиши билан роман жанри тарихида янги бир тамойил - модернизм бошланди.

Янги давр ўзбек романчилигининг шаклан ва мазмунан янгиланаётганини роман жанрининг ички талабидан келиб чиққан зарурат деб тушуниш керак ва бу табиий ҳол. Кўпгина ёзувчиларимизнинг (Ш.Холмирзаев, О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, Ш.Бўтаев, Т.Рустам) романларида бадиий талқин кўп овозлилик даражасига кўтарилиши, ноанъанавий талқин услубларининг қўлланилиши бугунги кунда ўзбек романнавислари томонидан полифоник, ҳамда модерн романларига хос бадиий меъёр ва мезонлар ўзлаштирилиётганлигидан далолат беради. Айнан мустақиллик даврида Ж.Жойс, М.Пруст, Ф.Кафка, Г.Маркес каби етук ғарб романнавислари ижодига бўлган қизиқиш, улар қўллаган бадиий талқин услубларининг таҳлили - ўзбек романчилигини жаҳон романчилигининг илғор анъаналари асосида юксалтириш учун интилишдир.

Инглиз ёзувчиси Жеймс Жойс (1882 -1941) бадиий эстетик тараққиёт тарихида модернист ёзувчи сифатида ёрқин из қолдирди.

ЛУҚМА

Шарафли касб, аммо...

Ўқитувчилик - масъулиятли касб. Унинг ўзига хос машаққати, ўзига хос қийинчиликлари бор. Халқимиз бекорга "Устоз отангдек улуғ" демайди. Ота-она мурғак фарзандини меҳрибон ва талабчан мураббий қошига етаклар экан, "Эти сизники, суюги бизники" дея ишонч ила Устоз кўлига топширади. Маърифат фидойиси саналмиш устозлар мурғак вужудни тарбиялаб, камолга етказгунча машаққатнинг минг чиғиригидан ўтишларига тўғри келади. Ҳар нарсада ўз шогирдига намуна, ибрат кўрсатишга уринади. Қизиқувчан, савол беришдан чарчамайдиган ўқувчисининг барча маънавий эҳтиёжларини қондиришга уринади. Ёш навнихолни тарбияловчи боғбон мисол шогирдини ўз тажрибасидан озиклантиради.

Жилдираб оқаётган ирмоқ катта дарёга кўшилгунча кўп вақт керак бўлганидек, муаллим ҳали анча тажрибасиз бўлган шогирдига таълим-тарбия беришда бир ҳисса ранж чекса, унга муносиб намуна бўлишда эса икки ҳисса

1882 йилда Ирландиянинг Дублин шаҳрида дунёга келган Жойс XX асрнинг бошларида "Камер музикаси" шеърлар тўплами, "Дублинликлар" новеллалар туркуми ва "Ёш рассомнинг сурати" романини чоп эттирган бўлсада, ҳали унинг номи кўпларга таниш эмас эди. Жойсга бўлган қизиқиш ёзувчи 1922 йили Парижда янги "Улисс" романини чоп эттиргандан кейин бошланди. Роман чегараланган миқдорда чоп этилганига қарамай тез орада тилга тушди. Аммо "Улисс" Жойсга нафақат шон-шухрат, балки таъқибу таъналар, дашномлар олиб келди. Баъзи реакцион адабий давраларда уни порнографик асар яратишда айбладилар, "Улисс" романини нафақат нашр этиш, ҳатто мутоаала қилиш ҳам кўпгина мамлакатларда, ҳатто адибнинг ватани Ирландияда ҳам маън этиб қўйилди. Бу ҳол, табиийки, Жеймс Жойсга жуда кўп ташвишлар келтирди.

Олам шундай яралганки, унда ҳар бир нарса бирига боғлиқ, яралиш ва йўқ бўлиб кетишнинг ўз қонунияти бор. 1848 йилда рус ёзувчиси Ф.Достоевский ўз акасига "Мен аввалгидай ёза олмаётман. Қандайдир янги фикрлар, янгича талқинлар менинг ҳаёлимни тинч қўймапти. Менинг бу ҳолатимда олдингидай ижод қилиш менинг ижодий фожеам билан тенг" деган мазмунда мактуб битади. Сал вақт ўтмай ёзувчини оламга даҳо ёзувчи сифатида таниган, инсон теран бадиий кашф этган полифоник романи дунёга келади. Адиб яратган ҳар бир асар энди нафақат бадиий асар, балки бадиий санъат асари сифатида дунёга келади. Инсон руҳий олами, унинг ҳисларининг гоҳо уммонга қуйилаётган дарё сингари жўшқин, гоҳо осмонни чулғаб олган булутлар сингари тунд, гоҳо баҳордек мафтункор ва ўйноқи бўлишини, унинг ўзи эса борлик ва йўқлик орасида сарсону саргардон эканлигининг бадиий тасвири китобхонни ҳислар оламига олиб киради, инсон беихтиёр ўзининг нақадар ожиз эканлигини ҳис қилади. Яшашдан мақсад, яшашдан маънонинг асл моҳиятини англай бошлайди. Бадиий ижодда ақлу заковатдан, ўй-хаёлдан устунроқ турадиган, аслида инсон хоҳиши иродасини бошқарадиган ОНГ талқини яратилади. Адиб ўз ижодини "Менга кўплар руҳшунос ёзувчи деб баҳо беришади. Аслида мен реалистман ва менинг реализмим бошқаларникидан ўткирроқдир" деб таърифлайди. Адиб адабиётга олиб кирган инсонни янада мукамалроқ бадиий кашф этиш усуллари дунёнинг тортишиш кучлари қонунияти сингари аҳамиятга эга бўлди. Адибнинг ватани Россияда кўпгина интеллектуал салоҳият эгалари инқилобий муаммоларга берилиб кетганда, ғарб ёзувчилари талқиннинг достоевскиёна усулини танлашди. ХУҲИ асрада рус адабиётининг тараққиётига кучли таъсир қилган ғарб адабиёти XIX асрнинг охириларида рус адабиётидан

таъсирлана бошлади. Шундай қилиб, бадиий талқиннинг мукамал намоён эта олган полифоник услуб нафақат рус адабиёти, балки умумжаҳон адабиётининг тараққиёти учун ҳам асосий таъсир ва қувват манбаи бўлди десак адашмаймиз.

Ф.Достоевский мукамал даражада намоён қилган инсон онгининг талқини ғарб бадиий оламига, шу билан бирга Ж.Жойс ижодига ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Жойс "Улисс" романи устида ишлар экан, Достоевский сингари анъанавий талқин услубидан воз кечади, аммо ёзувчи бадиий стилистика соҳасида инқилоб қиламан деб ҳам ўйлагани йўқ. Унинг бадиий ижод салоҳияти янги талқин услубини танлади. Асрлар давомида шаклланган анъанавий талқин услублари ёзувчи ҳоҳлаган, танлаган оламнинг иккинчи бадиий моделини яратиш йўллари учун кучи етмасди.

У романда яҳудий Леополд Блумнинг дублинликлар ҳаётининг оддий бир кунини тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Блумнинг бадиий персонаж сифатида яҳудий миллатидан танлаб олинишининг сабаби эса, католик Ирландияда салкам "келгинди" ҳисобланарди. Блум томонидан дублинликлар ҳаёти четдан берилган холис кузатув сифатида баён этилади.

Ж.Жойс асарни "Жаноб Блумнинг бир куни" номи билан ҳикоя жанрида яратмоқчи ва уни "Дублинликлар" тўпламига киритмоқчи эди. Аммо шоҳиди бўлганимиздек асар "бир ҳикоя яратиш ғоясидан" тўрт китобга жам бўлган етти юз саҳифали салмоқли роман сифатида китобхонларга тақдим этилди.

Жойс "Улисс"ни асрлар давомида шаклланиб келган анъанавий талқин услубларидан фарқли архитектоника асосида яратади. Леополд Блумнинг бир кунлик кузатуви бутун олам кузатувига, бутун олам тарихига, яралган барча адабиётлар тарихига айланади. Жойснинг "бадиий кашфиёти шундаки" у бадиий талқиннинг янги йўлларида боради, инсон онги талқинини янада мукамаллаштиради, янги услубларга, янги ғояларга, модернизм бадиий методига, у орқали эса постмодернизм, синтез ва синкретик талқинга йўл очади.

М.Бахтин таъкидлаганидек, "роман мудом янгиланувчи" жанр экан, у ҳамиша тараққиёт йўлидан боради, романнавис ёзувчилар эса романнинг янги - янги жанрларини бадиий кашф этадилар. Лекин бир нарсани хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, бадиий мукамал роман ким томонидан, қайси маконда, қайси адабиётда яратилмасин, у умумжаҳон сўз санъатининг мулкига айланади.

ортиқроқ машаққат чекади. Бу касбнинг масъулияти ҳам айнан ана шунда. Шундайликка шундайку-я, лекин ҳақли савол туғилади: — Барча мураббийлар ўша биз китобларда ўқиган, бобокалонларимиз таъриф этган муборак устоз номига лойиқмикин?

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, устозлар орасида ҳам ўз шоғирдига берган ўғитини амалда ўзи исбот қила олмаётган, аниқроғи ўзи амал қилмаётган айрим мураббийлар борки, улар нафақат бу улуг номга доғ туширмақдалар, балки қозонни ёндириб, бор масаллиқни куйдириб, сувга ташлаган нўноқ ошпаз қабилида иш тутмоқдалар. Яшириб нима ҳам қилардик. Бундай инсонлар ўз орамизда, кимнингдир амакиси, кимнингдир қўшниси ва яна кимнингдир отаси, онаси. Таассуфким, улар орасида ёши бир жойга бориб қолган, сочига оқ оралаган кишилар ҳам бордирки, бу ҳолат барчамизда ҳам ачиниш туғдирса, ҳам нафрат туйғусини алангалатади. Кундалик ҳаётда бот-бот такрорланиб турувчи куйидагига ўхшаш ҳолатлар барчамизни дўппини бошдан олиб обдан ўйлашга мажбур қилади.

Тунов куни юзига талабчанлик пардасини илганча, азиз болажонлар, ичкиликка умуман яқинлашманглар, оқибати ёмон бўлади, дея тайинлаб, бугун эса ичкиликдан ўзига келолмай, шарманда-ю шармисор бўлганча ариқда аганаб ётган устозингизни кўриб қандай аҳволга тушасиз?

Хозиргина "Чекиш — соғлиққа зарар" мавзусида амалий машғулот ўтказиб, танафусда ўқувчилардан уялмай, деразадан тутун бурқсутиб тамаки чекаётган мураббийни кўриб қандай хижолат тортасиз?

Албатта, бу гаплар билан биз муҳтарам устозларга таъна-дашном бериш фикридан йироқмиз. Лекин талаб ҳам ўрнат ҳам эзгу кадрларимизга эш бўлсин. Истагимиз шу.

*Дилмурод УСМОНОВ,
ЎЗМУ талабаси*



Fayrat МАЖИД

Ишқингни юракка кўлимиз бораман

* * *

Мен қаяққа кетаянман, Раб?
Кўнглим, сенга не қилдим ваъда?
Тезроқ бормоқ истайман ахир,
Қишлоқ жуда олисми, дада?

Гўзал, гавжум, катта шаҳарда
Мен ёлғизман, ёлғизман жуда.
Ва ёки бу дунёларинда
Ҳамма одам ёлғизми, дада?

Фақат, фақат юракка оғир
Утар бўлса умри осуда
Тоғлар бағрин қонталаш қилган
Лолалари ол ҳисми, дада?

Кўзларингдан айланай, синглим
Бу гулзорда гул йўқ бирорта
Кел, иккимиз сўраймиз бирга
Энг гўзал гул ялғизми, дада?

Мен қаяққа кетаянман, Раб?..

ГУЛИЖОН

Хаёлимдан кетмас хурсан, гулижон,
Кўзимни куйдирар нурсан, гулижон,
Шу қадар бепоён сирсан, гулижон,
Тумонот ўйларга чўмиб бораман,
Юракни ишқингга кўмиб бораман.

Гоҳ дунё кўзимга чўгдай кўринди,
Қақраган чўллар ҳам боғдай кўринди,
Кўнглимининг димоғи чоғдай кўринди,
Баридан кўзимни юмиб бораман,
Юракни ишқингга кўмиб бораман,

Қирдан қизғалдоқлар эниб келади,
Саболар измига кўниб келади,
Гулбаргга шабнамлар қўриб келади,
Мен-чи зилолингга дўниб бораман,
Юракни ишқингга кўмиб бораман.

Алифдек қаддимни эгиб бўлса ҳам,
Сўнгсиз гуноҳларга чўкиб бўлса ҳам,
Қалбимни, қадримни букиб бўлса ҳам,
Меҳри ишончингга қониб бораман,
Юракни ишқингга кўмиб бораман.

БИЛСАНГ

Кўнгил айтмасига кўнмайди, билсанг,
Гул шохи шунчаки синмайди, билсанг,
Одам ҳам ўзича унмайди, билсанг,
Тоғлар ортида ҳам тоғлар бўлади.

Гўзаллик муҳаббат овонида, дил,
Гоҳида санамлар товонида, дил,
Асрорли ҳаётнинг довоида, дил,
Йиғлаб эслайдиган чоғлар бўлади.

Шабнамлар юзида нурлар ўйнаган,
Саболар куйида қирлар ўйнаган,
Қай ошиқ қалбида сирлар ўйнаган,
Диллари бир гўзал боғлар бўлади.

Кўнгилжон, зиёга тўйинмоқни бил,
Утар-кетар дамлар куйинмоқни бил,
Шукроналар айтиб суйинмоқни бил,
Оҳларинг юракда доғлар бўлади.

КИЙИКЧАЛАР

Эҳ, бепоён кўзларига тўйиб бўлмас,
Кўзлар айтган сўзларига тўйиб
бўлмас.
Тангрининг бу рўзларига тўйиб
бўлмас,
Бирам гўзал термулади кийикчалар.

Шамолларда учган хасдек умр ўтгай,
Барча ишга гўё асдек умр ўтгай.
Аслида-чи бир нафасдек умр ўтгай,
Бирам гўзал термулади кийикчалар.

Чархи дилнинг тонглари билсайдим
мен,

Кенглари-ю, танглари билсайдим
мен,
Юрагимнинг ранглари билсайдим
мен,
Бирам гўзал термулади кийикчалар.

Нигоҳлари жонимдаги вулқон дейми,
Ё қасди жон, ё жонимга қалқон дейми,
Дунё ўзи бошдан оёқ армон дейми,
Бирам гўзал термулади кийикчалар.

Эҳ, бепоён кўзларига тўйиб бўлмас,
Кўзлар айтган сўзларига тўйиб бўлмас.
Тангрининг бу рўзларига тўйиб бўлмас,
Бирам гўзал термулади кийикчалар.

* * *

Ишонма,
бу дилнинг диллиги ёлғон,
Ишонма,
гулларни бахтларга кўмдим.
Ишонма,
пойимга йиқилган осмон,
Ишонма,
меҳрга зорман бир чимдим.
Ишонма,
изғирин изиллар дилда,
Ишонма,
юрагим ўртанган қақнус,
Ишонма,
ялмоғиз бу ишқми йўлда,
Ишонма,
хорларга кўмилган беҳис.
Ишонма,
гулларга тўлади олам,
Ишонма,
қуёшда тўй қилар тақдир,
Ишонма,
бу алвон кенгликлар кўркам,
Ишонма,
мен сени севаман, ахир.
Ишонма...



Назокат АЗИМ

ТЕНГСИЗЛИК

Ҳикоя



"Тенгсизлик" билишимча, Назокатхоннинг дастлабки машқларидан. Лекин бундан беҳабар одам уни бемалол насрда анча-мунча қўли келиб қолган муаллифнинг асари дейиши мумкин. Демак, аслида қизимизнинг зуваласида ёзувчилик иштиёқи бўлган-у, китобни кўп ўқиб, ҳаётнинг паст-баландини кўп кўргачгина юзага чиққан: ёзмасанг бўлмайди!

Менга ҳикоядаги замон манзараларига тийрак, шўх назар билан қараш, баъзи ижодкорларга хос бўлган сийқаликлардан дадил қочиш, тасвирдаги нозиклик (ўзиям Назокат-да!) хислатлари маъқул кўринди.

Назокат ёзувчи экан! Яхши адиба бўлиб етишсин!

Эркин АЪЗАМ

1

Мен ўсиб-унган "маҳалла" баланд ва ҳашаматли эди. Мантиқозонни эслатувчи "маҳалла"миз ўн икки қаватли, минорасимон бино бўлиб, унинг ҳар бир қавати улкан қасқонга ўхшарди. "Қасқон"да доира бўйлаб жойлашган хонадонларни эса ширин, тузсиз, аччиқ, катта, кичик, думбали, ёғсиз, кўкатли мангиларга қиёсласа бўларди.

Биномизнинг қулф-қалит нималигини билмаган яккаю ягона дарвозаси тўқсон олти хонадонга кириб-чиқувчиларга доимо очиқ эди. Кимдир дарвоза табақаларини тепиб ўтар, кимдир эҳтиёткорлик билан очар, кимдир бу дарвозага парво ҳам қилмас, кимдир уни ҳатто жўнгина қилиб, "эшик" деб ҳам атарди.

Иккита музқаймоқни лаззатнинг чўққиси деб биладиган, бир куннинг ўзида ҳам циркка, ҳам ҳайвонот боғига боришни буюк бахт, деб ўйлайдиган ажойиб бир даврларда юксакликка ошно ёш қалбларимиз, бир қарашда, оддийгина бўлган эшикка нисбатан "дарвоза"дан ўзга сўз қўллашимизга йўл қўймасди.

Уша даврларда дарвозамиз ва унинг атрофи "ҳақиқат кўзгуси" вазифасини ўтарди. Формула, тенглама, шиор, қарғиш, сўкиш шаклида муҳаббат, рашк, нафрат каби туйғулар битилган ёзувлар саккиз ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган маҳалла аҳлининг кадр-қимматини белгилар, ҳаёлда ёки ҳақиқатан шаклланган муносабатларни элу халққа намоён қиларди. Ҳарф таниганимдан бери камолот сари интилувчи ёш жамоанинг энг инобатли фикрлари битилган мазкур

оммавий ахборот воситасини мунтазам равишда кузатиб борарардим. Ўлсам ҳам биров олдида тан олмайдиган зўр ҳаяжон билан аввал ўз номимни, сўнгра мундайроқ ҳис-туйғулар оғушида яқинларимнинг исмларини қидирардим-да, сўнг лоқайдлик ичра бошқа, менга умуман боғлиқ бўлмаган ёзувларни ўқишга киришардим. Бундай номаларнинг энг кўп нусхага кўчирилганларидан бири — "М + 3 = С" тенгламаси нафақат дарвоза олди-орқасини, балки бешинчи қаватимиздан то саккизинчи қаватга элтувчи зиналар атрофини ҳам кўркамлаштирган эди.

Биласиз, кўп қаватли уйларда қўшнилари зинахоналарга бўлиниб кирди-чиқди қилишади, аммо бизда қўшничилик ишлари қаватларга ажралиб амалга ошириларди. Юқорида келтирилган тенглама эса бешинчи қават билан саккизинчи қаватни қўшничилик доираларидан чиқувчи муносабатлар билан боғлаб турарди.

Аммо, келинг, бир бошдан...

Ифоданинг биринчи қўшилувчиси Моҳидил билан битта қаватда турардик. Уйларимизнинг эшиги ёнма-ён бўлгани етмагандек, яна икки оиладаги кир ювиш тадбирларидан кейин тоғораларда пайдо бўлувчи бужмайган кийим-кечаклар ҳам махсус умумий айвончага осиларди. Онам кир осганларида этакларига ўралашиб юрадиган чоғларимдаёқ Моҳидилни кўриб қолсам, бўлди, жанжал-тўполон билан унга ёпишиб олардим. Унча-мунча дарсларини акам ё опамга бажартиргани уйимизга кирганида ҳам, ойиси чиқиб олиб кетмагунча, уни қўйиб юбормасдим.

Ўзим ҳам бир неча баробар ортиги билан уларниқига жавоб ташрифлари буюришни ёдимдан чиқармасдим. Чунки, биринчидан, Моҳидилнинг ака-сингиллари бўлмаганлиги учун, фақат ўзига тегишли алоҳида хонада кечадиган ўйин-қулгуларимиз тартиб, вақт каби шарт-шароитлар билан чегараланмасди. Иккинчидан, ота-онам мактабга чиққаннимда кейин, битта-яримта бошқотирма ўйинлардан ташқари ҳеч қандай ўйинчоқлар билан мени сийламай, китобни эрмак қилишимга имконият яратишгани сабаб, Моҳидилнинг юмшоқ-қаттиқ жониворлар, ухлайдиган, гапирадиган, сув ичадиган кўғирчоқлари; уларнинг уйлари, машиналари, гаражлари ва ҳоказолари билан лиқ тўла хонаси катталар орасидаги зерикарли ҳаётимга ранг-баранглик киритарди.

Аммо, биласиз, ҳаёт лаззатлари ҳисоб-китобни яхши кўради. Толоимга Моҳидил билан дўст бўлиш ёзилган экан, дарров бу саодатим учун товон тўлашимга тўғри келди. Кўча-кўйда ҳам, уйда ҳам меҳмонга шайланган қизалоқдек яسانيб, кўйлақларига мос сочбоғлардан тақиб юрадиган Моҳидилга бўлган содиқлигим орқасидан, менга бахтиёр ёшлигимнинг энг қора доғларидан бири бўлмиш, ҳатто ҳозиргача дилимни тилка-пора қилувчи лақаб тақилган эди: Зулик-хуник, Зулик-хуник!..

Шундай қилиб, мазкур лақаб эгаси "М"нинг юқорими, пасткими кўрсаткичи ҳисобланарди, холос.

Тенгламанинг иккинчи қўшилувчиси эса саккизинчи қаватда яшовчи Гуля опанинг ўғли Зикир эди.

Ўғли Зикирни кийимларига монанд ширинсухан ва сертабассум Моҳишга қўшиб қўядиган Гуля опа, мени унча хушламасди. Зикирнинг қўлига пул тутқазиб, "ўзинг яққа борма, Моҳишка билан музқаймоқ еб келинглар", дея уларни қўл ушлатиб дўконга жўнатишлари менинг ҳасадимни келтирар эди. Шўхликни ҳаддан ташқари ошириб юборган чоғларимизда Моҳидилни олдига қақриб, "кийимларингни қара, шу иш сенга ярашадими?" дея дугонанинг бошини силашлари, менга эса қовоғини солиб, "Зулхумор, ўйинга бор. Ювиниб чиқ!" деб турткилашлари жаҳдимни чиқарди.

Аммо мен нафақат Моҳидил ўйлаб топган ўйинларда, балки Гуля опа томонидан ташкил этиладиган музқаймоқ ейиш шодиёналарида ҳам фаол иштирок этишни қанда қилмасдим. Битта майизни қирқ киши бўлишиб еганини муболага дегувчилар, билинги, икки болаканинг битта музқаймоқни паққос туширишида ҳам ҳикмат кўп. Чунки шахсий кузатувларимга қараганда, кимдир тезда оғизга солинмаса, эриб адо бўлувчи мана шу бахтни қўлида маҳкам ушлаганча ейди, кимдир аҳён-аҳёнда ялайди...

2

Орамизда саккиз йиллик фарқ бўлган опамга нисбатан менга ёш жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан (яъни тантиқлик даражаси бўйича) ҳам анча яқин бўлган Моҳидилни аввал ойиси опамга қўшиб мактабга юборарди, кейинчалик, опам мактабни битиргач, мени Моҳидилнинг ўзи мактабга олиб борадиган бўлди.

Адашмасам, айнаи ўша пайтлардан бошлаб, саккизинчи қават саҳнида эшикларимизнинг очилишини кутиб турадиган Зикирнинг зиналарни дупурлатиб сакраб тушиши эшитиларди. Сўнг у мактабга етгунимизча уч қаватга тенг масофанинг текисликдаги проекциясини сақлаган ҳолда бизни мактабгача кузатиб борарди.

Моҳидилдан икки синф пастда ўқиганлигим учун дарсларим эртарақ тугардию дугонани кутиш баҳонаси билан мактаб ҳовлисида арқондан сакраш, чизиқда дикирлаш каби ўйинларни маромига етказиб турардим.

Баъзан бۇ ўйинларимизга Зикир ҳам қўшиларди. Қор-ёмғир туфайлими, попкамдаги битта-яримта "уч" туфайлими, ўйинга ҳушим бўлмай турган пайтларда, Зикир ёнимга келиб мени гапга соларди. У билан суҳбатларимиз тахминан: "— Моҳидил қани? — Дарсда. — Уйга қачон кетасизлар? — Ишинг нима?" тарзида қисқа ва кўрсроқ шаклга эга бўлса-да, юқори синфдаги бўйи узун, сочлари доимо теккис таралган, шериклари сингари елкасига ранг-баранг хуржун эмас, тўртбурчак портфель осиб юрувчи хушрўй боланинг айнан мен билан гаплашиши синфдошларим ўртасида ўзгача ҳурмат қозонишим учун етарли эди.

Каттароқ синфларга ўтганимизда Моҳидил мусиқа оҳангига унча-мунча қўл қимирлатадиган қизлар қатори мактабимизда очилган рақс тўғарагига танлаб олинди. Уни энди машғулоти тугагунча кутадиган бўлдим. Дугоним пойлайвериб зериккан итоатгўй кўзларимга раҳми келибми ёки қизларга хос сезгирлик билан шу атрофда ўралашиб юрган Зикирдан ҳар эҳтимолга қарши мени нарироқда тутиш учунми, каминани ҳам таниш-билишчилик билан тўғаракча ёздириб қўйди-ю, мен бечоранинг ҳалиги лақабим ўз долзарблигини янги куч билан намён қила бошлади: Зулик—хуник, Зулик-хуник!..

Жисмоний тарбия дарсининг меъёрларини аранг "уч"га бажара оладиган "чаққонлигим" билан рақс ҳаракатларини бетиним бузишим орқасидан эшитмаган даққиларим қолмаганига қарамай, икки йил ичида тўғарагимиз олди бўлмиш тўртта раққосанинг бирига айландим, Моҳидил эса ҳамма одобли қизлар юбка кийганда "мини"да, ҳамма шимга ўтганда "шортик"да юрувчи, "гап-сўз" деган балоларни писанд қилмайдиган жасур қиз бўлиб етишди.

Орада Моҳидилнинг отаси оиласини ташлаб, бошқа аёлга уйланди, мен эса келин ва куёвларга эга бўлган ҳурматли оиланинг кенжатоғи сифатида "бир оз эрка бўлса ҳам, яхши қиз" деган янги мақомни олдим.

Моҳидил мактабни битириб, санъат институтига, маданият университетигами ҳужжатларини топширди. Унинг ижодий имтиҳонларнинг ўзидаёқ йиқилгани оиламизда ҳар томонлама ўрганилганидан сўнг, менга махсус ўқитувчилар ёлланадиган бўлди, янги кийим-кечаклари ортиқча театр-киноларга қўшиб, рақсга ўхшаш "бекорчилик"ларим ҳам таг-туғи билан кесиб ташланди.

Кейинги бир йил ичида опамни эрга беришимиз, акамнинг уйлантирилиши билан боғлиқ ташвишлар; менинг ўқишга муккасидан кетишим Моҳидил билан алоқаларимизнинг сусайишига олиб келмаган бўлса ҳам, ҳар қалай, кейинги ривожига тўсқинлик қилди.

3

Шундай бўлишига қарамай, бир куни Моҳидил уйимизга бир сават олма кўтарганча кириб келди. Ҳамжиҳатлик билан икковлон мураббо тайёрлашга киришдик.

Мен ювиб бераётган олмаларни чаққонликча пўстидан халос этаркан Моҳидил мақсадга кўчди:

— Зулхумор, бугун-эрта бирор иш-пишинг борми? Моҳишнинг сўзларни жуфт-жуфт қилиб гапириш одатига тақлидан:

— Олма-полма олиб келмаганимда ҳеч нарса билан шуғулланмаган бўлардим, — дедим. Дедим-у, кеча домлам эртагача ечишни буюриб кетган олтига масала каби "ҳеч нарса"лар ёдимга тушди.

— Битта иш бор эди, — деди у. — Ҳам дам олиб келамиз, ҳам оз-моз пулли бўлиб олардик.

— Зўр-у! Шунақаси ҳам бўларканми? — дея қўлимни сочққа артганча Моҳишга тикидим.

Моҳидил эса спиралсимон ленталарга айланган олма пўчоқларидан кўзини узмай юрагини ёрди:



— Сенга айтмоқчи эмасдим... Аммо иложим йўқ. Мен бир-иккита қизлар билан рақс дастаси тузганман... Уч-тўрт ойдан бери ресторани-песторанларда рақс тушяймиз. Ҳақиқат-пўқишга киришга ҳали вақт бор, бир нарса билан шуғулланиш керак-ку! Аксига олиб, бугун битта шеригимиз касал бўлиб қолибди... Ёрдам-пордам бермасанг бўлмайди.

Менинг ҳайратим янаям ошди. Вой, Моҳидил-ей! Зўр дугонам бор-да!.. Аммо нима учун шу пайтгача бундай муҳим нарсалардан хабарим йўқлиги бирдан хаёлимдан ўтди-ю, ичимдан отилиб чиқаётган завқни бекитиш учун қовоғимни солиб олдим.

— Мен бора олмасам керак, — дедим, унинг қизиқарли ҳаётига ҳавасим келса ҳам ясама беҳафсалалик билан. — Бизникиларни биласан...

— Биладан. Аммо зўр буюртма эди-да... Битта бойваччанинг Чорвоқдаги далаҳовлисига боришимиз керак. Икки соатда бўшаймиз. Кейин ўзимиз ҳам чўмилиб-пўмилиб қайтамиз. Ҳар биримизга эллик доллардан тўларкан. Ўзинг ўйлаб кўр! Бу унақа-бунақа пулмас. Ҳар доим ҳам шунча тўлашавермайди.

Бунча пулни ҳатто қўлимга ҳам ушламаганлигимдан довдираб:

— Ярим йилдан бери рақс билан шуғулланмаяпман, чиқиб қолган бўлсам керак, — дедим иккилашиб.

— Кўйсанг-чи, Зулхумор, рақс ҳам велосипеддек гап, бир марта ўрганган одам...

— Ойимга нима деймиз?

— Бизнинг дача-пачамизга кетяпмиз деймиз-кўямиз.

— Сени ойингдан сўрасалар-чи?

— Улар касалхонадалар. Келганларида ҳақиқатдан ҳам дачага борган эдик, деб пишитиб-нетиб кўйсам бўлди, — деди Моҳидил.

У иккиланаётганимни кўриб, энг нозик жойимдан ушлади:

— Кийим-пийимларингга қара, опангнинг эски-тускисини кийиб юраверасанми?

— Сингилнинг фожеаси ҳам шу-да, — дерканман, икки йил бурун урф бўлган узун тумшукли туфлимнинг йўлакда пойма-пой мунғайиб туришига ўқсиб қарадим. Лекин барибир кўнмадим, бошимни сарак-сарак қилганча, Моҳидилнинг гапларига ҳам, туфлимга ҳам бошқа аҳамият бермасликка ўзимча аҳд қилиб, арчилган олмаларни тўғрашга киришдим.

Моҳидил ишини тўхтатиб, суянчиқсиз курсиларимиздан бирига ўтирди.

— Зуля, илтимос, "йўқ" демагин. Ўлай агар, бошқа иложим йўқ. Ойим ўтган йилги опрециядан кейин ҳеч ўзларига келолмаптилар. Ҳар ой касалхонадалар. Ҳозир шу буюртмадан қуруқ қолсам... — деркан, Моҳидилнинг кўзига ёш келди.

Эллик доллар... дарс ўрнига дам олиш... ўйин-қулги... яна бу ёшлар... Ўлай агар, менинг кўнглим бўш эмас... Аммо ёшлигимизда сингиллари бор қизларга ҳаваси келиб, ёгин-чочиндан кейинги сайрларимиздан сўнг "бўтиг"имдаги лойларни чўп билан тозалайдиган, ранг-тусимни бўғиб қўювчи опамдан қолган қора сурма ўрнига афт-ангоримга ярашувчи тўқ жигаранг қалам совга қилган, доимо мени нафосат сари ундовчи дугонанинг менга зор бўлиб тикилган нигоҳига дош беролмадим. "Хўп, майли" дея иккита тасдиқ юкласини бирдан қўллаб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

Моҳидил сакраб ўрнидан турди-да, юзимдан чўппилатиб ўпди.

— Гап битта, — деди у. — Кечкурун бизникига чиқсанг, қизлар келишади, рақс-пақсларни озгина қайтариб олишинг керак. Костюм-постюмларни ҳам олиб келганман. Ювиб, дазмоллаб кўямиз. Эрталабга тахт бўлиб турсанг, ўнларда жўнаймиз...

Сўнг олмаларни чаққонлик билан тўғраб катта тоғорамизга жойлай бошлади.

Банкаларга жойлаштирилган мураббони кўриб, пишган олмадек юмшаган ойимдан икки тўй хизматида ҳориган, яна репетиторларнинг қўлига тушиб хўп азобларни бошидан кечираётган қизларининг бир кунгина дам олишига рухсат олиш анча осон кечди.

4

Йўловчиларнинг мавқеи уларнинг машинада эгаллаган ўринларидан билинади. Орқа ўриндиқнинг ўртасида, одатда, ёши кичик одам ўтиради — бу мен, албатта. Хореография билим юртини битиришганига қарамай, келажакда қўшиқчи бўлиш орзусида ёнаётган Фотима ва Зухралар икки тарафимдан жой олишган. Улар кечалари Моҳидилнинг дастасида пул ишлашаркан, кундузлари консерватория ўқитувчиларидан таълим олиб, эстрада қўшиқчилиги факультетига кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришар экан. Моҳидил машина эгасига энг яқин одам сифатида ҳайдовчининг ёнидаги жойни эгаллаган. Ҳайдовчимиз эса саккизинчи қаватда яшайдиган қўшнимиз — Зикирвойнинг ўзлари. Моҳидил эрталаб уни менга "дастамиз, продюсери" деб ўзича бошқатдан таништирган бўлса-да, у шароитга қараб турлича вазифаларни бажараркан. Баъзида ҳозиргидай аравакашлик қилса, баъзан кўрикчи, баъзан хазиначи, баъзан маъмур, мижозлар бўйича директор каби катта-кичик мансаблардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга маъсул ходим сифатида қизларнинг оғирини енгил қилар экан.

Бундан ташқари Зикир камгап Зухрага тегажоглик қилиб, Моҳидилни ярим чин, ярим ҳазил рашкини келтириб ҳам турар экан.

Зикир йўл бўйи Зухрага "Зухруша, битта ашула айтиб бер!", "Зухратик, қўлингдан битта ушлай, кейин катта ашулачи бўлиб кетганинга "шу юлдузу Зухрони қўлидан ушлаганман" деб мақтаниб юраман" каби илтимослар қилар, Моҳидил эса унинг елкасию билагига тарсиллатиб-тарсиллатиб шапалоқлар туширарди. Зикир тарсакилардан баттар қувониб кулар, "Зухра, бунга аҳамият берма. Моҳидил кеча мени мантига рашк қилган, ишонасанми? Мантинг ўзингданам ширин чиқибди, деганимга ҳам калтак еганман", деб яна Зухрага гап отишни авжига чиқарарди. Зухра эса унинг суюқ-қуюқ гапларига "хумпар", "вой, хумпар", "хумпар-ей!", "ўл, хумпар" каби қисқа ва лўнда жавоблар берарди.

Ҳар хил тузли-тузсиз гап-сўзлар билан Чорвоққа етиб келганимизда қўёш тик бўлганди. Зикир "иш юзасидан" бир кунга олинган дадасининг машинасини қирғоқ томонга эҳтиёткорлик билан буриб тўхтатди.

"Кимўзар"га сувомбор томон чопарканмиз, орқада кимдир қоқилиб йиқилганини эшитдим. Қарасам — Моҳидил. Дугонам оёғини ушлаганча инграётган эди. Энди унинг олдига бориб ёрдам бермоқчийдим, Фотима қўлимдан тортиб, мени олдинга судради-да, қулоғимга: "классик приёмлардан бирини маҳорат билан бажарди, қўявер", деб шивирлаб, қиқирлаганча мени сувга итариб юборди. Қўққисдан сувга тушганимдан энтикиб, нафасимни аранг ростлагач, атрофга қарадим. Тоғлар, тепаликлар, баландликлар... Харсанг тошлар, шағал, қум... Сал нарироқда эса Зикир... Зикирнинг қўлида Моҳидил... Моҳидилнинг узун қора сочлари йигитнинг мушаклар ўйнаган елкасини силагандек енгил ҳилпираб — гўё икки ёшнинг туйғуларини биздан яширишга уринарди.

Ҳар баҳор ҳовлингиздаги ўрикнинг гуллаганини кўргансиз. Аммо "ажойиб кунларнинг бирида" килоси икки минг сўмлик мева соладиган дарахт кўнглингизга шундай ажиб илиқлик бахш этадики, унга маҳлиё бўлганча, қандайдир мўъжизага қарагандек тикилиб

қоласиз! Мен ҳам шалаббоси чиққан кўйлагимни тартибга солишга уринарканман, Моҳидил билан Зикирдан кўзларимни узолмайман. Улар гўё бир тана бир жондек кетиб боришар, қийин масаланинг моҳиятига етиб, "севги" деб аталмиш мавҳум "икс"нинг қийматини ниҳоят топган ўқувчилардек бахтиёр эдилар.

Уларнинг кайфиятлари опа-сингилларга ҳам ўтди, ёки тоғнинг ҳавоси ҳаммамизга бирдек кўтаринкилик бахш этди, билмайману, лекин Фотима ҳам уларга қараб:

— Мана буни қўшиқ деса бўлади... — деб қолди. —

Шеър билан куй бир-бирига мос келса...

Зухра ҳам опасининг гапини маъқуллади:

— Хумпарлар-ей...

5

Соат олтиларда машина атрофида сочилган ашқолдашқолларимизни йиғиштиргач, атир-упа халталаримизни чиқариб бўянишни бошлаб юбордик. Упамни олиб энди юзимга суркашимни биламан, Фотима бир нима сурилган нам пахтани бурнимнинг тагига суққанча танбех бера кетди:

— Фонограммага тушолмайдиган ҳаваскор бўлмай кет! Биринчи, мана бу билан эрталаб сурган бўёқларингни артиб ташла! Тери ҳам дам олиши керак. Бунақа кетишда ўттиз ёшингда юзинг ажинга тўлади.

Қулидан пахтани олиб артарканман:

— Нима бу ўзи, Фотима опа? — деб сўрадим.

Опа-сингил менга ҳайрон бўлиб тикилишди.

— Хумпармисан, нима бало? — деди Зухра биринчиликни қўлга олиб.

Фотима эса халтасидан мўралаб турган чиройликкина идишга ишора қилиб:

— Лосьон, — деди.

Сўнг киприк ёпиштиришга киришаркан, менга "насиҳат" қила бошлади:

— Хали айтганларимиз эсингдан чиқмасин, мижознинг дарвозасидан киришимиз билан, мен Лорага, Зухра Норага, Моҳидил эса Камилага айланади.

— Энг асосийси, ўзингнинг отингни эсингда тутсанг бўлди. Тагин Карина деб чақирсак, ким экан деб анқайиб-панқайиб ўтирмагин, — деб шеригимизнинг гапини давом эттирди Моҳидил.

Сўнг опа-сингиллар орасида нимадан иш бошлашимни билмай турганимни кўриб, мени ёнига ўтказди-да: "кўзингни юмиб тур", "гапирма", "қошингни кер", "лабингни тилинг билан ҳўлла", "оз-моз оғзингни оч" каби буйруқлар билан ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас ўн олти ёшлик жамалимни йигирма бешга тенглаштирди-қўйди.

Бўяш давомида ота-онам қўйган исмининг уларга нимаси ёқмаслигини изоҳлашга ҳам улгурди:

— Қоида шунақа. Ресторанда ҳам, клуб-млубларда ҳам ҳеч ким ҳақиқий исmlаримизни билмайди. Бундан ташқари, у ердагилар бизни фақат бўянган, ясан-тусанган ҳолда кўришади... Агар сени рақс шайдоларидан бирортаси кўча-кўйда таниб-нетиб қолгудай бўлса ҳам, — деди истеҳзо билан Моҳидил, — исмингни эслай олмайди, чунки исmlар ўхшаш: Камила-Карина, Лора-Нора... Кейин "мени кимдир билан адаштиряпсиз, шекилли" дейсан, айниқса, олдингда хижолат-сижолат бўладиган одамнинг бўлса... Барибир раққоса, қўшиқчи-пўшиқчиларга муносабат яхши эмас. Бундай найрангларсиз бошинг балодан чиқмайди... Бўлди, Зулик-хуник! Бир тамоша қилинг-чи ўзингизни...

Ойнага қарасам, ҳақиқатдан ҳам Зулик-хуник менга қараб турибди. Афт-ангоримнинг табиий ранги тугул, қовоғимни солсам ҳам, йиғласам ҳам юзимга ажабговур хушчаққақлик бахш этиб турувчи сепкилларимдан ҳагто ном-нишон қолмабди. Қошларим куя суркалгандек қоп-

қора. Киприкларимнинг нотабиий узунлиги, қовоқларимнинг жигарангнинг уч хил тусида дўрдайиши унча-мунча китоб кўрган кўзларимни қандайдир бемаъно қилиб қўйгандек. Аввал қизил қалам билан янги шакл чизилиб, кейин бўялган лабларимнинг чўччайишини энди ҳақиқатдан ҳам лақабимдаги зулукка ўхшатса бўлади. Аччиғим чиқиб, ойнани Моҳидилга отиб юбордим:

— Моҳиш, тентакмисан? Нима қилганинг бу? Фирт аунундақ қизларга ўхшаб қолибман-ку!

Моҳидил отилган ойнани чаққонлик билан тутиб олди.

— Ўзинг тентаксан. Нима, соп-сода кўзлариму онаси ўпмаган лабларим билан Моҳиш саҳнага чиқариб қўяди, деб ўйладингми? — деди у менга синчковлик билан қараркан. — Учрашувга кетмаяпсан, билиб қўй! Мақсад — саҳнада чиройли кўриниш, қолгани билан иш-пишинг бўлмасин.

Атрофимда ўтирган Фотима-Зухралар ҳам парвойи фалак мени томоша қилишаркан, каттаси ярим ҳазил, ярим чин макиямизга баҳо берди:

— Зуля, санъат музейига бормаганмисан? Ўзингга энг ёқадиغان расмнинг яқинига бориб қарасанг, суратлар алқаш-чулқаш бўлиб кетади, узоқроққа ўтиб томоша қилсанг, улар яна ўзига келади. Сен ҳам ҳозир ўшанақа расмдексан.

Унинг эътирозларга ўрин қолдирмайдиган тушунтиришидан сўнг, Зухранинг "Мана шунақа, хумпарлар..." деб бошланган гапини эшитгим ҳам келмади. Мендек "санъат асари"ни яратган "муаллим"га ўқрайишдан ортиқ хунарим ўтмаслигини тушуниб, машинадаги жойимни эгалладим.

6

Баланд деворлар билан ўралган каттагина ҳовлига кирамиз.

Бирдан бошланғич синфдаги устозим кўлимизга олишни ҳам қатъиян маън этган "Диктантлар тўплами"ни ўғринча очиб ўқиётганимдаги ҳаяжон ва саросима мени чулғади.

Атрофга қарайман. Кираверишда бирор геометрик шаклдан кўра кўпроқ логинча "S" ҳарфини эслатувчи саёзгина ҳовуз. Тубидаги тошларга бойланган нилуфар гулларини масхаралаётгандек жипирлаган балиқчаларнинг ўйноқлаши сув бетидаги сокинликка путур етказолмагандек, бизнинг бу ерларда дикирлаб пайдо бўлишимиз ҳам на бировни саросамага салади, на тинчини бўзади. Ялангни гўё тартибсиз равишда бир неча қисмга бўлган бир қанча тош йўлкачалар ҳовли ўртасига солинган уч қаватли қасрчага олиб бораркан, ердан бир қарич кўтарилган фонусларни гоҳ айланиб ўтади, гоҳ тўқнаш келиб иккига ажралади. Ерга ётқизилган кўм-кўк чимнинг бир текисда ўрилган "олифта"лигини ҳисобга олмаса, бинонинг бор кўркини яширмаслик учун аҳён-аҳёнда экилган одам бўйидан пастроқ буталар, шохлари тарвақайлаган баҳайбат гуллар, пакана арчалар, "катта" одамнинг камтар хизматкорлари каби боадаб. Йўлакчаларнинг у ён-бу ёнидаги бўйи мана шу арчалардан паст бўлмаган хумлар ҳам қориндор бўлишларига қарамай, баъзилари дарз кетганлиги, баъзилари эса рангларининг ўчиқлиги орқасидан камсуқумликда юқоридагилар билан баҳслашади.

Зикир кўриниши билан бизни ичкарига киритган, юзларига мўмин-қобиллик ярашмаган икки йигитдан бири йўл бошлаб, ҳаммамизни қасрча ичидаги элик беш ёшлар чамасидаги аёлга топширди. Аёл эътирозларимизга аҳамият бермай йигитнинг қулидан юкларимизни бир қисмини юлқиб олди-да, татарча чаққонлик билан иккинчи қаватга қараб кетди. Ҳаммамиз унинг орқасидан ўзимизни зинага урдик. Моҳидил тепада аёлга етиб олгач, бизга иккинчи қават ноқулайлигини, ҳар битта рақса



алоҳида кийиниб чиқишимиз учун хонамиз иложи борича саҳнага яқин бўлиши кераклигини тушунтираркан, мен панжарага осилиб пастдаги каттагина меҳмонхонани томоша қилишга тушдим. Чап томондаги кичкина сунъий шаршаранинг атрофини ўраб; хонани шартли равишда иккига бўлган оқиш диван-креслолару худди шу рангдаги пахмоқ гиламдан бўлак замонавий жиҳозлардан холи бу хонада кўргазма уюштирилгандек эди. Бу ерда ҳам ҳовлидаги сингари эски хумлардан бир нечтаси ўз одмилиги билан гердаярди. Девордаги тоқчаларга, четроқдаги узун-қисқа курсию столчаларга терилган турли хил ҳайкалчалар, қанақадир қадимги идиш-товоқлар, мис патнислар, лаганлар, кумғон ва кўзаларга тушган кўзим қайси бирига диққат қилишини билмай сарсон эди.

— Яна бир қоида, — деди Моҳидил мени пастга судрар экан, — мижозларнинг нарса-парсаларига анқаймаслик керак.

Хола эса энди узр сўрай бошлади:

— Вой, мен ўлмасам, сизларни хўжайиннинг меҳмонлари деб ўйлабман, ҳозир сизларбоп жой ҳозирлайман, — деганича, яна ўша чаққонлик билан биринчи қаватдаги хоналарнинг бирига равона бўлди.

Бизга ажратилган хонага кириб, кийимларимизни алмаштирарканмиз, қора ойнали деразадан ташқарига мўралаб, рақсга тушишимиз керак бўлган жойни чамалашга киришдик. Қасрнинг биз ҳали ўтмаган орқа тарафидаги ҳовлидан беш-олти қарич тепароқ қилиб кўтарилган, диаметри беш-олти метрли рақс майдончаси деразадан кўриниб турарди. Майдонча билан каттакон тўртбурчак чўмилиш ҳавзаси орасига қўйилган думалоқ стол атрофида ўнгача эркак базму-сафо қилишарди.

Семиз, озгин, пакана, новча, келишган, хунук одамларни ўз атрофига йиққан дастурхон турли хил таомлару ичимликлар билан лиммо-лим. Дастурхоннинг бўшаб қолишидан кўрққандек стол атрофида айланиб юрган икки йигитча дамба-дам ликопларни алмаштириб туриш, қадаҳларни тўлдириш билан овора эдилар. Тўлдирилиши заҳоти оҳанрабо каби бир-бирига урилувчи қадаҳлар зарбидан ҳосил бўлган "столнинг тортишиш кучи" "рақс шайдолари"ни дастурхондан бир қадам ҳам нари жилдирмасди.

7

Ярим соатдан кейин дастуримизни бошлаб юбордик. Аввал Моҳидилнинг ўзи чиқиб "Настарин"га тушди, кейин биз докапарангларимизни сикитганча, секин унга кўшилдик. Босиқроқ ўйинлардан бошланган номерларимиз, аввал Хоразм рақсига алмашди, кейин дўличасига оғишди. Стол атрофидигиларнинг баъзилари курсиларини саҳнага қаратиб ўтириб олишди, баъзилари туриб томоша қилишга киришишди. Улар ора-сирада пул узатишар, қизлар чаққон ҳаракатлар билан бармоқларининг учиди беш юзталиқ, мингталиқ қоғозларни сугуриб олишарди. Эгизаклар бир-икки марта столни айланиб, пул чиқариш нияти бўлмаганларни ҳам "соғиб" келишди.

Навбатдаги рақсга Моҳидил иккаламиз либосхонамизда тайёргарлик кўрарканмиз, шеригим опа-сингилларнинг ликиллашини кузата туриб, менга пўписа қилди:

— Стол-пстолнинг олдига умуман яқинлашма, эшитдингми? Сен ўзингни қанақа тутишни билмайсан. Тагин қовун-повун тушириб юрмагин!

Мен испанча юбканинг этакларига ўралашиб, ўзимни тартибга соларканман:

— Кўзим учиб тургани йўқ ҳалиям. Аммо ҳов анови семизни кўрдингми? Ўйин тугаши билан орқамдан ёпишиб, столга таклиф қиялпти, — дедим.

— Бунақа пайтда уларга терс гапириб-нетиб

бўлмайди. Ҳаммаси ичиб олган. Семизингга "хўп, яна бир соатлик дастуримиз бор, кейин гаплашамиз", дегин.

Мен унга ҳайрон бўлиб қарайман.

— Анқайма, кийин тезроқ. Иккита рақсимиз қолди. Ўйнаимизу, орқа-порқароқдаги эшиқдан секин жўнаб қоламиз...

— Унақа десам, — дейман ташвишланиб, — яна бир соат рақсга тушмагунимизча пул беришмасачи?

— Сиз хавотир олмай кўя қолинг энди! Пул-муллар ҳали киришимиз билан олиб бўлинган. Олдиндан тўламаса, биров рақсга тушармиди? Ҳаммасини олганми, даврада тушган пул-мулларни ҳали қайтаётганимизда биргалашиб машинада бўлишамиз.

Охири рақсни тугатиб, ҳаммамиз хонанинг ўртасидаги катта катга уюлган кийимлар орасидан футболкаю жинсиларимизни топиб киярканмиз, Моҳиш энди эгизакларни шошилтиришга киришди:

— Тез-тез бўлинглар, қизлар! Жуфтакни ростлаш керак. Ановилар, — деди у столдагиларга ишора қилиб, — қоппа-қотиб қолибди.

Сумкасига костюмларни шошилмай тахлаётган Фотима, ҳар доимгидек синглиси иккиси номидан гапира бошлади:

— Зикир "хўжайиннинг шахсий студияси бор экан", деяпти. Кейинчалик клипимизни ёзишга ёрдами тегиши мумкин эмиш. Бугун қолишсин, гаплашиб оламиз, деганмиш. Кейин яна рақсга тушсак, пулни икки баравар қилиб беришаркан. Зикир келишиб кўйибди. Биз қолсак керак.

Моҳидил икки муштини оғзига тираганча Фотиманинг гапларини эшитаркан, тобора бўшашиб бораётган бармоқларини ёйиб, юзини ишқалади. Юзидаги бўёқлар бир-бирига чапланиб, энди ҳақиқатдан ҳам дугонанинг санъат музейидаги расмлардан фарқи қолмади. Хаёлга ботгандай секингина деразанинг олдига бориб, бир оз ташқарига аланглагач, "кўринмаяпти бу ёқда", деди-да диванининг бир чеккасига ўтирди. Бир оздан сўнг мени "продюсер"имизни чақириб келишга жўнатди.

Ташқарига чиқишим билан ҳалиги семиз кичига дуч келдим. Пойлаб турганми, нима бало?

— Карина, Карина, девочка нимфетка..., мармеладка..., конфетка, — дея хиргойи қилганича, у мен томонга кела бошлади. — Вай-бў, исмингиз ҳам жисмингизга мос экан.

У менга паншахадек қўлини чўзди. Менга тобора яқинлашаётган дўрсиллама панжаларга кимёвий реактивларга қарагандек, бир оз ҳайро-о-о-н бўлиб қарадим-да, дарров юзимга кимё ўқитувчимизда синаб кўрилган "бечора қиз" (бунда лаблар бир оз тепага кўтарилади, қовоқлар очилади, кўзлар иложи борича катталаштирилиб, уларда илтижо аралаш ҳурмат акс эттирилади, киприклар эса мусичанинг қанотларидек титрашга тушади) ифодасини бердим.

— Зикир акамни кўрмадингизми? — дедим сўнг маъюсина.

Н₂Одан бошқа нарсани билмайдиган бошимни "уч"ли аттестат балосидан сақлаб қолган жонсарак нигоҳиму ўтсиз овозим "семиз"нинг ҳам чўгини анча сусайтирди чоғи, у "ҳозир топамиз, ҳозир топамиз..." дея лапанлаганча қаергадир йўқ бўлди. Мен эса қасрча деворларини йўлак билан бирлаштирувчи бостирма тагига ўзимни олдим.

Шу пайт дастурхон ва дастурхон атрофидагиларга хизмат қилиб юрган "сунъий йўлдошлар" ўтиб кетишаркан, уларнинг гаплари қулоғимга чалиниб қолди:

— ... устидан ҳамма машмаша, — деди улардан бири патнисини чертаркан.

— Ўзиям свежий экан-да! — маъқуллади шериги.

Уларнинг орқасидан "семиз" ҳам Зикирни елкасидан кучганча қайтиб келди.

— Братишка, бугун қолмасаларинг бўлмайди. Вай-бў, мазза-ку! - деди семиз киши иршайганча.

— Ака, гаплашиб кўраман, — деб жавоб берди Зикир каловланиб.

Менга кўзи тушиши билан "ичкарига кир" дегандек ишора қилди-да:

— Айтинг, хўжайин хафа бўлмасинлар... Насиб қилса, бошқа сафар.., — дея "музокара"ни давом эттирди.

8

Зикир кириши билан Моҳидил эшикни тарсиллатганча ёпди-да, уни кўкрагидан итариб диванга ўтқизди.

— Менга қара, Зикир, ҳозиргина менга "хўжайин" маданият институтининг проректори-мроректорими экан, ўқиш-пўқишга жойлаштириб қўйиши мумкин экан, дейётган эдинг-ку, энди медиа магнатга айланибди-да? Йўқ дедим, шекилли, эшитмадингми? Қизларнинг бошини нега қотириясан?

— Моҳиш, сен қолгинг келмаса олиб бориб қўяман, гап йўқ. Қизлар қолишади. Ҳеч ким зўрлаётгани йўқ. Ким хоҳласа қолади. Пулини ҳам двойной беришади. Нимаси ёмон?

— Моҳиш-поҳишлама, бу ерда. Ўзингни гўлликка ҳам солма. Мен мана бу иккитасига ўхшаган аҳмоқ эмасман. Ҳали хола биз билан адаштирган қизлар келмади. Бизни ўшаларнинг ўрнини босишга чақиршияпти. Балки сенга ҳам қўшиб-пўшиб берамиз, дейишгандир? Қўшмачилигинг учун, а?

Зикир бошини ҳовучлаб бир пас индамай ўтирди-да, кейин тилга кирди:

— Моҳиш, қўйишмаяпти, мен ҳам нима қилай? Дарвозани ёпиб қўямиз дейишяпти. Бир кун минг кун эмас-ку? Пулини ҳам берамиз...

Моҳидил яна туюқди:

— Бўлди қил. Пулинг ҳам, ўзинг ҳам... — Кейин ҳозир Зикир билан пачакилашишнинг мавриди эмаслигини тушунди шекилли, ҳовурини маъданли сув билан ўчириб, сўради: — Иккаласи қолса уларга етарканми?

Бу гаплардан кейин Фотима ялингансимон оҳангда:

— Вой, биз қолмаймиз, Моҳиш. Мен аҳмоқ буларни бошқача тушунибман, — дея кийимларини кўрилмаган чаққонлик билан йиғиштиришга киришди. — Зикирнинг нотани бузиб ашула айтиши хаёлимга келмабди.

Зухра эса:

— Хумпар, барибир хумпар экан! — деб, эгнидаги рақс кўйлагини йиртгандек ечиб ташлади.

Моҳидил уларга аҳамият бермасдан Зикирга қаради. Зикир пийпаланиб:

— Ҳа, бўлади, шунга ҳам хурсанд бўлишади, — деди

— Бўлмаса, бунақа, ҳозир чиқасан-да, иккитаси қоларкан, қолганларини шаҳарга элтиб-нейтиб қўйишим керак, дейсан. Тушундингми? Кейин машинани тайёрлаб турсанг, биз чиқамиз. Булар ҳам бизни қузата-пузатаётган одамдек ташқарига чиқишади. Ҳаммамиз тез машинага ўтириб олганимиздан кейин, газни босасан.

9

Режа ўхшади. Моҳидил иккаламиз орқа ўриндиққа жойлашганимизданоқ, эшикни ёпмасимиздан эгизакларнинг бири олдинга, иккинчиси орқа ўриндиққа сакраб ўтиришди-да, дарвоза ёнидаги сархуш йигитларнинг хуштақларию қийқириқлари остида жилидик. Катта кўчага чиқиб, энди нафасимизни ростлаётган эдик, орқадан машиналарнинг тўхтовсиз сигнали эшитилди. Моҳидил бизларни итариб тиззаси билан ўриндиққа тескари ўтираркан, иккита машина изимиздан тушганлигидан хабар берди. "Мерс", деб қўйди Зикир. Барчамизнинг "газни бос, тезроқ, етиб олишади"

каби бақир-чақирларимиз остида Зикир бор ҳайдовчилик уқувини ишга солса ҳам, ўн дақиқа ўтар-ўтмас, орқадаги машиналардан бири олдимизга чиқиб олди. Икки "немис"нинг ўртасида қолган ўзбек уловимизни тўхтатишдан бошқа чора қолмади.

Мен машинамизни ўраб олган йигитларнинг важоҳатларидан қўрққанимданми, жаҳл устидами "инсон ҳуқуқлари", "конституция", "қонун олдида жавоб беришади" дея валдирай бошлаган эдим, Моҳидил тирсаги билан белимга бир туширди-да:

— Ўчир. Одамга ўхшасанг-чи! Башаранг-машарангни ёриб қўйишмасин тагин. "Семизинг"нинг важоҳатини кўрмайпсанми? Ҳеч ким машинадан чиқмасин! Ҳозир ўзим гаплашаман улар билан, — деганича ўрнидан қўзғалди.

Машинадан тушиши билан уни ўраб олган йигитлар билан бир нарсаларни гаплашгач, икки дақиқа ўтар-ўтмас олдимизга қайтиб келган Моҳидил бизга қарамай Зикирдан:

— Пул-муллар қани? — деб сўради.

Зикир ёнидаги ўриндиққа ишора қилиб:

— Жойида, — деди.

Фотима машинадан ташқарига чиқмай, қўл тормози устидан ҳатлаб орқага ўтиб олди. Моҳидил ўриндиқни кўтариб пийпаланаркан, икки соат олдин стол атрофида бизларни табассум билан олқишлаган кишилардан иккитаси ҳайдовчи томондаги эшикни очишди.

— Укам, ҳаммаси кўнади, деб қўювдинг-ку! Келишув нима бўлди? Қани, соққаларни буёққа чўзи-чи! — деди бўйи пастроғи.

Бўйи узун жиртакироқ экан: ранги бўзарган, қўллари қалтираган Зикирни ёқасида ушлаб машинадан ташқарига судради. Моҳидил қўлига бир ҳовуч пулни олиб, Фотиманинг "Борма! Қайт, Моҳиш, қайт!" дейишига қарамай, Зикирнинг кетидан югурди.

Зухра ҳам:

— Хумпар, бало борми у ёқда, — деганича қолди.

Шу пайт Моҳидилнинг ортидан сакраб машинадан чиқиб олганимни билмай қолдим. Нима бўлса ҳам лақабим бекорга қўйилмаган-да!

Аммо тушишим заҳоти яна ҳалиги семиз кишининг қўлига тушдим. Бу сафар у нам қўли билан билагимдан қаттиқ ушлади.

— Вай-бў! Қаринахон! — деди мен кутмаган мулойимлик билан.

У ёқ-бу ёққа ўзимни ташлаганим билан унинг исканжасидан қутулиб бўлармиди?! Шимимнинг чўнтагига бир нарса солиб қўйганидан кейин, ўзи мени машинамизнинг ичига итариб ўтқазаркан:

— Яна келинлар, албатта, — деб қулоғимга шивирлади-да, машина эшигини ёпди.

Мен "семиз"нинг қулоғимга сал-пал тегиб кетган ҳўл лабларидан бир сескандиму, жунжикиб қалтирай бошладим. (Узр, қўрққанимдан бўлса керак, машинадаги шерикларимнинг на юз ифодаси, на ҳаракатлари эсимда. Ўша пайтда ё мен уларга аҳамият бермаганман, ё улар беозорлик бўйича кўзичоқ билан баҳслашишган, ё у ҳам, бу ҳам эмас: машина салони қоп-қоронғи бўлган). Фақат бир оздан сўнг Моҳидил югурганча келиб ўзининг эрталабки ўрнига эмас, бизнинг олдимизга ўтирганидан сўнг сал ўзимга келдим. Хурсанд бўлиб, унинг пинжиги тикилдим. Орқасидан Зикир ҳам шошилиб ўз жойига сакраб ўтирди. Таъкиб қилувчиларимиз йўлни бўшатишгач, Зикир машинасини илдамлатди.

Машина кеча қаърига киргани етмагандек, яна узоқ вақт сукунат ичига фарқ бўлгандек эди. Тўрт киши сиқилиб анча жойгача бориб қолганимиздан сўнг, охири тинчликни Зикир бузди:

— Моҳиш, машинани тўхтатайми? Олдинга ўтириб оласан.



Моҳидил индамай мени қучоқлади. Фотима бир Зикирга, бир Моҳидилга қаради-да, "ўласак ҳам мусиқа билан ўлайлик" дея ҳали келган йўлидан қайтиб, олдинги жойига ўтиб олгач, магнитофонни ёқиб юборди.

"Хип-хоп" оҳанглари остида шаҳарнинг яқинлагидан дарак берувчи иссиқ шамолга юзимни тутарканман, муҳожирликдан она юртига қайтаётган сайёҳдек бетоқатланаман, фикрларимни жамлай олмай бесаранжом хаёлларга чўкаман.

Ўшанда нималарни ўйлаганим, албатта, ҳозир умуман эсимда йўғ-у, лекин пойгадан сўнг сергакланган кўнглим, ғайратини тонггача кеча қаърига яширган кўчалар каби маъюслашгани ҳамон ёдимда.

Шаҳарга кирганимизда кун аллақачон тунги кўйлагини кийиб олган, кўча-кўйда одам сийраклашган эди. Ташқарида қолганидан ўпкалаб бошини эгиб олган кўча фонуслари зулматга қарши курашларда хиралашган маъюс нурлари билан безори машиналарни бепарво қузатарди. Шинамгина уйларга жойлашиб олган чироқлар деразалардан шўх жимирлар, машина фаралари билан ўйнашиб бетиним кўз қисарди. Кўча фонуслари эса уйли-жойли қариндошларига қарагиси ҳам келмай, уҳ тортганча, бошпанасиз тақдирига қасдма-қасд қуёшнинг оташин нурларидан ҳориган асфальт қучоғига ўз шубласини ташларди.

Маҳаллаимизга етиб келганимизда соат ўн иккилар чамаси эди. Моҳидилнинг Фотима-Зухралар билан узокдан-узок хайрлашётганини кўриб, уйимдагиларнинг қовоқ-тумшукларига тезроқ тўйиш илинижида югурганимча тепага чиқиб кетдим...

10

Эртасига кундузи Моҳидилдан хабар олгани кирдим. Кўзларининг таги қоп-қора, ранги ҳам синиқ, ғижим ҳалати ҳам "кўрк"ига "кўрк" кўшиб турибди. Ошхонасига кирсам, кумғонига совуқ-чоё ҳам қўймаган. Бош-поши оғриятган бўлса керак, дея ташхис қўйганимча, уй бекалигини кўлимга олиб, нонушта тайёрларканман, олдимда бепарво ўтирган дугонаман ҳол-аҳвол сўрадим. У эса жавоб бериш ўрнига индамай қўшни хонага чиқиб кетди-да, бир пасдан сўнг кўлимга пул тутқазди.

— Моҳиш, пулларни кеча бериб юбординг-ку ановиларга. Нима, ўз пулингни тарқатяпсанми? — деб эътироз қилдим.

Моҳидил аранг илжайди:

— Опачанг ҳали ўз пулини тарқатиш даражасида бойиб кетгани йўқ. Сол чўнтагинга. Ваъда-паъда қилганимча бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда...

Пулини олмасликка уринаётганим унга жон киритди, чоғи:

— Мени пулнинг ҳаммасини бериб юборадиган аҳмоқ-пахмоқ деб ўйладингми? — дея кўлимни қайтарди. — Қоронғида пулларни ғижимлаб-ғижимлаб ташлаганимни кўргандирсан. Бари бир қўлларига тушиши билан санаб олмасди. Унинг устига улар учун пулдан кўра, келишув муҳимроқ эди.

У кўзига келган ёшни мушти артди. Яқин қариндошини кўмиб келган одамдек ажиб бир ғуссада бошини эгди:

— Зикиржон олдиндан ҳам сал-пал бошқача ваъда берган экан...

Унга пиёлада сув узатдим-да, олдига ўтириб чаккасидан оҳистагина ўпарканман, шу пайтгача унинг юзида менга сезилмаган титроқ лабларимга кўчгандек бўлди.

Моҳидил сувни ичиб бир оз ўзига келди, ҳатто, унинг аҳволдан йиғлашга шайлигимни сезиб, "қайгурма", дегандек бурнимнинг учини чертиб ҳам қўйди.

Моҳишнинг озгина бўлса ҳам чехраси очилаётганидан хурсанд бўлиб пулларни ололмаслигимнинг

сабабларини тушунтиришга киришдим:

— Моҳиш, биласанми, мен бу пулларни барибир ишлата олмайман, — дедим биринчи "иш ҳақ"имдан кўз узмасдан. — Бирор янги нарса сотиб олсам, барибир, ойимми, дадамми кўриб қолиб, пулни қаердан олдинг, деб сўроқ қилишади. Кўчада еб-ичишга ҳам яқин-ўртада вақтим йўқ. Ўзи кеча кеч келганимдан кейин, энди умуман ҳеч қаёққа чиқаришмайди.

— Кийим-пийим сотиб олмоқчийдинг-ку, — деди Моҳидил.

— Бирор жойга борадиган бўлсам, сенинг кийимларингдан олиб тураман.

Моҳидилнинг барибир пулларни мен томонга сураётганини кўриб:

— Ўзи менга бировларнинг нарчаси жуда ярашади, сезингми? — дея давом эттирдим.

Сўнг чўнтагимдан кеча семиз солиб қўйган юз долларликни чиқариб Моҳидилга узатдим.

— Мана буни сенга бериб қўйишимни сўрашувди.

— Ким? — ишонқирамади дугонам.

— Семиз киши. Сизлардан пулларни олиб қўйишайтганда берди.

— Сенга берган бўлса, пул сеники, — деди Моҳидил қатъийлик билан. — Ё бундан жирканяпсанми?

Нима дейишимни билмай дугонамга қарадим. Одам пулдан ҳам жирканарканми? Онам ёшлигимиздан пулни асраш керак, унга нон сотиб оламиз, шунинг учун нонни қандай кўзимизга суртсак, пулни ҳам шундай қадрлаш керак, деб ўргатганлар. Бу пулни нима учун ололмаслигимнинг асл сабабларини ҳатто ўзим ҳам тушунмасдим. Балки бу менинг биринчи иш ҳақим бўлгани учундир. Биринчи ойлик... Биринчи ойлик ҳақида орзу қилмаганимнинг ўзи бўлмаса керак! Мен ҳам биринчи ойлигимдан дадамга, ойимга, акамга, опамга қанақа совғалар олишим кераклигини неча маротаба хаёл қилганман. Энди мана олдимда ўша мен орзу қилган ойлик турипти-ю, уни на бировга кўрсата оламан, на бирор совға-салом сотиб ололаман. Агар шу пулларни оладиган бўлсам, пул нималигини тушунган пайтимдан бери кўнглимга туккан орзум чилларчин бўлади.

Хаёлимдан шунақа нарсалар ўтган бўлса ҳам, бу гапларни нимагадир Моҳидилга айтишдан тортиндим, гўё бу гапларни айтсам, у хафа бўладигандек туюлди. Кейин ўзимни "бечора" қилиб кўрсатишдан ҳам уялдимми-ей, билмайман. Унинг устига кечаги семизнинг ҳўл лаблари теккан қулоғим... Ҳар қалай ўспиринликдаги "идеализм" одамгарчилигимдан юқори келди.

— Ҳа, жирканаман, — деб эшикни тарсиллатиб ёпганча чиқиб кетдим.

11

Ўша куни дарвозамизга, зинахонамиз деворларига битилган машҳур "М + 3 = С" тенгламаси қип-қизил тирноқ бўёғи ёрдамида мадордан қолиб йиқилаётган тўғри чизиқ ҳамда менинг шижоату ғайратим билан тенгсизликка айлантилди. Энди дарвозамиз атрофи, зинахона деворларида "М + 3 = С" ёзувини ўқиш мумкин эди.

Кечқурун бешинчи қаватимизни супуриб турганимда тепадан таниш дупур-дупур овозлари эшитилди. Супургимни ташлаб бир уйга кириб кетгим ҳам келди-ю, аммо томошага ўч феълим холис ниятимдан баланд келди.

— Моҳиш қани? — менга кўзи тушиши билан сўради Зикир.

— Уйда.

У девордаги ёзувга қараб яна савол берди:

— Ким қилди буни?

Мен у билан гаплашгим келмаётганини англатиш учун:

— Ишинг нима? — деб супуришни давом эттирдим.

Зикир бир оз серрайиб тургач:

— Мана энди бу ёзув ҳақиқатга айланибди, — деб қолди.

Мен бошимни кўтардим-да, ҳайратланиб Зикирга тикилдим. Зикир ҳафтада икки бор уйимга келиб дарс берадиган домлам каби меҳрибонлик билан тушунтира кетди:

— Мана, қара. "Моҳидил" кўшув "Зикир" баробар "севги", дейлик. Агар ушбу тенгламадан Моҳидилнинг қийматини топадаган бўлсак, севгидан Зикирни айириш керак бўлади, тушундингми?..

Албатта тушундим, бекорга ярим йилдан бери "Ахборотнома" тестларини ечмаётгандирман! Яъни, $M + 3 = C$ бўлса, у ҳолда $M + C - 3$ бўлади.

— Севгидан айрилган Зикир қанақа қилиб Моҳидилга тенг бўлади? — давом эттирди айрилувчига айланган "қўшилувчи". — Демак, тенгликдан кўра, тенгсизлик ҳақиқатга кўпроқ тўғри келади.

Ажойиб севги назарияси! Қанийди унинг амалиётга талқини ҳам шунчалик осон бўлса!

Энди Зикир фақат олдинги қаторлардаги фаол ўқувчиларгина эмас, орқа партадаги бедаволар ҳам эшитиши учун баланд овозда гапиришга одатланган умумтаълим мактаби ўқитувчисидек овозини баландлади:

— Зулиша, сен барибир тушунмайсан. Бир сизларни синаб кўрмоқчийдим-да!

Унга ишонқирамай турганимни кўриб, у янги далиллар келтиришга тушди:

— Моҳишкани шундай қилиб ресторан, клублардан қайтармасам бўлмасди. Ўзинг кўрдинг-ку у ёқдаги аҳволни. Моҳишга неча марта шу ишингни қўй дедим, кўнмади! Мен нима қилай, унга гап таъсир қилмася?

— Бўлмасам нега бизни машинада қувишди?

— Зуличка, ўзинг эшитдинг-ку!.. Анов семиз билан гаплашиб кўювдим!.. Пулларингни бир қисмини қайтариб бераман дегандим, озгина "гонка" ўйнашга рози бўлди, — деди Зикир, овозини яна ҳам кўтариб.

Шу пайт эшикнинг гичирлаб очилгани эшитилди. Остонада кўзлари йиғидан қизарган Моҳидил пайдо бўлди. Моҳидилнинг юзида афсус-надомат эмас — нафрат, алам эмас — ғазаб бор эди.

— Алда, яна алда! — деди у Зикирга ўшқариб. — Қайтардинг. Боглаб қайтардинг! Энди ўйнамайман.

Кейин менга қаради, Зикирга яна бир бор ўқрайди-да:

— Сизлар билан ўйнамайман! — деб эшигини қулфлаб зинадан югуриб пастга тушиб кетди.

12

Орадан йиллар ўтди.

Моҳидил турмушга чиқди. Айтишларича, иккинчи хотин бўлиб...

Зикир уйланди. Айтишларича, ўзидан ўн ёш катта бир тиллафуруш аёлга...

Аммо буларнинг ҳаммаси гап-сўзлар, холос. Одамларнинг гапининг қаери рост, қаери ҳақиқат эканини билиб бўлмайдиган даврлар ҳам келди, охири!

Ахир "ҳақиқат кўзгу"сида номларимиз акс эттириладиган ёшдан анча ўтиб қолганмиз!

Зинахонамизу дарвозамиздаги ёзув-чизувлар, тенглама-тенгсизликларга келадиган бўлсак, улкан "мантиқозон"имиз деворлари, ниҳоят, тирноқ бўяғичимиздан анча катта бўлган чўткаларни кўриш бахтига муяссар бўлди! Бир авлод солномаси ёпилиб, тарихнинг янги саҳифаси очилди!

Аммо яқинда Моҳидилни кўчада учратиб қолдим. Ўйли кесиб ўтаётсам, ҳадеб машина сигнал чалаверди. "Кўринишим зўр, шекилли, бугун" деб энди гердайиб ўтиб кетмоқчийдим, қарасам — юзининг ўртасидаги кулгичини ўйнатиб Моҳидил машинанинг ичида кулиб ўтирибди.

Саноқсиз ўпичлару тинимиз кучоқлашишлардан сўнг, у мени университетга ташлаб қўядиган бўлди. Орада ўзимиз ҳақимизда гаплашиб, умумий танишларимиз ҳақида гийбатлашиб кетарканмиз, ушбу ҳикоя жанри бўйича орқамиздан битта машина қувиб сигнал чала бошлади. Бу сафар бизни эски "Жигули" таъқиб қиларди. Аввал Моҳидил бунга аҳамият ҳам бермади. Менинг бегоқатланаётганимни кўриб: "Йўлда бўлиб туради. Бизнинг йигитлар рулда аёл киши ўтиришига ҳалигача ўрганиша олмаяпти", деди. Институтимиз эшиклари олдидаги светофорнинг қизил чирогига тўхтаганимизда "Жигули" чап тарафимизда тўхтади-да:

— Кенноий, мошиналар зўру! Биззаям ҳайдардик! — дея ҳайдовчиси шилқимлик қила бошлади.

Моҳидил менга ҳар доимгидек бир нима деб ақл-пақл ўргатиб турган эди, гапини келган жойида тўхтатди-да, ҳалига болага шартга қайрилиб:

— Менинг бошимдан ўтганлар сеникига тушганда, сен ҳам ҳайдардинг, — деди-да, дераза ойнасини ёпиб қўйди.

Ҳайдовчи гапнинг бунақа бурилишини кутмаган, шекилли, машинасига газни аямай босди-да, чапга қайрилиб кетди. Мен эса беихтиёр Моҳидилнинг йўлга қадалган кўзига тикилдим. Яна ўша кўз ёшлари... Ажабо! Тагида машина, қўлию билақларида кўш-қўш узуклар...

Моҳидил бекатга яқинроқ жойда машинасини тўхтатди. Яна кучоқлашдик. Дугонам ручка қидириб машина салоидаги қутиларини пича титкилади-да, уйининг телефон рақамини ёзиб, чўнтагимга солди. Учрашиб туришга ваъдалашаётганимизда, у ёзиб берган қоғозни олиб сумкамга жойларканман, қоғознинг ичидан кўкиш рангли пул мўралаб турганига кўзим тушди. Пулни кўрмагандек, бамайлихотир Моҳишнинг лабларидан уч марта ўпдим. Бироқ ичимдаги қора ғашлик бурушувларию тиришувларини юзимга кўчаётганини сезарканман, мени қандайдир хижолатлик чулғади. Моҳидил машинасини жилдирди. Мен эса одоб юзасидан машина кўздан бўлмася ҳам, ҳар ҳолда олдидан йўқолишини кутмасданоқ дугонамдан ва балки, ёшлигимдаги лақабимдан қочиб учун орқамга қарамай кетдим. Университетимиз зиналаридан тепага чиқарканман, ёмғирдан сўнг ерни ёриб чиққан замбуруғдек пайдо бўлган ғурурга ўхшаш ғалати бир балоибад, кўнглимнинг қайсидир чеккасида туриб, нафасимни бўғаётганини сеза бошладим.





Ҳабиб СИДДИҚ

ҲАЁТИЙ ҲАНГОМАЛАР

КАЛИШ БОЗОРИДА

Байрам арафасида калиш бозорини оралаб ўтишга тўғри келиб қолди.

- Қаннақасидан изляяпсиз?
- Нечанчиси керак?
- Манавини кўринг-чи...
- Россияникидан олинг.

Одам кўплигидан туртиниб-суртиниб зўрга боряпмиз. Сотувчилар калишларини тикиштиришади:

- Мана буни кўринг-чи...
- Арзонроғидан керакми?
- Нечанчисини изляяпсиз ўзи?

Саволни жавобсиз қолдиргим келмади.

— Бозорда нечанчи калиш йўқ экан, деб қараяпмиз.

ҲАММАБОП КАЛИТ

Ҳамкасбларимиздан бирининг юбилейи нишонланаётган эди. "Олтишвой"ни табриклар ҳамма яхши сўзлар айтади, унга биров чопон, дўппи кийдиради, бошқаси гилам, гулдон тортиқ қилади.

— Юбилярга нима совға олиш тўғрисида кўп ўйландик, — деди сўзга чиққанлардан бири. — Узоқ маслаҳатлашиб ҳамма эшикларга тушадиган калит тортиқ қилишни маъқул топдик.

Даврадагилар хушёр тортиб қулоқларини динг қилдилар.

— Бу калит ҳаммага керак бўлади ... ҳамма вақт керак бўлади. Бунақа калитга эга бўлишга ҳаммамиз ҳар вақт интилиб келганмиз. Бу калит ўзида бўлишини хоҳламайдиган одам ҳали дунёга келгани йўқ. Бу калит қандай қулф билан беркитилганидан қатъий назар кўплаб эшиклар, дарвозалар ва темир сандиқларни очишга қодир. Манна ўша калит!

Нотикнинг қўлида пул солинган конверт турар эди.

СЎРАГАНИНГИЗ НИМА ҲДИР

Асаб касалликлари шифокори хузурига хотинини олиб келган киши ҳасратини тўкиб солиб ёрдам суради. Шифокор бемор аёлни кўздан кечирар экан, савол берди:

— Ўзи паррандачилик махсулоти, ранги оқ. Нима?

- Тош, — деди бемор.
- Мана шунақа аҳвол, — деди эр хўрсиниб.

— Ўзи товўғингиз тўққан нарса, усти қаттиқ, ичи суюқ, — деди шифокор, бу гал тушунтириброк — ранги оппоқ. Бу нима ўзи-а?

— Оппоқ тош.
— Э-э, — деди эр хуноби ошиб.

— Булди, — деди доктор, — беморни олиб чиқаверинг, даволаниш учун йўлланма ёзиб бераман.

Хотинини ташқарига олиб чиқиб кўйган эр хонага қайтиб кириб йўлланмани олгач шифокорга раҳмат айтиб, деди:

- Яна бир нарсани сўрасам майлими, дўхтир?
- Бемалол.
- Агар мумкин бўлса менга айтиб беринг, дўхтир. Ҳалиги сўраганингиз нима эди?

ЮЗГА КИРИНГ

Дунёни сув босса парвойига келтирмайдиган, юмшокроқ қилиб айтганда дали-гулигина бир одам олтишга кирибди. Юбилей дастурхони устида дўстлари, ҳамкасблари унга гоҳи бор, гоҳи йўқ фазилатларни ёпиштиришиб ҳамду санолар айтиб, яхши тилаклар билдиришди.

Тилимиз бой, сержило ва ундан фойдаланиб гапнинг пайровини керакли томонга буриб юборадиган сўзамол одамлар ҳам топилиб туради. Бу гал ҳам шундай бўлди.

— Сиз камида юз ёшга киринг, — деб жилмайди ҳамкасблардан бири. — Мен буни шунчаки айтаётганим йўқ. Шундай бўлишига ишонаман. Чунки, шу характерингиз билан сиз юзга кирмасангиз, бошқа биров бу ёшга етмайди.

Даврада қаҳқақа янгради. Чунки гапнинг ургуи жойига тушган эди.



O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

Jamoatchilik kengashi raisi:

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Gulruh A'ZAMOVA

Saidvafo BOBOYEV

Abulqosim MAMARASULOVI

Ahmad OTABOYEV

Nurmat OTABEKOV

Minhojiddin MIRZO

Shunqor XUDOYBERDIEV

Ahmad USMONOV

Bosh muharrir:

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari:

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib:

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqa boshlagan.

© "Yoshlik" № 3 (220) 2008 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA**2008 -YOSHLAR YILI**

Nodir SUBHONOV. Kelajak egalari. 1

NAZM

O'tkir RAHMAT. Ozodlik, erkinlik — qanotga ilhom. 3

Dildora MINGYASHAROVA. Baxtli uyning bekasi bo'ldim. 16

OYDINNISO. Kechirma, ovutma, sen meni sevgin. 24

Bahodir XUDOYBERGAN. Tog'dagi gullar beg'ubor ekan. 27

Zulxumor ALIMARDONOVA. Yo'limizda ajib gulzorlar. 27

G'ayrat MAJID. Ishqingni yurakka ko'mib boraman. 38

BIRINCHI UCHRASHUV

Akmal TURSUNOV. Sendan ko'z uzmoqqa haqqim yo'q. 16

Gozaloy SOLIH. Shaharlik qiz. Hikoya. 28

Yodgora KELDIBOYEVA. Maysa orzusi. 33

Nafosat SODIQOVA. Kel bir xonish ayla. 33

Xurshida NISHONOVA. Taqdir zulfimdek chigal. 35

Nazokat AZIM. Tengsizlik. Hikoya. 39

NASR

Ishoq ISMOIL. Soat qutisidagi munchoq. Qissa. 6

Uyg'un RO'ZIEV. Uzun yo'llar. Hikoyalar. 17

MUTOLAA

Nafosat O'ROQOVA. Asl mamlakat — "Kangul". 25

MUSHOIRA

Madina MUZAFFAROVA. Uyingning yonidan o'tyapman. 30

VILOYAT. Mushfiqqinam. 30

O'tkir ALIMOV. 31

Bahodir BAHROM. 31

LUQMA

Dilmurod USMONOV. Sharafli kash, ammo... 36

O'ZBEKISTON — DUNYOVIY DAVLAT

Shuhrat SIROJIDDINOV. Din haqida suhbatlar. 34

JAJJI TADQIQOT

Rustam MANNOPOV. Oromkursi fojeasi. 32

YELPUG'ICH

Habib SIDDIQ. So'raganingiz nima edi. 47

Muqovalarimizda

1-betda: Baxtli bolalik.

2-betda: Nukus. «Barkamol avlod» sport musobaqalari.

3-betda: O'zbekiston xalq shoiri Xurshid DAVRON.

4-betda: Yoz ne'matlari.

Manzilimiz: Toshkent shahri, O'zbekiston ko'chasi, 16A-uy. **E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

Telefon: 227-08-23. Bosishga 12. 06. 2008 yilda ruxsat berildi. Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0. Indeks 822 ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan. Jurnalidan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi» deb izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 70

Manzil: Toshkent. sh. Istiqlol ko'chasi, 33-uy.